

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**Воҳобов А.В., Ибрагимов А.Т.**

# **«МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ»**

**ДАРСЛИК**

**ТОШКЕНТ - «ЎЗБЕКИСТОН» - 2002**

Воҳобов А.В., Ибрагимов А.Т. «Молиявий таҳлил». Дарслик. Т., «Ўзбекистон» - 2002 йил.

Ҳозирги кунда, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тай, рлаш Миллий дастури» асосида олий таълим соҳасида кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан янги, замонавий ўзгаришларни ўз ичига олган дарсликлар яратиш, ўқув жара, нларида янги педагогик технологияларни қўллаш, айниқса талабаларни мустақил ўз устида иш олиб бориши, мустақил фикрлашга ўргатишга мўлжалланган ўқув адаби, тлари яратиш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Янги жара, н бошқа ўқув фанлари каби «Молиявий таҳлил» фанини ўқитиш, бинобарин, унинг мазмунини Республикаизда амал қила, тган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонун талабларидан келиб чиқсан ҳолда тубдан янгилашни тақозо этмоқда. Бу янги ўзгаришларни назарда тутиб, муаллифлар Олий ўқув юртларида ўқитиладиган «Молиявий таҳлил» фани дастурига асосланиб ушбу дарсликни яратдилар. Дарслиқда фирма ва компанияларнинг бухгалтерия ҳисботларини молиявий таҳлил қилиш услублари келтирилган, талаба ҳар бир мавзуни ўрганганидан сўнг такрорлаш саволлари ва мустақил топшириқларни бажариши лозим.

«Молиявий таҳлил» дарслиги нафақат талабаларга, балки мененджерлар, молиячилар, солиқчилар, банк ходимлари, қимматбаҳо қоғозлар ва сармоялар бозори иштирокчилари, бухгалтерлар, аудиторлар ҳамда бошқа иқтисодчи мутахассислар учун ўз мижозларининг молиявий ҳолатини билишга , рдам беради.

«Молиявий таҳлил» кафедраси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буюртмаси асосида тай, рланди.

Тақризчилар:

ТДИУ кафедра мудири,

и.ф.д., проф.

ТДИУ и.ф.н., доц.

О.М.Жуманов

Б.В.Файзиев

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, энг аввало иқтисодий соҳада ислоҳатларни янада чукурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастур ишлаб чиқилган. Бу дастурнинг жорий этишдан кўзланган асосий мақсад- Ўзбекистоннинг демократик ва бозор ислоҳатларини амалга ошириш, жаҳон хамжамиятига кенг интеграциялашуви ва барқарор олға бориши учун мустаҳкам замин яратишидир.

Президентимиз И. Каримов: «Олдимиизда турган биринчи ва асосий вазифа - бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш ва илгор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир» деб таъкидлаган. Бу, Республика иқтисоди,ти фаолият юрита,тган барча соҳа корхоналарининг фойда кўриш мақсадида, бозор иқтисоди,ти талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариши ,ки хизмат кўрсатишини талаб этади<sup>1</sup>.

Республиканинг иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишида муҳим омиллар бўлиб, ишлаб чиқариш хажмининг ўсиши, пул қадрсизланишини пасайтириш, экспорт хажмини ошириш ва бошқа шу қаби макроиқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга мамлакатда фаолият юрита,тган ҳар бир корхона, фирма, компанияларнинг хўжалик субъектлари сифатида ривожлантиришни тақазо этади.

Корхона, фирма ва компанияларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий менежмент ишларини тўғри йўлга қўйиш, бор моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ,ки хизмат кўрсатишини ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети

<sup>1</sup> И.Каримовнинг Вазирлар Махкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳатларнинг 2000 йил биринчи ярими якунларига бағишлиб ўtkazilgan мажлисдаги «Иқтисодиётни эркинлаштириш - фаровонлик пойдевори» мавзусидаги маъruzasiда.

олдидағи мажбуриятларини ўз вақтида бажариш резервлар ташкил этиш ЭНГ долзарб вазифалардан саналади.

Шу боис, бозор иқтисодиётини эркинлаштириш ҳар биримиздан бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит ҳақида мазлум билимга эга бўлишимизни талаб этади. Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақият, ҳисобкитобларнинг пухталигига, пул оқимларини оқилона бошқаришлигига, молиявий масалалардаги қарорларни тўғри ва ўз вақтида қабул қилинишлигига ҳамда молиявий таҳлилнинг сифатли ташкил этилишига узвий боғлиқдир. Айниқса, бозорни тўғри ўрганишда, ҳамкорларни молиявий ишончлилигини била олишда, ўзаро ҳисоб-китоб ишларида ютқазиб қўймаслик ва бойиклардан ўринли фойдалана олишда комплекс иқтисодий таҳлилнинг натижаларига асосланиб бошқарув қарорларини белгилаш, фойда олишнинг зарурый шарти эканлиги тажрибада бир неча бор исботланган.

Эътиборингизга хавола этилаётган «Молиявий таҳлил» дарслигига корхона, фирма, компанияларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишининг услублари содда ва тушунарли тилда ёритилган. Дарслик корхона маблағларини, унинг ташкил топиш манбаларини, молиявий натижаларини, асосий воситалар ҳаракатини, пул оқими ва ҳусусий капитал ўзгаришини омилли, қи, сий таҳлил қилишининг амалдаги тартиби, фирма ҳамда компанияларнинг кредитга лаёқатлилиги, молиявий барқарорлигини аниқлашнинг услугий асосларини ўрганишга ёрдам беради.

Шунингдек, «Молиявий таҳлил» дарслигини тўлиқ ўрганган шахс хиссадорлик жамияти акцияларини сотиб олишда тўғри қарорлар қабул қила оладилар. Бундан ташқари ушбу дарсликда келтирилган усулларни қўллаб, ҳамкор корхоналарнинг ишончлилигига холисона баҳо беришлари ҳам мумкин.

Олий ўқув юртларининг «Иқтисодиёт» таълим блокларида билим олаётган талабалар, бўлғуси бухгалтер-аудиторлар, давлат молиясини бошқариш, қимматбаҳо қоғозлар ва сармоялар бозори, солиқ ва солиққа тортиш, банк ходимлари, сармоялар молияси ва уларнинг мониторинги ҳамда

магистрантлар «Кредит», «Халқаро валюта кредит муносабатлари», «Давлат молиясини бошқариш», «Солик», «Бухгалтерия ҳисоби», «Аудит», «Банк аудити», «Инвестиция», «Корхона молияси», «Суғурта иши», «Ташқи иқтисодий фаолият», «Капитал қўйилмалар мониторинги», «Банкларда қимматли қоғозлар операцияси», «Корхоналар молия менежменти», «Қимматли қоғозлар бозори» каби бошқа мутахассисликларни эгалловчилар учун ҳам «Молиявий таҳлил» дарслигидан фойдаланиш, ўз касбини чуқур эгаллашига ёрдам беради.

«Молиявий таҳлил» дарслиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги буюртмаси асосида тайёрланди ва услугубий кенгаш томонидан олий ўқув юртларида фойдаланишга тавсия этилди.

Китобхонларни молиявий таҳлил услубияти билан чуқур таништириш мақсадида ҳар бир ёритилган мавзудан сўнг такрорлаш учун саволлар ва ўрганган мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча топшириқлар берилган. Қўшимча топшириқлар Республикаиз амалиётида фирма ва компаниялар тўлдираётган молиявий ҳисбот шакллари маълумотларини ўргатиш мақсадида илова қилинган.

Дарсликда келтирилган ҳисбот маълумотлари ва рақамлар шартли олинган, расмий саналмайди. Мавзуларни ўрганишда ва ёритишда ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун фойдаланилган холос.

«Молиявий таҳлил» дарслигини яратишда ёрдам кўрсатгани учун Тошкент Молия институти Ўқитувчилари и.ф.н. М.Рахимов, У.Якубов ва Н.Ишонқуловларга муаллифлар ўз самимий миннатдорчиликларини билдирадилар.

Ушбу дарслик Тошкент Молия институтининг улубий кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган.

## **I Боб**

### **БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИНИ ТАҲЛИЛИ**

---

- 1.1. ТАҲЛИЛНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАСИ ВА МАНБАЛАРИ.**
- 1.2. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИНИНГ ТАРКИБИ ВА ТУЗИЛИШИ.**
- 1.3. МОЛ-МУЛҚ ТАРКИБИННИНГ ТАҲЛИЛИ.**
- 1.4. МАБЛАҒЛАР МАНБАИНИНГ ТАҲЛИЛИ.**
- 1.5. АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИ ҚОПЛАШГА ЎЗЛИК  
МАНБАЛАРИНИНГ ЕТАРЛИЛИГИНИ ЁКИ  
ЕТИШМАСЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 1.6. МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАҲЛИЛИ.**
- 1.7. ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 1.8. МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТЧАNLИГИНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 1.9. АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИНГ АЙЛАНИШИНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 1.10. МАВЗУНИ ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**
- 1.11. МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.**

## **1.1. ТАҲЛИЛНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАСИ ВА МАНБАЛАРИ.**

Мустақиллик бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида турли мулк шаклидаги корхоналар фаолиятига тўлиқ эркинлик берди. Айниқса савдо-сотикда эркин муносабат юритиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун шерик танлай билиш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ва уни сотишдан олган даромадга тўлиқ эгалик қилиш молиявий кўрсаткичларининг ўзгаришига бевосита таъсир этади.

Янгича иш юритиш аввал учрамаган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, ташқи ва ички бозордан тажрибали мижоз ва ҳамроҳ танлаш билан бирга уларнинг молиявий имкониятларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Корхоналар фаолиятини ўрганишда бухгалтерия ҳисоботи асосий манба бўлиб хизмат қиласи. Улар молиявий маълумотларнинг умумлаштирилиши натижасида тузилади ва ҳамкорликда ишловчилар ўртасида бир-бирини ўрганиш воситаси бўлади.

Ҳисбот маълумотлари асосида корхона фаолиятини ўрганишга қизиқувчиларни шартли равишда бевосита ва билvosita талабгорларга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга мулк эгалари, қарз берувчи, мол етказиб берувчи, харидорлар, солиқчилар, молиячилар, корхона ишчи ва раҳбар ходимлари киради. Ҳар бир қизиқувчи ўзининг манфаати ва талабига қараб молиявий ҳисботларни таҳлил этади. Мулк эгаси сармоядан қанчалик самарали фойдаланилаётганлиги, қўшимча олинадиган даромад суммаси билан қизиқса, қарз берувчи берилган маблагни қайтариб олиш имкониятини олдиндан билишга харакат қиласи. Билvosita қизиқувчи истеъмолчиларга аудиторлик фирмалари, биржалар, ассоциация вакиллари, матбуот ходимлари, касаба уюшмалари ва бошқалар киради. Улар молиявий ҳолатга алоқадор бўлмасада, биринчи гуруҳ талабгорларининг манфатини ҳимоялаш мақсадида ҳисбот маълумотларини ўрганадилар.

Молиявий маълумотлардан фойдаланган ҳолда корхоналар фаолиятига тўғри баҳо бериш муҳим вазифадир. Ушбу китобда бухгалтерия ҳисботи асосида корхоналар фаолиятининг молиявий таҳлилини ўтказиш услуби баён этилган. У молиявий ҳисботни ўрганишга қизиқувчи тадбиркорлар, солик, молия, банк тизими ходимлари ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Бозор иқтисоди шароитида ҳусусий, жамоа, қўшма, кичик, ҳиссадорлик, давлат ва бошқа шаклдаги мулкка эга бўлган корхоналар молиявий аҳволини ўрганишнинг мазмуни шундан иборатки, бунда ўз вақтида пул тушумларининг келиши, ҳисоблашиш интизомига риоя қилиш, ҳусусий ва қарз маблағларининг тўғри нисбатга бўлишини таъминлаш, молиявий тартиб ва интизомга, барча ишлаб чиқариш бўғинларида иқтисод ва тежамкорликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарнинг молиявий ҳолати кўп жиҳатдан - баҳо, кредит, фойда ва уни иқтисодий тақсимланиш механизмига боғлиқдир. Барқарорлик бўлган жойда барча хўжалик муомалалари ва ҳисоб-китоблар ўз вақтида бажарилади. Шу боис бозор шароитида ҳар қандай корхонанинг молиявий аҳволини билиш ва ўрганишга эътибор кучаймоқда.

Молиявий таҳлилнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- корхонанинг молиявий аҳволини ҳар томонлама ўрганиб, унинг ҳолатига аниқ ва ҳолисона баҳо бериш;
- маблағ ва манбаларнинг жойланишини текшириш, уларни тўғри йўналишда ишлатилганлигини аниқлаш;
- ҳисоблашиш ишларининг ўз муддатида бажарилганлигини ўрганиш;
- корхонанинг ўзига қарашли маблағлари билан қарз маблағлари ўртасидаги нисбат ва айланма маблағларни манба билан таъминланганлигини текшириш;
- молиявий интизомга қанчалик амал қилишни аниқлаш ва тўлов қобилиятига баҳо бериш;

- корхона мулкининг қадрлиги ва тез пулга айлана олиш даражасини ўрганиш;


- айланма маблағлардан фойдаланишга баҳо бериш ва корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш бўйича таклифлар баён этиш ва ҳ.к.

Таҳлилнинг асосий мақсади - молиявий фаолиятдаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, маблағлардан янада тўғри фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тартибини мустаҳкамлашга қаратилади. Демак, бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, харажатларни тежаш, пул-молия алоқалари ва бошқа фаолиятларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади. Молиявий таҳлилни бажаришда зарур бўладиган манбаларга корхона баланси, унга қилинган иловалар ва бошқа ҳисбот маълумотлари киради. Шунингдек, бухгалтериянинг синтетик ва аналитик счётлари маълумотларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Чунки кейинги йилларда тузиладиган ҳисботларнинг ҳажми қисқариб, таҳлил имкониятларини чегаралашга олиб келмоқда.

Айниқса маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, маҳсус ва мақсадли маблағлар, заҳира жамғармаси, фойда ва заарлар, турли хил ҳисоб-китоблар, қийматли қофоз ва векселлар бўйича маълумотлардан кўпроқ фойдаланилади. Булар хўжалик фаолиятининг тўғри бошқарилиши, унинг молиявий барқарор бўлиши ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига бевосита таъсир қўрсатади.

## 1.2. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИННИГ ТАРКИБИ ВА ТУЗИЛИШИ.

**Баланс**—корхона маблағлари ва қоплаш манбаларининг маълум даврдаги ҳолатини кўрсатади. Ҳисоб-китоб ишларини халқаро андоза талаблари бўйича юритишга яқинлаштирилиши ва корхоналар тузадиган янги бухгалтерия баланси бозор иқтисоди сари қўйилган дастлабки қадамдир. Замонавий иш юритиш шарт–шароитига мос келувчи балансда актив ва пассив томонлари бўлади. Актив томонида корхона маблағлари, пассивида эса хўжаликнинг ўзига тегишли манбалар, кредитга ва қарзга олинган бошқа манбалар кўрсатилади. Актив маблағларнинг ошиши, пассивдаги манбалар ва фойда (даромад)нинг кўпайиши билан боғлиқдир. 1-чизмада бухгалтерия балансининг актив ва пассивидаги бўлимлар номлари ҳамда қайси сатрда умумлаштирилиши келтирилган.



**1-Чизма.** Бухгалтерия балансининг тузилиши.

Баланснинг барча бўлим ва бандларини чуқур ўрганиш молиявий аҳволни тўлиқ ўзлаштиришнинг асосини ташкил қиласди.

Активда ишлаб чиқаришни узлуксиз олиб бориш учун зарур бўлган ва ҳисобот тузиш даврига қиймат шаклидаги мол-мулки ҳамда уни қоплашга жалб қилинган манбалари ўз аксини топади. Бу кўрсаткичлар мол-мулк хажми, таркиби ва қийматини қай даражадалигини ифодалайди. Шунингдек мол-мулкнинг молиялаштириш манбалари, яъни ўзига тегишли манбалар ва четдан қарзга жалб қилинган манбалар ҳолати ҳам пассивда келтирилган. Балансдаги ҳар бир банд ва бўлим корхоналарнинг молиявий ҳолатига боғлиқ, шунинг учун ҳам уни чуқур ўрганиш лозим.

Актив қисм - асосий ва айланма маблағларнинг ҳолатини кўрсатиб, молиявий хўжалик жараёнини юритиш вазифасини бажаришда бу мулклардан фойдаланади. Мулк тўпланган молиявий ҳамда давлат ташкилотлари маблағи, ҳусусий шахслар жамғармаси, ҳиссадор ва таъсисчиларнинг улуши, банк кредити, чет эллик сармоядорлар ва ҳакозо маблағлар эвазига сотиб олинади. Айрим ҳолларда таъсисчилар асосий восита ва моддий бойликларнинг ўзини бериши ҳам мумкин. Асосий ва айланма маблағлар ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксиз юритишга ҳизмат қиласди. Ўз-ўзидан бу фаолият давомида ўзгаради, ҳаракатда бўлади ва таркиби янада янгиланади.

Баланснинг биринчи бўлими узоқ муддатли активлар деб номланиб, номоддий актив ва асосий воситалар бошланғич, эскириш ва қолдиқ қийматда, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, тугалланмаган капитал ва узоқ муддатли қўйилма таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар ва бошқа оборотдан ташқари бўлган активлардан иборатdir. Номоддий активлар корхонага даромад келтириш ёки унинг ишлаб чиқаришини юритишга шарт-шароит яратувчи, натурал буюм шаклига эга бўлган мулкий ҳуқукий қийматлар, патентлар, муаллифлик ҳуқуқи, савдо маркалари, «Ноу-хай», ердан, сувдан ва бошқа табиий бойликлардан, бино, иншоот ва қурилмалардан фойдаланиш ҳуқуқларидан иборат бўлади. Шунингдек бу бандда ҳиссадорлик жамияти

бошқаруви қелишувига мувофиқ низом жамғармасини ташкил қилиши учун ажратган номоддий активлари ҳам акс этади. Номоддий активлар таркибида корхона манфаати учун келгусида ишлатилиши мўлжалланган илгор технологиядан фойдаланиш хуқуқи, уларни олиб келиш ва ишлатишга тайёрлаш харажатлари қўшилган ҳолда акс этади. Бу ҳолат қўшма корхоналардаги Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган юридик шахс билан хорижий сармоядорлар ҳамкорлиги туфайли кўпроқ вужудга келади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат бинолари, иншоотлар ва ускуналардан фойдаланиш харажатлари ижара ҳаки суммасига teng бўлади. Умуман номоддий активлар бошланғич баҳода кўрсатилади, хизмат муддатига қараб унинг эскириши ҳисобланади ва баланс жамланганда қолдиқ баҳодаги сумма қўшилади. «Асосий воситалар» бандида баланс тузилган вақтгача бўлган синтетик счёт қолдиғи кўрсатилади. Бу ҳисобнинг дебетида йил давомида кирим қилинган, кредитига эса йил давомида чиқиб кетганлари акс эттирилади. Асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланади, буни аниқлаш мураккаб. Шунинг учун тўлиқ тиклаш учун ҳисобланган амортизация суммасига эскириш teng деб шартли қабул қилинади. Амортизацияни ҳисоблаш маҳсус меъёрлар асосида (бошланғич ёки тиклаш баҳосига нисбатан фоиз ҳисобида) аниқланади. Меъёрлар ҳар бир асосий восита турлари бўйича дифференциялашган, лекин амортизацияни ҳисоблашда асосий воситаларнинг хизмат муддати тугагунча, бошланғич ёки қолдиқ қийматини эскириш сифатида янги яратилаётган қийматга ўtkазиши лозим. Ҳисоблашнинг тезлашган меъерини қўллаш мумкин, фақат бу тартиб фаол қатнашувчи (машина, ускуна ва транспорт) воситаларга таалуқлиdir.


Асосий воситаларнинг эскириши счётда ҳисоблангач, шунга қараб амортизациялашган ёки қолдиқ баҳодаги асосий воситалар ҳажми аниқланади, яъни бошланғич баҳодан эскириш сумма айриб топилади. Шу бандда узоқ муддатга ижара олинган, ишлатилиши ёки концервацияда турганлигидан катъий назар балансидаги асосий воситалар қиймати акс этади. Баланснинг

қолған қисміда капитал қўйилмалар, шуъба корхоналардаги акциялар, шуъба корхоналарга берилган қарзлар, уюшма корхоналардаги акциялар, уюшма корхоналарига берилган қарзлар, узок муддатли инвестициялар ва бошқа активлар кўрсатилади. Бу хўжалик ёки пудрат усулида бажарилаётган тугалланмаган капитал қурилиш асосий пода тузиш харажатлар, моддий бойликлар қидириш ишлари учун сарфлар ва шу мақсадларга ажратиладиган маблағларни кўрсатади. Капитал харажатларни корхона ўз маблағи ёки узок муддатли кредит эвазига бажариши мумкин.

«Узок муддатли инвестициялар» бандида хамкорликда ишлашга келишгандарнинг корхона устав фондига қўшган ҳиссаси ёки берган қарзи, бир йилдан ортиқ муддатга қийматли қоғоз учун қўйган маблағи кўрсатилади. Қийматли қоғозлар мулк эгасининг хуқуқини акс эттириб, маълум даражадаги қўшимча фоиз, даромад келтиради. Бундай қоғозлар бошқа корхоналарнинг акция ва облигациялари, давлат томонидан чиқарилган ички зайдир, банкдан сотиб олинган узок муддатли жамғармали сертификатлардир. Бу банд учун суммани «Узок муддатли инвестициялар» счёти қолдиғидан олинади.

Активнинг II бўлими оборот активлари деб номланиб, 2- чизмада уларнинг таркиби келтирилган.

## ОБОРОТ АКТИВЛАР (300-сатр)



**2-Чизма.** Оборот активларининг таркибий қисмлари.

Активнинг II бўлими оборот активлари деб номланиб, асосий ўринни «Ишлаб чиқариш заҳиралари» банди эгаллайди. Чунки бу бандда корхона ишлаб чиқаришни юритишга зарур булган буюмлар жамланади. Унда ҳом ашё ва материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва деталлар, уруғ, ем-хашак, ёқилғи, идишлар ва идишбоп материаллар, эҳтиёт қисмлар, қайта ишлаш учун четга берилган материалларнинг ҳақиқий таннархи (сотиб олиш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар) кўрсатилади. Ушбу бўлимнинг янги ҳусусияти шундаки, арzon баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар бошланғич, эскириш ва қолдиқ баҳоларда келтирилади ҳамда баланс жамланганда фақат қолдиқ баҳодаги, яъни яроқли қиймати қўшилади.

II бўлимнинг актив қисмини тўлдиришда асосий маълумотлар «Материаллар», «Ўстиришдаги ва боқувдаги чорва моллари», «Арzon баҳо ва тез эскирувчи буюмлар», «Арzon баҳо ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши», «Асосий ишлаб чиқариш», «Ўз ишлаб чиқаришнинг ярим тайёр маҳсулотлари», «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», «Нокапитал ишлар», Келгуси давр харажатлари», «Тайёр маҳсулот», «Товарлар», «Савдо устамаси». «Муомала харажатлари», счёти қолдигидан олинади.

Пул маблағлари, валюта маблағлар, ғазнадаги пуллар, қисқа муддатли қўйилмалар бандларида материал шаклида бўлмаган бойликлар акс эттирилади. Бу маблағларнинг ҳажми корхонанинг ихтисослашганлиги, бозор муносабатларида таъминотнинг ташкиллаштирилиши ва бошқа кўпгина сабабларга боғлиқ. Масалан, саноатда пул салмоғи юқори бўлса, савдо ташкилотларида эса дебиторлар билан ҳисоб-китоблар кўп бўлиши мумкин, чунки бу товарларни сотишга бориб қадалади. Энг аввало дебиторлар билан ҳисоб-китоблар кўрсатилади, чунки хозирги шароитда бу масалани таҳлил қилиб туриш зарурдир. Дебиторлар бошқа юридик (корхона, ташкилот ва муассаса) ва жисмоний шахслар тўлаши лозим бўлган қарздорлариdir. Қарздорларни шартли икки гурухга ажратиш мумкин: одатдаги ва


асосланмаган. Одатдаги қарзларга ишлаб чиқариш, товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишга аввалдан қарз бериш, даъво қилиш ва шу каби муносабатлар туфайли юзага келган, аммо тўлаш муддати хали етмаганлари киради. Асосланмаган қарзлар фаолият давомидаги камчиликлар, товар ва моддий бойликларнинг камомади, ўғрилик ва ҳар хил йўқолишлар ҳисобига пайдо бўлади. Бу ҳолат доимо назоратда бўлиб, мунтазам таҳлил этиб боришни талаб қиласди. Умуман, дебитор қарзларнинг мавжудлиги молиявий аҳволга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун олинган векселлар бўйича, шўъба корхоналари, бюджет, ходимлар ва бошқа дебиторлар билан бўлган муносабатлар ҳусусида баланс тузилган даврдаги ҳолат кўрсатилади. II бўлим активида мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ҳам келтирилади.

Маблағларни ўрганишда пул маблағларини таҳлили алоҳида ўринни эгаллайди. Бундай маблағлар ҳисоб-китоб, валюта счёти ва ғазнадаги пуллар тушунилади. Мазкур маблағлар тўлов мажбуриятларини бажарилишида бирламчи восита бўлиб хизмат қиласди. Айниқса ҳисоб-китоб ва валюта счётидаги маблағлар маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, ишчи-хизматчилар, бюджет, банк, сугурта ва бошқалар билан бўладиган алоқа манбаидир. Шу туфайли бу масала алоҳида ўрганилиши лозим. Шу ерда ўтган ва жорий йилдаги кўрилган заарлар ҳам акс эттирилиши керак.

Корхона мулки ва маблағларнинг келиб чиқиши манбалари баланснинг пассивида кўрсатилади. Булар ўзига қарашли ва четдан жалб қилинган манбаларга ажратилади. Жалб қилинган манбаларга банк кредитлари ва кредиторлик қарзлари киради.

Пассив ҳам ҳудди актив қисм каби иккита бўлимдан иборат. Биринчи бўлим «Ўзлик маблағларининг манбалари» деб номланиб унинг таркиби З-чизмада келтирилган.

**ЎЗЛИК МАБЛАҒЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ  
(390-сатр)**



**3-Чизма.** Ўзлик маблағларниң манбалари.


I бўлим пассивида ўзлик маблағларниң манбалари кўрсатилиб, бунда устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар, мақсадли тушум ва фондлар келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари киради. Пассивнинг «Устав капитали» бандида хўжалик фаолиятини юритиш учун ажратилган маблағлари кўрсатилади. Ҳиссадорлик жамиятларида эса ҳар бир қатнашчининг қўшган ҳиссаси устав фондида кўрсатилади. Дивидент сифатида тақсимланадиган соф фойда ҳажми ҳам қўшилган ҳиссага қараб аниқланади. Демак, устав фонди бозор иқтисоди шароитида юридик шахс сифатида корхонанинг ўзига тегишли маблағи ва акционерларниң қўшган ҳиссасидан иборат бўлади. Ҳар бир қатнашчи шахсий ҳиссасига қараб корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолиятига аралашади. Ҳамкорликдаги, ҳиссадорлик,

қўшма ва кичик корхоналарнинг устав жамғармаси ҳажми қатнашчилар қўшган бадаллар миқдорига боғлиқ бўлади.

Кўшилган капитал, резерв капитал бандларида корхонанинг бойликларини қайта баҳоланишидан, олган фойдасидан ташкил этилган резервлардан, қўшимча акциялар чиқариш натижаларидан қўпайган ҳусусий манбалар қўрсатилади.

I бўлим пассивига тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳам киритилади. Бу банднинг суммаси корхонани олган фойдаси миқдорига ва унинг тақсимланишига боғлиқдир. Корхона ўз олдидаги фойдадан тўлаши лозим бўлган мажбуриятларини бажариб бўлгандан сўнг, қолган қолдиқ келгусида резерв сифатида фойдаланилишини қўзланиб қолдирилади. Тақсимланмаган фойда банди ўтган йиллардаги фойдадан қолган суммаларни ҳам ифодалайди. Балансда корхонанинг ўз маблағлари манбаи қанча қўп улушни эгалласа, шунчалик молиявий аҳвол ишончли бўлади.

Пассивнинг иккинчи бўлими «Мажбуриятлар» деб номланиб, унда корхонанинг қарзлари акс этади. 4-чизмада мажбуриятлар таркиби келтирилган.



**4-Чизма.** Мажбуриятларнинг таркибий қисмлари.

«Мажбуриятлар» бўлимида корхонанинг бир йилдан ортиқ муддатга олинган кредит ва қарзлари ифодаланади. Бу узоқ муддатли банк кредитлари ва узоқ муддатли қарзлардан иборат. Банк кредитлари ишлаб чиқаришни техник жиҳозлаш, асосий воситалар сотиб олиш ва кўриш, асосий пода ташкил қилиш ва бошқа кўпгина истиқболли лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида олиниши мумкин. Қарзлар бандида эса бошқа корхоналардан (банқдан ташқари) олинган қарз суммалари қўрсатилади. Бу бандларни тўлдириш учун зарур маълумотлар «Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари» ва «Узоқ муддатли қарзлар» счёtlар қолдигидан олинади.

Қисқа муддатли мажбуриятлар таркибига бошқа ташкилотлар-дан бир йилгача бўлган муддатга олинган қарзлар ва банкнинг қисқа муддатли кредитлари акс этади.

Иккинчи бўлим пассивнинг таркибида кредиторлик қарзлар салмоқли улушни эгаллайди, амалдаги тартибга кўра бундай қарзларни узиш муддати 90 кунга қадар деб белгиланган.

Пассивнинг «Мажбуриятлар» бўлимини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу бўлимда қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзларни, корхона ишчи-хизматчилари учун банк кредитлари, товарлар, бажарилган ишлар, хизматлар учун, берилган векселлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича, ижтимоий ҳимоялаш, суғурта, таъминот, мулкий ва шахсий суғурта, бюджет билан, ундан ташқари тўловлар, шўъба корхоналари ва бошқалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар қўрсатилади. Булардан ташқари ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар, кўзда тутилган даромадлар, харажатлар ва тўловлар заҳираси, даргумон қарзлар бўйича заҳиралар ва бошқа қисқа муддатли пассивлар ҳам ушбу бўлимда акс эттирилади. Шу бўлим пассивида жуда кўп бухгалтерия ҳисобининг счёtlари кредит қолдиги келтирилади. Корхона балансини ўрганишда асосий эътибор йил бошида ўтган даврда мулк ва маблағларнинг қанчалик ўзгарганлиги ҳамда активдаги ҳар бир банд пассивдаги манбаларни қанчалик таъминлаганлигига қаратилади.

### 1.3. МОЛ – МУЛК ТАРКИБИННИГ ТАҲЛИЛИ.

Янгича иш юритиш шароитида корхоналар мулкининг таркибини ўрганиш ва уни кўпайтириш йўлларини аниқлаш хўжалик фаолиятининг таҳлилида муҳим ўрин тутади. Айниқса балансга қараб корхона мол-мулки ва бойлигининг таркибини қузатиш, соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъёрини ўлчашга ёрдам беради. Одатда корхона маблағларига узоқ муддатли активлар ва оборот (айланма) активлар киради. Уларни миқдори ҳиссадорлик, ҳамкорлик, кичик ва бошқа корхоналарнинг катта-кичиклигига, ихтисослашуви ва бозор шароити рақобатларига бардошлигига боғлиқдир. 1-жадвалда корхона мулкининг ҳажми ва таркиби келтирилган. Уни тузишда баланс маълумотларидан фойдаланиб, соф, ишлатишга лаёқатли бойликлар ҳолати ўрга-нилади. Келтирилган маълумотлар баланснинг активи жами суммасига тенг бўлади.

**1-Жадвал**

#### **Бухгалтерия баланси активининг таҳлили**

<b>Мол-мулкнинг таркиби</b>	<b>Йил бошига</b>		<b>Йил охирига</b>		<b>Ўзгариши (+,-)</b>		
	<b>Минг сўмда</b>	<b>%</b>	<b>Минг сўмда</b>	<b>%</b>	<b>Минг сўмда</b>	<b>%</b>	<b>Йил бошига нисбатан %</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6=4-2</b>	<b>7=5-3</b>	<b>8</b>
1. Узоқ муддатли активлар	30998	24,8	37202	22,9	6204	-1,9	5,0
2. Оборот активлар Шу жумладан:							
А) Захира ва харажатлар	93577	75,2	125152	77,1	31575	1,9	25,3
Б) Пул маблағлари ва қимматли қофозлар	60606	48,7	70343	43,3	9737	-5,3	7,8
В) Дебиторлар	900	0,7	2388	1,5	1488	0,8	1,2
В) Дебиторлар	32071	25,8	52421	32,3	20350	6,6	16,3
Баланс активининг ЖАМИ	124575	100	162354	100	37779	-	30,3

Жадвал маълумотларига кўра, корхона мулки йил бошига нисбатан 37 млн. 779 минг сўмга ёки 30,3% га кўпайган. Корхона фаолияти учун корхона бойлигининг кўпайганлиги ижобий ҳолдир. Мулкнинг кўпайиши оборот

активлар ҳисобига бўлган, оборот активлар йил охирига 31 млн. 575 минг сўмга ўсган. Унинг жами мулқдаги салмоғи 1,9 % га қўпайган. Заҳира ва харажатлар йил бошига нисбатан 9 млн. 737 минг сўмга кўпайган. Йил бошига нисбатан 7,8 % га қўпдир. Жами мулк таркибиға кўра Заҳира ва харажатлар йил бошига нисбатан 5,3 % камайган, узоқ муддатли активлар ҳам йил бошига нисбатан 1,9 % га камайган. Бу корхона фаолияти учун салбий ҳолатдир.

Молиявий таҳлилнинг муҳим ҳусусиятларидан бири корхона мулки, захиралар ва харажатларни ҳар томонлама ўрганишдир. Бундай маблағлар таркибиға ишлаб чиқариш захиралари, яъни ҳом ашё ва материаллар, сотиб олинган яrim фабрикатлар ва комплектловчи буюмлар, конструкция ва деталлар, иккиласми материаллар ва ўрнатилган асбоб–ускуналар, эҳтиёт қисмлар, парвариш ва боқувдаги чорва моллари, уруғ ва ем–хашак, арzon баҳоли, тез эскирувчи буюмлар ва бошқалар киради. Улар корхона-нинг бир меъёрида ишлаши ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариши ва шартнома бўйича сотиш режасини таъминлашга етарли бўлиши лозим. Шунингдек заҳира ва харажатлар таркибиға ўсимлик ва чорвачилик бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр чиқимлари, тайёр маҳсулот ва бошқалар ҳам киради. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳам ўрганиш ва таҳлил этиш лозим.

Бозор шароитида айланма маблағлар, захиралар ва тугаллан-маган ишлаб чиқариш ҳажми энг кам, соф фаолият кўрсатадиган шароитига етарли бўлиши лозим. Таҳлилда эса баланс маълумотлари ва материалларни ҳисобловчи счёtlардан фойдаланилади.

## **1.4. МАБЛАГЛАР МАНБАНИНГ ТАҲЛИЛИ.**

Баланснинг пассив қисмида корхона маблағларининг қоплаш манбалари кўрсатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида маблағларни тўлдириш қўйидагилардан иборат:

1. Ўзлик маблағларнинг манбалари.
2. Мажбуриятлар.

Бунда энг муҳим ўринни корхонанинг ўзига қарашли устав қўшилган, резерв, капиталлар, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), мақсадли тушум ва фондлар, келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари эгаллайди. Устав капитал корхона ихтиёридаги доимий беркитилган асосий ва айланма маблағларнинг ҳажмини кўрсатади. Утурли хўжалик муомалалари таъсирида ўзгариб туради. Бунга фойданинг тақсимланиши ҳисобига тўлдирилиш, хомийларнинг аъзолик бадаллари, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. маблағларнинг кўпайтириш манбалари таркибида фойда алоҳида ўринни эгаллайди. Фойда ҳажмининг кўпайиши энг аввало устав капиталини тўлдиришга ва бошқа эҳтиёт жамғармалари яратилишга олиб келади.

Кредит ва бошқа маблағларга қисқа, ўрта, узоқ муддатга мўлжаллаб олинган кредитлар, ўз муддатида узилмаган ссудалар ва бошқа қарз маблағлари киради. Шунингдек кредиторлар билан ҳисоблашишлар ва бошқа пассивлар ҳам шу бўлимда инобатга олинади. Бунда кредиторлик қарзлардан ташқари бюджетга, суғурта ва меҳнат ҳақи юзасидан корхонанинг қарзлари кўрсатади.

Кредиторлик қарзларнинг, айниқса муддати ўтган мажбурият-ларнинг кўпайиб кетиши фирма ва компанияларнинг обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бозор иқтисоди қонуниятлари ва талабидан келиб чиқсан ҳолда корхонада қарз кам бўлгани маъқул. 2-жадвалда корхона маблағларининг манбалари кўрсатилган.

**2-Жадвал**

**Бухгалтерия баланси пассивининг таҳлили**

<b>Манбаларнинг таркиби</b>	<b>Йил бошига</b>		<b>Йил охирига</b>		<b>Ўзгариши (+,-)</b>		
	<b>Минг сўмда</b>	<b>%</b>	<b>Минг сўмда</b>	<b>%</b>	<b>Минг сўмда</b>	<b>%</b>	<b>Йил бошига нисбатан %</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6=4-2</b>	<b>7=5-3</b>	<b>8</b>
1. Ўзлик маблағларнинг манбалари	89035	71,5	126582	78,0	37547	6,5	30,1
2. Мажбуриятлар Шундан:	35540	28,5	35772	22,0	232	-6,5	0,18
а) узоқ муддатли кредит ва қарзлар	-	-	-	-	-	-	-
б) қисқа муддатли кредит ва қарзлар	4335	3,5	6460	4,0	2125	0,5	1,7
в) кредиторлик қарзлар	31205	25,0	29307	18,1	-1898	-6,9	-1,5
Пассивининг жами:	124575	100	162354	100	37779	-	30,3

Жадвал маълумотларига кўра, жами манбалар йил бошига нисбатан 37 млн. 779 минг сўмга ёки 30,3 % кўпайган. Ўзлик маблағларнинг манбалари ҳисобот йил бошига нисбатан 37 млн. 547 минг сўмга ёки 6,5 % га кўпайган. Мажбуриятлар ҳам йил бошига нисбатан 232 минг сўмга кўпайган. Жами манбаларга нисбатан мажбуриятлар бўйича режанинг бажарилиши 6,5% га камдир. Корхонада узоқ муддатли кредит ва қарзлар мавжуд эмас. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар жами йил бошига нисбатан 1,7% га ўсган. Кредиторлик қарзлар 1 млн.898 минг сўмга камайган. Жами йил бошига нисбатан бу кўрсаткич 1,5 % га фаолияти учун ижобий ҳолат деб қараш лозим.

## **1.5. АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИ ҚОПЛАШГА ЎЗЛИК МАНБАЛАРИНИНГ ЕТАРЛИЛИГИ ЁКИ ЕТИШМАСЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ.**

Баланс маълумотларига қараб корхонани айланма маблағлари қандай манбалар ҳисобига ташкил этилганлиги ўрганилади. Бундай таҳлилнинг зарурлиги шундаки, корхоналарни молиявий мустақил-лиги, барқарорлиги, кредит олишга лайёқатлилиги аниқлашда ўзлик манбалар билан таъминланганлик кўрсаткич муҳим аҳамиятга эгадир. Кўйидаги жадвалда захира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбаларнинг етарлилигини аниқлаш услуги келтирилган.

**3-Жадвал**

### **Захира ва харажатларни қоплашга тегишли манбалар билан таъминланганликни таҳлили**

(минг сўм ҳисобида)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Йил бошига</b>	<b>Йил охирига</b>	<b>Фарқи</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
1. Ўзлик маблағларнинг манбалари	89035	126582	37547
2. Узоқ муддатли активлар	30998	37202	6204
3. Захира ва харажатларни қоплашга тегишли ўзлик манбалари (1-2)	58037	89380	31343
4. Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	-	-	-
5. Захира ва харажатларни қоплашга тегишли узлик ва узоқ муддатли қарз манбалари (3+4)	58037	89380	31343
6. Кисқа муддатли кредит ва қарзлар	4335	6460	2125
7. Захира ва харажатларни қоплашга тегишли жами манбалар (5+6)	62372	95840	33468
8. Захира ва харажатларнинг жами	60606	70343	9737
9. Захира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбаларнинг етарлилиги (+) ёки етишмаслилиги (-)	-2569	19037	21606
10. Захира ва харажатларни қоплашга ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбаларининг етарлилиги (+), етишмаслилиги (-)	-2569	19037	21606
11. Захира ва харажатларни қоплашга жами манбаларнинг етарлилиги (+), етишмаслилиги (-) (7-8)	1766	25497	23731

Маълумотларга кўра, корхонада ҳисбот даври бошида захира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбалари 2 млн. 569 минг сўмга етишмаган

бўлса: йил охирида бу кўрсаткич 19 млн. 037 минг сўмга етарли суммани ташкил қилган. Йил бошига нисбатан бу кўрсаткич 21 млн. 606 минг сўмга кўпайган.

Корхонада ҳисобот даври бошқа захира ва харажатларни қоплаш нобарқарор, яъни корхона захира ва харажатларни фақатгина қисқа муддатли қарз манбалари ҳисобига қоплай олган холос. Корхонада захира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбалари 2 млн. 569 минг сўмга етишмаган.

Ҳисобот йил охирида захира ва харажатларни қоплаш абсолют. Бунга сабаб корхонада захира ва харажатларни қоплашга ўзлик маблағлар манбалари, узоқ муддатли қарзлар ҳамда қисқа муддатли қарзлар етарли бўлган. Корхонада қисқа муддатли қарзлар йил охирида 25 млн. 497 минг сўмга teng бўлган суммани ташкил қилган. Бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 23 млн. 731 минг сўмга кўпайган.

Корхонанинг молиявий барқарорлик ҳолати тўла-тўкис яхшиланган. Корхона фаолияти учун бу ҳолатни ижобий ҳолат деб баҳолаш лозим.

## **1.6. МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАҲЛИЛИ.**

Бозор шароитида молиявий барқарорлик ва тўловга қобилиятлилик корхонанинг муҳим иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади. Молиявий барқарорлик балансдаги маълумотлар асосида ўрганилади. Ундаги кўрсаткичларни бир-бири билан таққослаб, маблағлар ўртасидаги нисбат ва ўзаро боғланиш аниқланади. Корхонанинг молиявий барқарорлигини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлар қўйидагилардан иборатdir:

1. Жами маблағдаги корхонанинг ўзига қарашли маблағ улушини қанчалигини ҳисоблашдир ёки бу қўйидаги тартибда топилади:

(A) корхонанинг ўзига қарашли маблағ  
жами маблағ (баланс жами)

$$\text{йил бошида } \frac{89035}{124575} = 71,5 \text{ фоиз,}$$

$$\text{йил охирида } \frac{126582}{162354} = 78,0 \text{ фоиз}$$

Бунда ўзига қарашли маблағ қанчалик кўп бўлса, шунчалик молиявий барқарорлик юқори бўлади.

2. Корхонадаги ўзига қарашли маблағ билан қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат ёки бу қўйидаги тартибда топилади:

(Б) Қарзга олинган маблағ  
ўзигақарашлимаблағ

$$\text{йил бошида } \frac{35540}{89035} = 39,9$$

$$\text{йил охирида } \frac{35772}{126582} = 28,3$$

Ўзига қарашли маблағ улуши ортган сари молиявий барқарорлик кучая боради.

3. Узоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффициенти, яъни узоқ муддатли қарз маблағларини корхонанинг ўзига қарашли ва қарз маблағлар суммасининг йигиндисига бўлинади ёки бу қуйидаги тартибда аниқланади:

$$(B) \frac{\text{узоқ муддатга олинган қарзмаблағ}}{\text{корхонанинг ўзига қарашли маблағ} + \text{узоқ муддатга олинган маблағ қарз}}$$

4. Корхонанинг ўзига қарашли маблағларнинг чаққон ҳаракатчанлик коэффициенти ёки бу қуйидагича топилади:

$$(B) \frac{\text{ўзига қарашли айланма маблағ}}{\text{ўзига қарашли жами маблағ}}$$

5. Эскиришнинг жамланиш коэффициенти ёки бу қуйидагича топилади:

$$(Д) \frac{\text{асосий воситаларнинг эскириш суммаси}}{\text{асосий воситалар} + \text{номатериал актив}}$$

бу кўрсаткич баланс маълумотлари бўйича топилади:

6. Корхона мулки таркибидаги асосий воситаларнинг аниқ қиймати коэффициенти, бу кўрсаткич баланс маълумотлари асосида ҳисобланади ва қуйидагича топилади:

$$(E) \frac{\text{асосий воситалар (қолдик баҳода)}}{\text{жами соф мулк}}$$

7. Корхонадаги жами мулкнинг ҳаракатчанлиги (чаққонлик) коэффициенти, буни ҳисоблаш қуйидагича бўлади:

$$(Ё) \frac{\text{айланма маблағлар (захира ва пул маблағлари)}}{\text{жами мулк (баланс жами)}}$$

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва унинг ахволини баҳолашга ёрдам беради.

## 4-Жадвал

### Молиявий коэффициентлар таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариши (+,-)
1	2	3	4=3-2
1. Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,7	0,8	0,1
2. Тўлов қобилиятлилик коэффициенти	2,6	3,5	0,9
3. Қарз ва ўзлик маблағлар ўртасидаги нисбат коэффициенти	0,4	0,3	-0,1
4. Захира ва харажатларни ўзлик манбалар билан қопланганлик коэффициенти	0,9	1,4	0,5
5. Маблағларнинг чакқон ҳаракатчанлик коэффициенти	0,7	0,7	-

Бухгалтерия баланс бўйича молиявий коэффициентлар қуидаги сатр маълумотларидан топилади:

1. Ўзлик маблағларнинг манбалари (390)  
Баланснинг жами (550)

$$\text{Йил бошига} = \frac{89035}{124575} = 0,7$$

$$\text{Йил охирига} = \frac{126582}{162354} = 0,8$$

2. Оборот активлар (300)  
Мажбуриятлар (540)

$$\text{Йил боши} = \frac{93577}{35540} = 2,6$$

$$\text{Йил охири} = \frac{125152}{35772} = 3,5$$

3. Мажбуриятлар - Узок муддатли қарзлар (540 - (400 + 410))  
үзлик маблағларн инг манбалари (390)

$$\text{Йил боши} = \frac{35540}{89035} = 0,4$$

$$\text{Йил охири} = \frac{35772}{126582} = 0,3$$

Үзлик маблағлар манбалари + узок муддатли кредит ва

4. қарзлар - узок муддатли активлар (390 + (400 - 410) - 110)  
Захира ва харажатлар (120 + 130 + 140 + 150 + 160)

$$\text{Йил охири} = \frac{126582 - 30998}{70343} = 1,4$$

$$\text{Йил боши} = \frac{89035 - 30998}{60606} = 0,9$$

Үзлик маблағлар манбалари + узок муддатли кредит ва

5. қарзлар - узок муддатли активлар (390 + (400 - 410) - 110)  
Үзлик маблағлар манбалари (390)

$$\text{Йил боши} = \frac{89035 - 30998}{89035} = 0,7$$

$$\text{Йил охири} = \frac{126582 - 30998}{126582} = 0,7$$

Маълумотларга кўра, корхонанинг молиявий аҳволига тўғри баҳо бериш учун бухгалтерия балансига асосланган ҳолда молиявий коэффициентлардан фойдаланамиз. Шунга кўра, корхонанинг молиявий мустақиллик коэффициенти йил бошига нисбатан 0,1% га кўпайган. Тўлов қобилиятлилик коэффициенти йил бошига нисбатан 0,9% га ўсган. Корхонада захира ва харажатларни үзлик манбалар билан қопланганлик коэффициенти йил бошига нисбатан 0,5% га кўпайган. Корхона фаолияти учун бу ижобий ҳолатдир.

Корхонада қарз ва үзлик маблағлар ўрасидаги нисбат коэффициенти 0,1% га камайган. демак, бу холат корхонада үзлик маблағларнинг манбалари мажбуриятларга нисбатан йил охирида кўпроқ суммага кўпайганлигидан

далолат беради. Маблағларнинг чақон ҳаракатчанлик коэффиценти ўзгармаган. Корхона фаолияти учун бу ижобий ҳолатдир.

## **1.7. ТҮЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.**

Фирма ва компаниялар кўп турдаги иқтисодий алоқаларни, жумладан хом ашё ва материаллар сотиб олиш, тайёр маҳсулот-ларни сотиш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларни бажаришади. Шунингдек давлат бюджети, молия, банк, суғурта ва кредиторлар билан муносабатда бўлинади. Уларга ҳисоб беришни белгиланган муддатда амалга ошириш, молиявий тартиб интизомига риоя қилиш катта аҳамиятга эга.

Тўлов қобилияти дейилганда, хўжаликнинг муддати келган тўлов мажбуриятларни бажариш учун зурур бўлган маблағларни етарли ёки камчилигини аниқлаш тушунилади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг тўлов қобилиятига эга бўлиши муҳим ва бу унинг ўз вақтида зарур бўлган қарзларни қайтариш имкониятларини белгилайди. Корхона баланси маълумотларга асосланиб, тўлов қобилиятининг қай аҳволдаги ҳисобланади. Бунинг учун корхонанинг тўлаш учун зарур бўлган маблағлари билан қарз мажбуриятларини солишириш мумкин.

Тўлов маблағларига пул маблағлари, жўнатилган товар ва маҳсулотлар қиймати (ҳали пул келиб тушмаган), дебитор сотишдаги тушум ва бошқалар киради. Шунингдек қисқа муддатга олинган ссудалар ҳам вақтинча тўлов мажбуриятларни амалга ошириш учун манба бўлиши мумкин. Қийматли қофоз, акция, облигация сотишдан олинган маблағ ва қўшимча корхоналарда қатнашишдан келган даромадлар ҳам тўлов мажбуриятларини бажаришдаги манба бўлиши керак. Тўлов мажбуриятларига мол етказиб берувчи ва пудратчиларга, бюджет ва суғуртага, меҳнат ҳақи турли хил кредиторларга бўлган ва бошқа турдаги қарзлар киради. Корхонанинг маълум бир кундаги тўлов қобилиятини аниқлаш учун шу муддатдаги тўлов мажбуриятлари билан маблағлар солиширилади.

## 5-Жадвал

### Корхонанинг тўлов қобилиятигининг таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Тўлаш учун маблағлар	Сатр рақами	Йил охирига	Тўлов қарзлари	Сатр рақами	Йил охирига
1	2	3	4	5	6
1. Пул маблағлари	170	2388	1. МЕБ га қарзлар	450	22777
2. Валюта маблағлари	180	-	2. Бюджет бўйича қарзлар	460	-
3. Қисқа муддатли кўйилмалар	200+210	-	3. Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	470	3820
4. Дебиторлар	220+290	52421	4. Ҳаридор ва буортмачилардан олинган бўнаклар	440	6460
5. Тайёр маҳсулот	140+150	20465	5. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	420+430	-
			6. Бошқа қарз ва кредитлар	480+530	2715
Жами тўлаш учун маблағлар	-	75274	Жами тўлов қарзлари	-	35772
Қарз тўлов мажбу- риятларнинг кўплиги	-	-	Тўлов маблағларнинг кўплиги	-	39502
<b>Баланс</b>	<b>-</b>	<b>75274</b>	<b>Баланс</b>	<b>-</b>	<b>75274</b>

Маълумотларга кўра, корхонада тўлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган жами маблағлари 75 млн. 274 минг сўмни ташкил этган. Қайтариши керак бўлган мажбуриятлар 35 млн. 772 минг сўмни ташкил қилган. Корхонада маблағларнинг ортиқчалиги 39 млн. 502 минг сўмни ташкил этган. Корхонада ҳисобот йилда қарз тўлов мажбуриятлари мавжуд эмас.

Корхонанинг тўлов қобилиятини таҳлил этишда қисқа муддатга тўлов қобилияти ва узоқ муддатга тўлов қобилияти кўрсаткичлари ўрганилади. Шунга кўра қисқа муддатли тўлов қобилият қуидагича аниқланади:

$$= > \frac{\text{Пул мабалағлари}}{\text{Қайтариш муд. етган кредитор}} + \frac{\text{Қисқа муд. қим.қоғозлар}}{\text{қарзлар}}$$

Узоқ муддатли тўлов қобилият эса:

$$= > \frac{\text{Оборот активлар}}{\text{Мажбуриятлар}} = \frac{125152}{35772} = 3,4$$

Демак, корхона юқори тўлов қобилиятига эга бўлган. Бу корхона фаолияти учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тўлов қобилиятини таҳлил қилишда айрим бошқа кўрсаткичларни ҳам ўрганиш мумкин. Масалан, жами тўлов маблағларни мажбуриятларга нисбатан

ёки тўлов қобилияти даража коэффициенти, бу қуйидаги тартибда ҳисобланади:

$$\frac{\text{пул маблағлар} + \text{қимматли қоғозлар}}{\text{қисқа муддатли тўлов мажбуриятлар}}$$

Корхонанинг мавжуд пул маблағлари доим тўлов мажбурият-ларини қайтаришга тайёр бўлган манба бўлганлиги учун ҳамда қийматли қоғозлар ҳам шу мақсадга ишлатилиши мумкинлигини ҳисобга олиниб, тўлов қобилиятини белгиловчи коэффициент ҳисобланилади. Шунингдек турли айланма маблағларнинг пул шаклларига ўтиш муддати ҳар хиллигини эътиборга олинганда тайёр маҳсулот заҳиралари тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлар ва ярим фабрикатларнинг пулга айлантириш тезлигини ўрганиш зарур. Бундан ташқари тўлов қобилиятининг ўзгаришида дебитор қарзларни пулга айланиш тезлиги банқдаги тўлов ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштирилиш ва уларнинг тез ҳаракат қилишига боғлиқдир. Агарда дебитор маблағларни қарз мажбуриятларини узишга йўналтирилса, оралиқ тўлов қарзларини қоплашлик коэффициенти кўрсаткичи ҳисобланади.

Бу кўрсаткич қуйидаги тартибда топилади:

$$\frac{\text{Пул маблағлари}, \text{ҳисоб} - \text{китоб} \text{ ва} + \text{бошқа дебитор}}{\frac{\text{бошқа активлар}}{\text{қисқа муддатли қарзлар}}} \text{карз}$$

Демак, корхона оралиқ тўлов қобилияти 0,72-0,83 коэффициентини ташкил қиласди. Корхонанинг тўлов қобилиятини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири қарз мажбуриятларини қоплашнинг умумий коэффициентидир. Бу қуйидаги тартибда ҳисобланади:

$$\frac{\text{Жами айланма (шу жумладан материал) маблағлар}}{\text{қисқа муддатли тўлов мажбуриятлар}}$$

Демак, корхона қисқа муддатли тўлов мажбуриятларини қоплашга ўзининг барча айланма маблағларини, яъни заҳиралар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активларни жалб этса:

Келгуси йилда корхонанинг тўлов қобилиятида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни билиш учун маҳсулотлар сотишдан келадиган тушум ҳажмини таҳлил қилиш лозим. Жами тушум ҳисобига сарфланган харажатлар қопланади, мажбурий тўловлар бажарилади ва эҳтиёт ривожлантириш жамғармалари яратилади. Соф тушум бевосита корхона оборотида қатнашади, бунга асосий восита эскириши ва соф фойда киради.

Корхонанинг тўлов қобилиятини таҳлил қилишда соф тушум коэффициентини ҳсиоблаш муҳимдир, бу кўрсаткич қуидагича аниқланади.

Соф фойда + асосий воситалар эскириши (амортизация)  
сотишдан тушум

Ҳиссадорлик, кооператив, кичик ва ҳамкорликда ишлайдиган корхоналарда ўзига қарашли мол-мулкни кўпайтириш аҳамиятли. Айниқса ҳиссадорлик ва бошқа жамғармаларни тўлдириб бориш зарурдир. Бу ҳиссадолар устав фонди қатнашчи ва аъзоларнинг бадаллари ҳисобига тўлдирилади. Шунинг учун ҳам аъзоларнинг келишувига мувофик, қонун билан белгиланган устав фондининг ҳажми камайтирилмаслиги ва у тўлдириб борилиши зарур. Корхона балансини ўрганишда албатта низом жамғармасининг ўтган йилга нисбатан ўзгариш сабаблари таҳлил қилинади. Демак, устав фондининг кўпайиши ҳам молиявий барқарорлик яхшиланганлиги белгиси ҳисобланади.

## **1.8. МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТЧАНЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ.**

Баланс маълумотларига асосланиб, корхона маблағларининг тез пулга айланиш ҳолати ўрганилади. Бундай таҳлилнинг зарурияти бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда қаттиқ молиявий чекланишларнинг пайдо бўлиши ва олинган қарзларни қайтариш имкониятларини ўз вақтида ҳисоблаб, баҳо беришда кўринади. Айниқса тўлов мажбуриятларининг муддати корхона мулки фаолият натижасида пулга айланиш муддатига мос келиши молиявий ҳолатни яхшиланишига таъсир кўрсатади. Шу боис корхона активларининг ҳаракатчанлигини таҳлил қилган ҳолда қарзларни қайтаришга етарли ёки етишмаслиги мунтазам ўрганилиши лозим.

Пул шаклига айланиш тезлигига қараб, корхона активлари қуйидаги гурӯҳларга ажратилади:

1. Доимий ҳаракатдаги активлар.
2. Тез сотилувчи активлар.
3. Секин сотилувчи активлар.
4. Қийин сотилувчи активлар.

Доимий ҳаракатдаги активлар гурӯҳига балансдаги барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, яъни қийматли қофозлар киради. Бундай активлар доимо қарз мажбуриятларни тўлаш учун тайёр турган маблағ ҳисобланади ва пул маблағи кўп бўлган корхоналар билан иқтисодий алоқаларни ўзаро ҳисоб-китобларни келишилган муддатларда бажариш имконини беради.

Тез сотилувчи мулкларга баланснинг II бўлим активидаги дебитор қарзлар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу маблағлар ҳам зарур бўлган ҳолларда тўлов воситаси бўлиб хизмат қиласи. Секин сотилувчи активларга баланснинг «Захиралар ва харажатлар» жами тушунилиб, нақд пул маблағлари етишмаган ҳолларда тўлов мажбуриятларни қоплашга сарфланиши мумкин. Қийин сотилувчи гурӯҳларга эса «Узок муддатли активлар» киради. Бу мулк турли ишлаб чиқаришда узок муддат қатнашиб, ўз қийматини аста-секин

яратилаётган маҳсулотларга ўтқазиб беради. Шунинг учун ҳам асосий воситаларнинг пулга айланиб, тўлов воситаси ва мажбуриятларни узишга манба бўлиши кўп вақтни талаб этади.

Баланснинг пассиви ҳам айнан актив каби қарзларни қайтариш муддатига қараб қуидаги грухларга ажратилади:

1. Муддати келган тўлов мажбуриятлари;
2. Қисқа муддатли пассивлар;
3. Узоқ муддатли пассивлар;
4. Доимий пассивлар.

Муддати келган тўлов мажбуриятларига баланснинг II бўлим пассивидаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ва ўз вақтида қайтаришмаган ссудалар киради. Қисқа муддатли пассивлар грухига эса II бўлим пассивидаги қолган бандлар, яъни банкнинг қисқа муддатли кредитлари, корхона хизматчилари учун банк кредитлари, қисқа муддатли қарзлар келгуси давр харажатлари ва тўловлар захираси, даргумон қарзлар бўйича захиралар ва бошқа қисқа муддатли пассивлар киради. Ўрта ва узоқ муддатли пассив дейилганда узоқ муддатли банк кредитлари ва узоқ муддатли қарз бандлари тушунилади. Доимий пассивлар грухига эса I бўлим пассивидаги барча бандлар, яъни устав капитали, захира капитали, қўшилган капитал, маҳсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, мақсадли молиялаштириш ва тушумлар, ижара мажбуриятлари, таъсисчилар билан бўладиган ҳисоб-китоблар, ўтган ва ҳисбот йилдаги тақсимланган фойда киради.

Маблағларнинг айланиш ҳолатини таҳлил қилишда жорий ва келгуси даврда кутиладиган харакатчанлик кўрсаткичларини ўрганиш зарур. Маблағларнинг жорий харакатчанлиги доимий ва тез сотилувчи активлар билан муддати етган тўлов мажбуриятлар ва қисқа муддатли пассивларни таққослаш орқали аниқланади. Келажакда кутиладиган харакатчанлик кўрсаткичи эса секин сотилувчи активлар билан ўрта ва узоқ муддатли пассивларни солишириш орқали ўрганилади. Бунда корхонанинг келгусида мўлжалланган

хар хил тушумлар билан келажак тўловларини олдиндан башорат қилиш мумкин.

#### 6-Жадвал

#### **Баланснинг актив ва пассивини ҳаракатчанлигини таҳлили**

(минг сўм ҳисобида)

Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига	Тўлаш учун маблағларнинг етишмаслиги (+,-)	
						йил бошига	йил охирига
1	2	3	4	5	6	7=2-5	8=3-6
1. Доимий ҳаракатдаги активлар	900	2388	1. Муддати келган тўлов мажбуриятлари	31205	29312	-30305	-26924
2. Тез сотилувчи активлар	32071	52421	2. Қисқа муддатли пассивлар	4335	6460	27736	45961
3. Секин сотилувчи активлар	60606	70343	3. Узоқ муддатли пассивлар	-	-	60606	70343
4. Қийин сотилувчи активлар	30998	37202	4. Доимий пассивлар	89035	126582	-58037	-89380
<b>ЖАМИ:</b>	<b>124575</b>	<b>162354</b>	<b>ЖАМИ:</b>	<b>124575</b>	<b>162354</b>	-	-

6-жадвал маълумотларига асосланган ҳолда қуидаги шартларни бажарилишини текширамиз.

Йил бошига	Йил охирида
1. $A_1 > \Pi_1$	1. $900 > 31305$
2. $A_2 > \Pi_2$	2. $32071 > 4335$
3. $A_3 > \Pi_3$	3. $60606 > 0$
4. $A_4 < \Pi_4$	4. $30998 < 89035$

Корхонада йил бошига нисбатан йил охирида қарз мажбуриятларини тўлаш учун маблағларнинг етишмаслиги сезилди. Корхонанинг муддати келган тўлов мажбуриятлари ҳисбот йил бошида 30 млн. 305 минг сўмга етишмаган бўлса, йил охирида бу кўрсаткич 3 млн. 381 минг сўмга камайган. Корхонада бу кўрсаткичининг йил охирида 26 млн. 924 минг сўмга етишмаслиги ва йил бошига нисбатан бу кўрсаткичининг камайганлиги корхонанинг молиявий ҳолати аста-секин яхшиланаётганлигидан далолат бермоқда.

6-жадвалда корхона баланси маълумотларига қараб мулк ва маблағларнинг ҳаракатчанлик даражасини аниқласа бўлади. Маълумотлар шуни кўрсатадики, доимий ҳаракатдаги активлар (пул маблағлари) тўлов муддати келган қарзларни қайтариш учун йил бошида 150 минг сўм, йил охирида эса 87 минг сўм ортиқча экан. Лекин қисқа муддатли пассивни эътиборга олган ҳолда, пул маблағлари ва дебиторлар билан ҳисоб-китоблар жамини қарзларни қайтаришга йил бошида 470 минг сўм, йил охирида эса 220 минг сўм етишмаслигини англаради. Демак, бу ерда жорий тўлов мажбуриятларини қайтаришга маблағ етишмайди. Фақат секин сотилувчи актив (хом ашё ва заҳира) ҳисобигагина қисқа муддатли қарзларни қайтариш мумкин.

Умуман олганда, қуйидаги шартларга амал қилинса, корхона маблағи ҳаракатчан деб баҳоланади:

- а) доимий ҳаракатдаги активлар > муддати келган тўлов мажбуриятлар;
- б) тез сотилувчи активлар > қисқа муддатли пассивлар;
- в) секин сотилувчи активлар > ўрта ва узоқ муддатли пассивлар;
- г) қийин сотилувчи активлар < доимий пассивлар

## **1.9. АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИНГ АЙЛANIШИНИ ТАҲЛИЛИ.**

Молиявий таҳлилнинг муҳим қисми айланма маблағлардан самарали фойдаланганликни ўрганиш эгаллайди, бунда айланма маблағлар айниқса ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, дебитор қарзлар, пул ва валюта маблағлар, қийматли қоғозлар ҳаракатини ўрганиш муҳимдир.

Айланма маблағларнинг айланишини таҳлил қилганда қўйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

$$\text{маҳсулот (иш, хизмат)лар}$$

a) айланиш коэффициенти =  $\frac{\text{сотишдан соф тушум}}{\text{захира ва харажатлар}}$

b) айланиш куни =  $\frac{\text{захира ва харажатлар} * \text{ҳисобот давр куни (360)}}{\text{маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум}}$

c) айланиш салмоғи коэффициенти =  $\frac{\text{захира ва харажатлар}}{\text{маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум}}$

Бу коэффициентлардан ташқари айланма маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ҳар бир ёки минг сўмлик захира ва харажатлар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, соф тушум ва ҳисобот йилнинг соф фойдаси каби маълумотлар ҳам таҳлил этилади (7-жадвал).

Жадвал маълумотларига кўра, корхонада захира ва харажатларнинг айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан 1,9061 га кўпайган. Айланиш куни эса ўтган йилга нисбатан 25,19 кунга камайган. Шу жумладан айланиш салмоғи коэффициенти ҳам ўтган йилга нисбатан 0,07 га камайган. Корхонада айланма маблағларнинг айланиши тезлашиш натижасида жами 30 млн. 807 минг сўмга яқин маблағлар оборотдан бўшаган, бундан кўринадики корхонада ўтган йилга нисбатан ҳисобот йили захира ва харажатлардан фойдалан-ганлик яхшиланган.

**7-Жадвал**

**Айланма маблағларнинг айланишини таҳлили**

<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳисобот йил</b>	<b>Фарқи (+,-)</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4=3-2</b>
1. Махсулот (иш, хизмат) сотишдан олинган соф тушум	263809	440274	176465
2. Захира ва харажатларнинг жами	60606	70343	9737
3. Айланиш коэффициенти	4,3528	6,2589	1,9061
4. Айланиш куни	82,70	57,51	-25,19
5. Айланиш салмоғи коэффициенти	0,2297	0,1597	-0,07
6. Айланишини тезлашиши ёки секинлашишидан маблағларнинг бўшашлиги ёки қўшимча жалб қилиниши а) кунда б) суммада ( $440274 \times 25,19 : 360 = -30807$ )	x x	x x	-25,19 -30807

## **1.10. МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**

1. Бухгалтерия балансини таҳлил қилишнинг мазмунинималардан иборат?
2. Молиявий ҳолат таҳлилида қандай усуллардан фойдаланилади?
3. Мол-мулк таркибини таҳлилида нималар ўрганилади?
4. Маблағларнинг манбалари қандай таҳлил қилинади?
5. Захира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбаларининг етарлилиги ёки етишмаслилигини қандай аниқлаш мумкин?
6. Молиявий барқарорлик дейилганда нима тушунилади?
7. Қандай молиявий коэффициентларни биласиз?
8. Тўлов қобилиятини яхшилаш учун қандай чоралар зарур?
9. Мол-мулкнинг ҳаракатчанлиги қандай таҳлил қилинади?
10. Қарз мажбуриятларини таркиби нималардан иборат?
11. Молиявий мустақиллик дейилганда нимани тушунасиз?
12. Айланма маблағларнинг айланиши қандай аниқланади?
13. Айланма маблағларнинг айланишини тезлатиш учун қандай тадбирлар зарур?
14. Баланснинг таркиби қандай нисбатда бўлгани мақсадга мувофиқ?

## 1.11. МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.

1. Қуйидаги 1-иловада келтирилган бухгалтерия баланси маълумотларини тахлил қилинг.

**1-мавзуга илова.**

### Бухгалтерия баланси

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4

#### Актив

### II. Узоқ муддатли активлар

<i>Асосий воситалар</i>			
бошланғич (қайта тиклаш) қиймат (01.03)	010	125479	138053
эскириш (02)	011	72758	81905
қолдиқ қиймат 010-011	012	52721	56148
<i>Номоддий активлар:</i>			
бошланғич қиймат	020	23549	23884
Эскириш	021	8127	11180
қолдиқ қиймат 020-021	022	15422	12704
Капитал қўйилмалар (07.08)	030		
Шўъба корхоналаридаги акциялар (06)	040		
Шўъба корхоналарига берилган қарзлар (06)	050		
Уюшма корхоналаридаги акциялар (06)	060		
Уюшма корхоналарига берилган қарзлар (06)	070		
Узоқ муддатли инвестициялар (06)	080	3013	3013
Бошқа қарзлар (06)	090	126	263
Бошқа активлар	100		
<b>1-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ</b>	<b>110</b>	<b>71282</b>	<b>72128</b>
<b>012+022+030+040+050+060+070+080+090+100</b>			
<i>Оборот активлари</i>			
Ишлаб чиқариш заҳиралари (10,11,12-13,15,16)	120	74814	87164
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (20,21,23,29)	130	45765	63911
Тайёр маҳсулот (40)	140	26333	66584
Олиб сотиладиган товарлар (41-42)	150	258	1222
Келгуси давр сарфлари (31)	160	160	1528
Пул маблағлари (51,55,56,57)	170		27180
Валюта маблағлари 950,52,55,56,57)	180	4286	868
Ҳазнадаги пул маблағлари (50)	190		
Қисқа муддатли қўйилмалар (58)	200	22604	1800
Сотиб олинган хусусий акциялар (56)	210		
<i>Дебиторлар:</i>			
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар (09,45,62-82)	220	22973	33292
бўнак (аванс) тўловлари (61)	230	5073	889
бюджет билан ҳисоблашишлар (68,19)	240	9712	33303

ходимлар билан ҳисоблашишлар (73)	250	267	117
шўъба корхоналари билан ҳисоблашишлар (78)	260	564	572
уюшма корхоналари билан ҳисоблашишлар (79)	270		
таъсисчилар билан ҳисоблашишлар (75)	280		
бошқа дебиторлар (63,71,76)	290	8072	5868
<b>II-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ</b>	<b>300</b>	<b>220881</b>	<b>324298</b>
<b>120+130+140+150+160+170+180+190+200+210+220+230+240+250+260+270+280+290</b>			
<b>Баланснинг активи бўйича ЖАМИ 110+300</b>	<b>310</b>	<b>292163</b>	<b>396426</b>

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
<b>ПАССИВ</b>			
<b>Ўзлик маблағларнинг манбалари</b>			
Устав капитали (85/1)	320	80203	80203
Қўшилган капитал (85/2)	330	130733	148880
Резерв капитали (85/3)	340	1203	1805
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (87)	350	28340	17775
Максадли тушум ва фонdlар (96,88)	360	2150	
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар (89)	370		
Келгуси дарв даромадлари (83)	380		
<b>1-Бўлим бўйича ЖАМИ 320+330+340+350+360+370+380</b>	<b>390</b>	<b>242629</b>	<b>248663</b>
Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли қарзлар (95,97)	400		
Узоқ муддатли кредитлар (92)	410		
Қисқа муддатли қарзлар (93,94,97)	420		
Қисқа муддатли кредитлар (90)	430		
Ҳаридор ва буортмачилардан олинган (счёtlарга келиб тушган) бўнаклар (64)	440	23566	109770
Кредиторлар:			
- мол етказиб берувчилар (60)	450	635	203
- бюджет бўйича қарзлар (68)	460	7624	7878
- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар (70/1, 70/2)	470	6273	12178
- ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар (69)	480	3969	4736
- бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар (67)	500	224	
- шўъба корхоналарига қарзлар (78)	510		
- уюшма корхоналарига қарзлар (78)	520		
- бошқа кредиторлар (75/1, 71/2, 73, 76/1, 79)	530	7243	12998
<b>2-Бўлим бўйича ЖАМИ</b>			
<b>400+410+420+430+440+450+460+470+480+490+500+510+520+530</b>	<b>540</b>	<b>49534</b>	<b>147763</b>
<b>Баланснинг пассиви бўйича ЖАМИ 390+540</b>	<b>550</b>	<b>292163</b>	<b>396426</b>

## **2. Қуидаги таянч ибораларга тушунчалар ёзинг.**

- баланснинг активи;
- баланснинг пассиви;
- ўзига қарашли манбалар;
- қарз мажбуриятлар;
- молиявий барқарорлик;
- молиявий мустақиллик;
- тўлов қобилиятлилик;
- мол-мулкнинг ҳаракатчанлиги;
- манбаларнинг ҳаракатчанлиги;
- молиявий коэффициентлар;
- айланма маблағларнинг айланиши.

## **3. Қуидаги кўрсаткичларни баланс маълумотлари асосида тўлғазинг.**

Тартиб раками	Кўрсаткичлар номи	Шартли белгиси ва сатр раками	Сумма, минг сўм
1	2	3	4
1.	Баланс активи		
2.	Баланс пассиви		
3.	Узоқ муддатли активлар		
4.	Оборот активлар		
5.	Ишлаб чиқариш захиралари		
6.	Тайёр маҳсулот		
7.	Пул маблағлари		
8.	Валюта маблағлари		
9.	Дебиторлар		
10.	Ўзлик маблағларнинг манбалари		
11.	Устав капитали		
12.	Тақсимланмаган фойда		
13.	Мажбуриятлар		
14.	Қисқа муддатли кредитлар		
15.	Кредиторлар		

## **II Бөб**

### **ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ ТАХЛИЛИ**

---

- 2.1. ТАХЛИЛ ВАЗИФАСИ ВА АХБОРОТ МАНБАИ**
- 2.2. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ БҮЙИЧА ДЕБИТОРЛИК ВА  
КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ  
САБАБЛАРИ.**
- 2.3. ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ БАЛАНСИНИ  
ТУЗИШ.**
- 2.4. ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИНГ ҮМУМИЙ ҲАЖМИ,  
ТАРКИБИ ВА ВУЖУДГА КЕЛИШ МУДДАТИ БҮЙИЧА  
ТАХЛИЛИ.**
- 2.5. КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИНГ ҮМУМИЙ ҲАЖМИ,  
ТАРКИБИ ВА ТАШКИЛ ТОПИШ МУДДАТИ БҮЙИЧА  
ТАХЛИЛИ.**
- 2.6. МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**
- 2.7. МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.**

## **2.1. ТАҲЛИЛ ВАЗИФАСИ ВА АХБОРОТ МАНБАИ**

Фирма ва компаниялар ўз фаолиятларида турли хил ташкилотлар билан ҳисоб-китоб алоқаларини амалга оширадилар. Бу алоқаларда пулли тўловларни шартномада кўрсатилган муддатларда бажармай қолиш воқеалари кўплаб учраб туради, натижада дебиторлик ва кредиторлик қарзлари юзага келади.

Бунда корхона томонидан тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, олиниши лозим бўлган мажбуриятлар эса дебиторлик мажбуриятлар ҳисобланади. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари қуидагича шарҳ бериш мумкин. Қарши томонга тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, қарши томондан олиниши лозим бўлган мажбуриятлар дебиторлик мажбуриятлари дейилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисоб-китобларнинг доимий йўлдоши ҳисобланади. Лекин уларнинг тўлов муддатининг ошиб кетиши корхоналар молиявий аҳволига катта таъсир ўтказади. Шу мақсадда корхоналар фаолиятини юритишда дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини тўғри бошқариш масаласига алоҳида аҳамият берилади.

**Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларининг олдини олиш бевосита давлат назаридаги ва этиборидаги масала ҳам ҳисобланади. Негаки корхоналар ва ташкилотлар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларда мажбуриятларни тартиблаш асосида давлат нақд пул муомаласини бошқариш ва иқтисодий тадбирлар режасини тузиб чиқиш чора тадбирлари белгиланади.**

Таҳлил этишда корхоналарнинг муайян даврга бўлган ўзаро дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатига, таркибига, ташкил топиш муддатларига, юзага чиқиш сабабаларига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг оқланувчанлигига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича даргумон қарзларнинг юзага чиқишига баҳо берилади.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар корхона баланси (1-шакл) ҳамда корхона ва ташкилотлар томонидан тузиладиган дебиторлик ва кредиторлик

мажбуриятлари тўғрисидаги маълумот-номадан (2а-шакл) олинади. Шунингдек бухгалтерия ҳисобининг аналитик счёtlари маълумотларидан фойдаланилади.

Таҳлил этишнинг асосий мақсади дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даврини тезлаштириш асосида корхона молиявий ҳолатини яхшилаш юзасидан ҳолатни баҳолаш ва чора- тадбирлар белгилашдан иборат.

Фирма ва компаниялар молиявий ҳисботининг 2а-шакли «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақидаги маълумотнома» деб номланиб, унда акс этган кўрсаткичлар тўлов қобилият, молиявий интизомга риоя қилинганлик ва бошқа ташкилотлар билан иқтисодий алоқаларни ҳолатига баҳо бериш учун асосий манбадир.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар таркиби фирма ва компанияларнинг қандай ташкилотлар билан бозор шароитида алоқа қилаётганлигига боғлиқдир. Ҳозирги шароитда дебитор ташкилотлар бўлиб ҳаридор ва буюртмачилар, бўнак тўловчилар, бюджет ташкилотлари, ҳодимлар билан ҳисоблашишлар, шўъба ва уюшган корхоналар билан ҳисоблашишлар, таъсисчилар билан ҳисоблашиш-лар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисботдаги маълумотларга қараб умумий дебиторлик қарзлар таркиби, улар ичидан Республикадан ташқарида бўлган дебиторлар ҳамда ундуриш муддати ўтган қарздорлар ҳақидаги кўрсаткичларни ўрганиш мумкин.

## 8-Жадвал

### Дебиторлик қарзлар таркибини таҳлили

№	Дебитор ташкилотлар номи	Жами дебиторлар		Шу жумладан Республикадан ташқаридағи дебиторлар		Муддати ўтган дебиторлар Минг сүм
		Минг сүм	Салмоғи, %	Минг сүм	Салмоғи, %	
1	2	3	4	5	6	7
1.	Электромонтаж корхонаси	1009.5	1.9			1009.5
2.	Калон ота х/ж	690.1	1.3			690.1
3.	Зульфикор х/ф	446.5	0.8			446.5
4.	Тадбиркор фирмаси	804.2	1.5			804.2
5.	Курилиш хусусий корхонаси	654.0	1.2			
6.	Али-Шавкат корхонаси	659.8	1.3			
7.	Жамолиддин хусусий фирмаси	623.3	1.1			
8.	Таъминот савдо ташкилоти	983.4	1.9			
9.	Сардор хусусий фирмаси	2110.9	4.0			
10.	Бошқа дебиторлар	44439.3	85			
<b>Жами:</b>		<b>52421</b>	<b>100</b>	-	-	

Жадвал маълумотларидан кўринадики, ҳисобот йили жами дебитор қарзлар 52.4 млн. сўмни ташкил этган. Бу қарзлар ичida 5.5 фоизигина муддати ўтган дебиторлардир. Муддати ўтган қарзлар таркибида электромонтаж корхонасига тўланиши лозим бўлган сумма 1 млн. сўмни ташкил этади. Дебитор қарзларнинг аксарияти Республика худудидаги корхоналар бўлганлиги учун 90 кун дан кечиктирмай мажбуриятларни узиш мақсадга мувофиқдир.

Жами дебиторларнинг 85 фоизига яқини бошқа дебиторлар бўлгани билан, ҳаридорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашиш 26.3 млн. сўмни, бюджет ташкилотларидан олинадиган сумма 13.9 млн. сўмни ташкил этган, яъни яқин муддатда корхонанинг банкдаги жорий счётига 52.4 млн. сўмлик тушум амалга ошса тўлов қобилияти янада мустаҳкамланади.

## **2.2. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ БЎЙИЧА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҶАРЗЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ САБАЛЛАРИ.**

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бевосита корхона билан қарши томон ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар корхона билан мол етказиб берувчилар ёки ҳаридорлар ўртасидаги муносабатларда, корхона билан банк ташкилотлар ўртасида, корхона билан солиқ органлари ўртасидаги, корхона билан ижтимоий таъминот бўлимлари ва турли жамоат ташкилотлари, шунинг ходимлар, мулк эгалари, акционерлар ва инвесторлар билан бўладиган муносабатларда юзага келади. Уларнинг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб-китобларда вақтнинг ўзгарувчанлигидир. Яъни бугун ортилган маҳсулот ҳам пули тўлангунга қадар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар қаторига киритилади. Бунда даромад ва харажатларнинг юзага чиқиши билан улар бўйича ҳисоб-китобларнинг амалга ошиши орасида фарқланиш келиб чиқади.

Дебиторлик кредиторлик мажбуриятларининг юзага келиши бўйича қўйидаги сабаб қаторларини таркиблаш мумкин:

- ўзаро ҳисоб-китобларда томонларнинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги;
- товарларни ортиб жўнатиш ва сотища ҳисоб-китобларнинг замонавий шаклларининг чекланганлиги;
- мулк ва унга эгалик қилишда маъсуллик ҳиссининг йўқлиги;
- ўзаро шартномавий муносабатларнинг яхши йўлга қўйилмаган-лиги;
- даромадларни тан олиш юзасидан корхоналар тармоқ ҳусусиятидан келиб чиқилмаганлиги;
- харажатлар таркибиغا кирувчи иш ва хизматларни ҳисобга олишда қатъий хужжатлаштириш мезонларининг йўқлиги;
- ходимлар ва капитал эгалари билан корхона ўртасидаги муносабатларда қаътий шартларнинг йўқлиги;

- кредит ташкилотлари билан мижоз ўртасида бўладиган муносабатларда корхоналар фаолиятини баҳолашнинг услубий асосларидаги камчиликлар;
- суғурта ташкилотлари билан корхоналар ўртасидаги муносабатларда қатъий давлат қонунчилик механизмининг мавжуд эмаслиги ва х.к. сабабларни критиш мумкин.

Биз юқорида белгилаган эдикки корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб-китобларда тўловлар муддатининг ёки санасининг турли ҳисобот даврига тушиб қолишидир. Бунда дебиторлик кредиторлик мажбуриятларининг юзага чиқишига ҳар қандай ҳолда ҳам йўл қўйилади. Агарда маҳсулотлар ортиб жўнатиш орқали сотиладиган бўлса бунда тўловлар амалга ошиш санасига қадар, агарда товарлар пулинни олдиндан тўлаш асосида сотиладиган бўлса бунда ҳам товарларни жўнатиш санасига қадар мажбурият, қарз сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисобот, маълумотнома ҳар ойнинг 1-санасига тузилади ва тегишли ташкилотларга топширилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари корхона баланси яъни ҳар чоракда тузиладиган корхона активлари, капитали ва мажбуриятлари ҳолати тўғрисидаги ҳисботда ҳам акс эттирилади.

## **2.3. ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ БАЛАНСИНИ ТУЗИШ.**

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланси улар орасидаги ўзаро тенглик нисбатини характерлайди. Бунда дебиторлик мажбуриятларининг кредиторлик мажбуриятларидан ортиб кетиши ёки аксинча ҳолатлари ифодаланади.

Дебиторлик – кредиторлик мажбуриятлари қаторига баланс моддалари бўйича қўйидагилар киради:

### **Дебиторлар:**

- харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар
- бўнак (аванс) тўловлари
- бюджет билан ҳисоблашишлар
- ходимлар била ҳисоблашишлар
- шўъба корхоналар билан ҳисоблашишлар
- таъсисчилар билан ҳисоблашишлар
- уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар
- бошқа дебиторлар

### **Кредиторлар:**

- мол етказиб берувчилар
- бюджет бўйича қарзлар
- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар
- ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар
- мулкий ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар
- бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар
- шўъба корхоналарига қарзлар
- уюшма корхоналарига қарзлар
- бошқа кредиторлар

Баланс маълумотларидан дебиторлик ва кредиторлик қарзлар таркибини ўрганиш фирма ва компанияларнинг қандай турли хил ташкилотлар билан

иқтисодий алоқадалиги, томонларнинг ўзаро тўлов шартномаларини бажаришга муносабати ва қарзларни миқдорини таҳлил қилиш имконини беради. Айниқса дебитор ва кредитор мажбуриятлар таркибида даргумон қарзларнинг борлиги, ундирилиши мураккаб бўлган дебиторларнинг пайдо бўлиши фирма ва компанияларнинг молиявий аҳволини пасайтиришга олиб келади. Бундай ҳолат эса кредитор қарзларни ўз вақтида узишни қийинластиради. Натижада дебитор ва кредиторлик ташкилотларнинг сонини ортишига, ўзаро ҳисоб-китоб ишларида чалкашликларни бўлишига олиб келади.

## **9-Жадвал**

### **Дебиторлик ва кредиторлик қарzlari балансининг таҳлили**

<b>Дебиторлик қарzlari</b>	<b>Сумма (минг сўм)</b>	<b>Кредиторлик қарzlari</b>	<b>Сумма (минг сўм)</b>
Ҳаридорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар	26291	Мол етказиб берувчиларга қарзалар	29237
Бўнак (аванс) тўловлари	4646	Бюджет бўйича қарzlар	-
Бюджет билан ҳисоблашишлар	13946	Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарzlар	3820
Ходимлар билан ҳисоблашишлар	60	Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарzlар	1172
Шўъба корхоналар билан ҳисоблашишлар	2410	Мулкий ва шахсий суғурталар бўйича қарzlар	-
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар	-	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарzlар	1887
Уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар	2854	Шўъба корхоналарига қарzlар	111
Бошқа дебиторлар	2214	Уюшма корхоналарига қарzlар	-
		Бошқа кредиторлар	545
<b>Жами</b>	<b>52421</b>	<b>Жами</b>	<b>35772</b>
		Дебиторлик қарzlарининг кредиторлик қарzlардан ортиқчалиги	16649
<b>БАЛАНС</b>	<b>52421</b>	<b>БАЛАНС</b>	<b>52421</b>

Корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики жорий даврда кредиторлик мажбуриятлари дебиторлик мажбуриятларига нисбатан 16.649 млн. сўмга кам бўлган.

Дебиторлик қарzlар таркибида энг кўп ҳаридор ва буюртма-чилар билан ҳисоблашиш, яъни 26.3 млн. сўмни ташкил этган, сўнгра эса бюджет ташкилотларидан ундирилиши лозим бўлган 13.946 млн. сўм эгалласа, бўнак тўловлар 4.6 млн. сўм, уюшма корхоналар 2.8 млн. сўм, шўъба корхоналар билан бўладиган ҳисоблашишлар 2.4 млн. сўмдан ортиқни ташкил этади.

Кредиторлик мажбуриятлари таркибида асосий ўринни мол етказиб берувчиларга бўлган қарзлар 29.237 млн. сўм, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар 3.8 млн. сўмни, бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар эса 1.9 млн. сўмга яқинни ташкил этган.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тенглиги 52.4 млн. сўмни ташкил этган Шундан соф дебиторлик қарзлар суммаси 16.6 млн. сўмни иборат.

Муддати узайтирилган дебиторлик ва кредиторлик мажбурият-ларининг юзага келишига таҳлил алоҳида аҳамият қаратилади. Негаки муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар корхона молиявий аҳволининг оғирлашиши ва молиявий барқарорлигининг бузилишига сабаб бўлади. Ўз навбатида фирма ва компанияларнинг тўлов лаёқати бузилади.

Муддати ўтказиб юборилган мажбуриятларнинг юзага чиқиш сабаблари сифатида қуидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- корхонанинг молиявий ҳолатининг носоғломлиги;
- корхонанинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги;
- ликвид маблағларнинг айланувчанлиги узоқлиги;
- шартнома мажбуриятларига ва тўлов шартларига амал этмаслик;
- хўжалик шартномаларининг бузилишидан қўриладиган заарларни тўла ундирилмаслиги (шартномаларни бузилишида қўлланиладиган чораларнинг амал этмаслиги);
- ҳисоб-китобларда замонавий услублардан фойдаланмаганлик (фючерс, форс-мажор, вексел, қимматли қағозлар, бартер операциялари);

Дебиторлик-кредиторлик мажбуриятларининг ундириб олиш муддати 3 ой қилиб ёки 90 календар кун қилиб белгиланган. Ушбу муддатдан сўнг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари назоратга олинади ҳамда уларнинг ҳолати бўйича давлат қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик шартлари (маъмурий ва молиявий) белгиланган.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини хисобдан чиқариш муддати сифатида ҳуқукий шахслар ўртасида 1 йил, корхона билан жисмоний шахслар ўртасида 3 йил муддат белгиланган. Ушбу муддатда тўланмаган ёки ундириб олинмаган мажбуриятлар, қарзлар корхона фойда ва заарларига олиб борилади. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари давлат томонидан назорат қатори сифатида олинган. Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик мажбуриятлари корхона фойдасига қўшилади ва умумий асосда фойдадан солиқ ставкаси бўйича солиққа тортилади. Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларини заарга олиб бориш солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтиrmайди.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва заарлар қаторига олиб бориш шартлари давлат солиқ қонунчилигига мувофиқ қатъий тартибланган. Яъни дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва заарлар қаторига олиб боришга қадар уларни тўлаш ёки ундириб олиш юзасидан қандай ёзишмалар ёки мурожатлар бўлган, орбитраж қарори чиқарилган ёки чиқарилмаганлиги ва х.к. бўйича дастлабки хужжатлар тўплами тайёрланмоғи лозим. Фақат шундагина уни фойда ва заарлар таркибиға олиб бориш мумкин. Акс ҳолда зарурийлик шартида кечиктирилган мажбуриятлар сифатида олиниб маъсуллар жавобгар-ликка тортилади.

## **2.4. ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИНГ УМУМИЙ ҲАЖМИ, ТАРКИБИ ВА ВУЖУДГА КЕЛИШ МУДДАТИ БҮЙИЧА ТАҲЛИЛИ.**

Дебиторлик мажбуриятлари таркиби деганда унинг юзага чиқиш қаторлари ёки ўрни тушинилади. Корхона баланси бўйича унинг қуидаги қаторларини таркиблаб ўтганмиз. Ҳаридор ва буюртмачиларга бўлган дебиторлик мажбуриятлари, ходимлар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик мажбуриятлар, иш хақидан ажратмалар юзасидан дебиторлик мажбуриятлари, солиқлар ва турли бошқа тўловлар бўйича дебиторлик мажбуриятлари ва х.к.

Шунингдек дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таркибida муддати ўтган, тўлов муддати келган ва тўлов муддати ўтмаган мажбуриятларни алоҳида таркиблаш мумкин.

Муддати ўтган, тўлаш муддати келган мажбуриятлар алоҳида ҳисобга олинади ва бошқарилади. Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятлар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғриси-даги маълумотномада алоҳида қаторланади. Уларнинг Республика ичкарисидаги корхоналар ва республикадан ташқаридаги корхоналар ўртасида муддати ўтган мажбуриятларга ажратиш мумкин. Муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар корхона молиявий ҳолатини оғирлаштирувчи асосий сабаб фактори сифатида олинади ва муҳим этибор берилади.

Таҳлил этишда дебиторлик мажбуриятларининг хажми таркиби ҳамда вужудга келиш муддати бўйича ўрганиш асосида уларнинг ҳолатига, айланувчанлик даражасига, дебиторлик қарзлари билан боғлиқ бўлган молиявий ҳолат кўрсаткичларига баҳо берилади.

## 10-Жадвал

### Дебиторлик мажбуриятларининг ҳолатини таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Дебиторлик мажбуриятлар таркиби	Давр охирига жами	Шу жумладан юзага чиқиш муддатлари бўйича				
		1 ойгача	1 ойдан 2 ойгача	3 ойдан 6 ойгача	6 ойдан 1 йилгача	1 йилдан ортиқ
1.Ҳаридорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар	26291	16200	7140.7	1699.6	804.2	446.5
2.Бўнак (аванс) тўловлари	4646	3390	1256	*	*	*
3.Бюджет билан ҳисоблашишлар	13946	11900	2046	*	*	*
4.Ходимлар билан ҳисоблашишлар	60	60	*	*		*
5. Шўъба корхоналар билан ҳисоблашишлар	2410	2410	-	*	*	*
6.Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар	-	*	*	*	*	*
7. Уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар	2854	1800	1054	-	*	*
8.Бошқа дебиторлар	2214	2214	-	*	-	-
<b>Жами</b>	<b>52421</b>	<b>37974</b>	<b>11496.7</b>	<b>1699.6</b>	<b>804.2</b>	<b>446.5</b>

Корхонада дебиторлик мажбуриятларининг вужудга келиш муддатлари бўйича таҳлили натижасидан шуни кўриш мумкинки, ҳисбот йилнинг 1-январига жами қарзлар 52421 минг сўмни ташкил қилган. Жами дебиторлик мажбуриятлари таркибида 1 ой муддатга бўлган мажбуриятлар 37974 минг сўмни, 1 ойдан 2 ойгача бўлган мажбуриятлар 11496.7 минг сўмни, 3 ойдан 6 ойгача бўлган мажбуриятлар 1699.6 минг сўмни, 6 ойдан 1 йилгача бўлган мажбуриятлар 804.2 минг сўмни, шунингдек 1 йилдан ортиқ муддатдаги мажбуриятлар хажми 446.5 минг сўмни ташкил қилган.

Дебиторлик мажбуриятлари ёки қарзлари таҳлилида уларнинг айланувчанлигига алоҳида этибор берилади. Негаки дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик даражаси корхона молиявий аҳволига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги деганда қарз мажбуриятларининг ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиш коэффиценти тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга айланиш даражасини характерлайди.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги сотишдан олинган тушумни дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасига бўлиш асосида аниқланади.

$$\text{Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш коэффиценти} = \frac{\text{Сотишдан олинган соф тушум хақиқатда}}{\text{Дебиторлик мажбуриятлари ўтган йил шу даври бўйича}}$$

$$\text{Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш даври} = \frac{\text{Дебиторлик мажбуриятлари ўтган йил шу даври бўйича} * 360}{\text{Сотишдан олинган соф тушум хақиқатда}}$$

Дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг календар кунига кўпайтириш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига бўлиш асосида дебиторлик қарзларининг айланиш-лар куни аниқланади.

## 11- Жадвал

### Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
1. Дебиторлик мажбуриятлари жами	32071	52421	+20350
2. Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	263809	440274	+176465
3. Оборот активлари	93577	125152	+31575
4. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари	1720	2950.3	+1230.3
5. Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти (2/1)	8.23	8.40	+0.17
6. Дебиторлик қарзларининг айланиш даври, кунда (1*360/2)	43.7	42.9	-0.8
7. Оборот активлари таркибида дебиторлик қарзлари, (1/3*100)%	34.3	41.9	+7.6
8. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари улуши, (4/1*100) %	5.4	5.6	+0.2

Корхонада дебиторлик мажбуриятларининг ҳолати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20350 минг сўмга ошган. Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 176465 минг сўмга ўсган. Бунинг таъсирида дебиторлик мажбуриятларининг ундирилиш даври

ўтган йилга нисбатан 0.8 қунга тежалишига эришилган. Яъни дебиторлик мажбуриятларининг ундириб олиниши бир қадар тезлашган. Бу тезлашиш бевосита маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ошиши ҳисобига рўй берган. Жорий даврда дебиторлик мажбуриятларининг жами оборот активлари таркибидаги салмоғи ўтган йининг шу даврига нисбатан 7.6% га ортиши аввало дебиторлик мажбуриятлари суммасининг ортиши ҳисобига рўй берган. Муддати ўтган дебиторлик қарзларининг жами дебиторлик қарzlари таркибидаги салмоғи ўтган йилнинг шу даврида 5.4% ни жорий даврнинг охирги ҳисобот санасига эса 5.6% ни ташкил қилган.

Юқоридаги боғланишлардан бевосита дебиторлик мажбурият-ларининг айланишига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини хам аниқлашимиз мумкин.

## 12- Жадвал

### **Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даври ўзгаришини омили таҳлили**

Кўрсаткичлар	Дебиторлик қарзлари айланиш коэффиценти	Дебиторлик мажбуриятлари айланиш даври
1. Ўтган йил	8.23	43.7
2. Шартли ҳисобот йили	5.03	72.0
3. Ҳисобот йили	8.40	42.9
Жами фарқ	+0.17	-0.8
Таъсир этувчи омиллар		
1. Сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши	3.37	-29.1
2. Дебиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши	-3.2	28.3

Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даврига омиллар таъсири қуйидагича бўлган. Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти ўтган йилга нисбатан +0,17 га ортган. Бу ўзгаришда маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши таъсирида айланиш коэффиценти +3.37 га, дебиторлик қарзлари ҳажмининг ўзгариши ҳисобига эса айланиш коэффиценти -3.2 га камайган. Ҳар

иккала омил таъсирида айланиш коэффиценти +0,17 га ўзгарган. Ушбу омиллар таъсири дебиторлик қарзларининг айланиш даври кўрсчаткичи бўйича қуидагича бўлган. Яъни, Сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳисобига ўзгариш -29,1 кунга, дебиторлик мажбуриятлари суммасининг ўсиши ҳисобига +28,3 кунга ўзгариш кузатилган.

## **2.5. КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИНГ УМУМИЙ ҲАЖМИ, ТАРКИБИ ВА ТАШКИЛ ТОПИШ МУДДАТИ БҮЙИЧА ТАҲЛИЛИ.**

Кредиторлик мажбуриятлари бошқа корхонанинг тўлайдиган мажбуриятларини характерлайди. Биз юқорида унинг таркибига нималар кишини ва уларнинг юзага келиш сабабларини кўрсатиб ўтган эдик. Кредиторлик мажбуриятларининг юзага чиқишининг асосий сабаби сифатида бевосита дебиторлик мажбуриятларининг вақтида келиб тушмаслигини ҳам таъсир кўрсатади.

Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби таҳлилида қарздор бўлган корхоналар бўйича мажбуриятларни суммаси, уларни тўлаш муддатларига кўра таркибланишига баҳо берилади. Шунингдек дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даврини аниқлашдаги каби бунда ҳам кредиторлик мажбурият-ларининг айланиши коэффиценти ва даври аниқланади. Кредиторлик қарзларни айланиш коэффицентини ҳисоблашда сотилган маҳсулот-ларнинг ишлаб чиқариш таннархи суммаси олинади.

Кредиторлик мажбуриятларининг тўлаш муддатлари бўйича қуидаги таркибга бўлиш мумкин:

- Тўлаш муддати келган мажбуриятлар;
- Тўлаш муддати ўтиб кетган мажбуриятлари;

Календар муддатига кўра қарзларни тўлашни қуидагича бўлинади:

- 1 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 1 ойдан 2 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 3 ойдан 6 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 6 ойдан бир йилгача бўлган мажбуриятлар;
- 1 йилдан ортиқ муддатга бўлган мажбуриятлар.

Кредитор қарзларни узишда фирма ва компаниялар муддати ўтган мажбуриятларни, сўнгра эса муддати келган тўловларни амалга оширгани мақсадга мувофиқдир. Томонлар ўртасида шартномавий мажбуриятларни ўз

вақтида бажармаганлиги учун иқтисодий санкцияларни жорий этилганлиги ва жарималар ундирилиши маблағ-ларнинг ноўрин сарфланишига сабаб бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида муддати ўтган кредитор қарзларни бўлмаганлиги ҳам молиявий барқарорликни ифодаловчи муҳим омилдир. Кредиторлик қарзларни ҳам 90 кун ичida қайтариленганини фирма ва компаниялар учун ижобий ҳол ҳисоб-ланади.

### 13- Жадвал

#### **Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби ва ташкил топиш муддати бўйича таҳлили**

(минг сўм ҳисобида)

Кредиторлик мажбуриятлари	Жами	Шу жумладан юзага чиқиш даври бўйича				
		1 ойгача	1 ойдан 2 ойгача	3-6 ой	6 ойдан 1 йилгача	1 йилдан ортиқ
1. Мол етказиб берувчиларга қарзлар	29237	12700	16363	174		
2. Бюджет бўйича қарзлар	-	-	*	*	*	*
3. Мехнатга ҳак тўлаш бўйича қарзлар	3820	1600	2220	*	*	*
4. Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар	172	172	-	*	*	*
5. Мулкий ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар	-	-	-	-		*
6. Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	1887	1887	-	-	*	*
7. Шўъба корхоналарига қарзлар	111	111	-	-	*	*
8. Уюшма корхоналарига қарзлар	-	-	-	-	-	*
9. Бошқа кредиторлар	545	545	-	-	-	
<b>Жами</b>	<b>35772</b>	<b>17015</b>	<b>18583</b>	<b>174</b>	<b>-</b>	<b>-</b>

Корхонада жами кредиторлик қарзларининг ҳисобот даври охирига бўлган ҳолати 35772 минг сўмни ташкил қилган. Шундан 1 ойгача бўлган кредиторлик қарзлари 17015 минг сўмни, 1 ойдан 2 ойгача бўлган кредиторлик қарзлари суммаси 18583 минг сўмни, 3 ойдан 6 ойгача бўлган кредиторлик қарзлари суммаси 174 минг сўмни ташкил қилган.

Кредиторлик қарзларни муддати бўйича ўрганиш шуни кўрсатадики, жами мажбуриятнинг 51.9 фоизини 30-60 кун давомида қайтарилиши лозимдир. Демак, фирма яқин кунлар ичida жорий счётига сотилган маҳсулотлар учун ҳаридорлардан пул тушумини келишини таъминлаши лозим, акс ҳолда муддати ўтган кредитор қарзлар ортиб кетиши мумкин.

Кредиторлик қарзларининг ҳолатига уларнинг айланиш даражаларини ўрганиш асосида тўлиқ баҳо бериш мумкин. Кредиторлик қарзлари айланувчанлиги бўйича қуидаги боғланишлар жадвалини келтириш мумкин.

#### 14-Жадвал

##### **Кредиторлик мажбуриятларининг айланиши таҳлили**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳисобот йили</b>	<b>Фарқи</b>
1	2	3	4
1.Кредиторлик мажбуриятлари, минг сўм	35540	35772	+232
2.Сотилган маҳсулотлар (иш, хизматлар) нинг Ишлаб чиқариш таннахси, минг сўм	174145	293310	+119165
3.Мажбуриятлар, минг сўм	35540	35772	+232
4. Кредиторлик қарзларининг муддати ўтгани, минг сўм	220	174	-46
5.Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти, (2/1)	4,9	8,2	+3,3
6.Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кунда (1*360/2)	73,5	43,9	-29,6
7. Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзлари улуши, % да (1/3*100)	100	100	-
8. Муддати ўтган кредиторлик қарзлари суммасининг жами кредиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи, % да (4/1*100)	0,6	0,5	-0,1

Биз таҳлил қилаётган фирмада кредиторлик қарзлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 232 минг сўмга кўпайгани билан унинг айланиш тезлиги 3,3 коэффициентга ёки 29,6 кунга тезлашган. Бундан кўриниб турибдики, кредиторлик қарзларини узиш муддати кескин камайиб бормоқда. Айниқса муддати ўтган кредиторлик қарзлари суммасининг 46 минг сўмга ўтган йилга нисбатан камайганлиги эътиборга лойиқdir.

Кредиторлик қарзларининг жами мажбуриятлар таркибидаги салмоғи ўтган ва ҳисобот йилларда 100 фоизни ташкил этганлиги фирмани банкнинг узоқ ва қисқа муддатли кредитларидан фойдаланилмаётганлигидан далолат беради.

Банкнинг кредитларидан фойдаланмасликни фирма учун ижобий ҳамда салбий томонлари бор. Ижобий қирраси қарз сўрамасдан зарур айланма маблағларга эга бўлиб фаолият кўрсатиш ва фоизлар тўламасдан пул тушумига

эга бўлишлик саналса, салбий томони қўшимча маблағлар жалб қилиб ўз фаолиятини янада кенгайтирган ҳолда фойда олишни кўпайтиришга ўрганмоқлик бозор иқтисодиёти талабларидан биридир.

## 15- Жадвал

### Кредиторлик қарzlари айланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Кредиторлик қарzlари айланиш коэффициенти	Кредиторлик қарzlари айланиш даври
1.Ўтган йил	4,9	73,5
2.Шартли ҳисобот йили	4,87	73,9
3.Ҳисобот йили	8,2	43,9
Жами фарқ	+3,3	-29,6
Таъсир этувчи омиллар	*	*
а) Сотилган маҳсулотлар (иш, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши	+3,33	-30
б) Кредиторлик қарzlари суммасининг ўзгариши	-0,03	+0,4

Шартли кредиторлик қарzlарининг айланиш коэффициенти қуидагича аниқланди:

$$\frac{\text{Ўтган йилги сотилган маҳсулотлар (иш, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархи}}{\text{Ҳисобот йилги кредиторлик мажбуриятлари}}$$

Бизнинг мисолда шартли кредиторлик қарzlарининг айланиш коэффициенти  $174145:35772=4,87$  демак, шартли айланиш куни  $360:4,87=73,9$  кунга тенг.

Кредиторлик қарzlари айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан 3,3 даражага кўпайган. Бунга таъсир этган сабаб сотилган маҳсулотлар (иш, хизматлар) нинг ишлаб чиқариш таннархини ўзгаришининг 3,33 га, кредиторлик қарzlари суммасининг ўзгариши эса -0,03 га тенг бўлган.

Кредиторлик қарzlарининг тўлаш муддати ўтган йилга нисбатан 29,6 кунга тезлашган. Бу ўзгаришда сотилган маҳсулотлар (иш, хизматлар) нинг ишлаб чиқариш таннархи таъсири 30 кунга тезлаштирган, лекин кредиторлик

қарзлари суммасининг ўзгариши эса 0,4 кунга секинлаштирган. Иккала омилнинг таъсири -29,6 (-30+0,4) кун.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора тадбирлари тўғрисида"ги ва 1996 йил 24 январдаги "Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисидаги" фармонларини бажариш борасида муайян ишлар олиб борилаётганлигига қарамасдан фирма ва компаниялар ўртасидаги дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш муаммоси бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг олдини олиш мақсадида қуидаги чора тадбирларни амалга ошириш зарур:

- ўзаро шартномавий муносабатларда томонларнинг масъуллиги ва уларнинг шартларига қатъий амал этиш;
- муддати ўтказиб юборилган ҳар қандай тўловлар суммаси бўйича ҳуқуқий жавобгарлик шартларини белгилаш;
- ҳисоб-китобларнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш;
- даргумон қарзлар бўйича резервлар ташкил қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.;

## **2.6. МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**

1. Дебитор қарзларнинг мазмунин қандай?
2. Кимлар дебитор бўлиши мумкин?
3. Дебитор қарзларнинг таркиби қандай таҳлил этилади?
4. Муддати ўтган дебитор қарзлар таҳлилида нималар ўрганилади?
5. Кредитор қарзлар мазмунин қандай?
6. Кредиторлик қарзлар қандай таҳлил қилинади?
7. Муддати ўтган кредиторлик қарзларнинг вужудга келиш сабаблари нимада?
8. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш омиллари нимада?

## **2.7. МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИКЛАР.**

1. Қуидаги таянч ибораларга тушунчалар ёзинг.
  - Дебитор қарзлар;
  - Кредитор қарзлар;
  - Мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашиш;
  - Бюджет билан ҳисоблашишлар;
  - Шўъба ва уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар;
  - Аванс тўловлар;
  - Мулкий ва шахсий сугурталар бўйича ҳисоблашишлар.
2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақидаги маълумот-номани таҳлил қилинг.

**”Алишер Навоий” АЖ**  
(корхона номи)

Вилоят, шаҳар \_\_\_\_\_  
туман солиқ идорасига  
2001 йил \_\_\_\_\_ район

**ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАР ҲАҚИДАГИ МА’ЛУМОТНОМА.**

№	Дебитор, кредитор Вазирлик, идора, концерн, корхона ва бошқаларнинг номлари	Умумий қарзлар		Жумладан республикадан ташқаридағи		Умумий қарзлардан муддати ўтгани		Жумладан республикадан ташқаридағи	
		Деби- торлик	Креди- торлик	Деби- торлик	Креди- торлик	Деби- торлик	Креди- торлик	Деби- торлик	Креди- торлик
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
	Жами:	74041	147763	-	6.60	-	-	-	-
	Шу жумладан:								
1	<b>Ички хўжаликлараро</b>	<b>572</b>							
2	<b>Махсулот, иш ва хизматлар</b>	<b>33292</b>	<b>203</b>	-	-				
	Пахта саноати	7231							
	ГУБ	3460,7							
	Аэропорт	998,4							
	Ўзнефтгазқазибичкариш	3000							
	“Ўзтуркаккуммаш” ҚҚ	3268							
	“Агромаш” АЖ	1322,5							
	АЗДР	10753							
	Бошқалар	3258,4	203						
3	<b>АВАНСЛАР:</b>	<b>889</b>	<b>109770</b>	-	<b>6.60</b>				
	Ўзқишлоқхўжмаш- Холдинг		16223,4						
	Мехр-мурувват бошқармаси		30393,9						
	Пахта саноати		1116						
	Ўзноммахсулот		1724,7						
	“Ўзнефтгаз”		27176,4						
	“Кувасойцемент”		3238						
	ГУКС		2803,6						
	ДСМ		5594						
	ОДС и З		3237						
	Бошқа аванслар	889	18263	-	6.60				
4	<b>Бошқа дебитор ва кредиторлар (сч. №76)</b>	<b>5868</b>	<b>12998</b>						
	“Ўзавтойўл”		4322,7						
	Энергия вазирлиги		1645,5						
	Коммунал хизмат вазирлиги		1975,8						
	Алоқа вазирлиги	119,6	763,7						
	Ўзнефтгаз		71,7						
	Йўловчitransсервис	156,5							
	Бошқалар	5591,9	4218,6						
5	<b>Бюджет билан хисоблашиш</b>	<b>33303</b>	<b>7878</b>						
6	<b>Меҳнат ҳаки бўйича хисоб-китоблар</b>	<b>117</b>	<b>12178</b>						
7	<b>Ижтимоий таъминот билан хисоб-китоблар</b>	-	<b>4736</b>						

Рахбар \_\_\_\_\_ Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

**III Боб**  
**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ВА ФОЙДАНИНГ**  
**ИШЛАТИЛИШИНИ ТАҲЛИЛИ**

---

- 3.1. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.**
- 3.2. ЙИЛНИНГ СОФ ФОЙДАСИ ТАРКИБИ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШИНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 3.3. МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР СОТИШДАН ОЛИНГАН ЯЛПИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖА ВА УНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 3.4. МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КРИТИК ҲАЖМ ДАРАЖАСИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ.**
- 3.5. АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ФОЙДА ЁКИ ЗАРАРЛАР ТАҲЛИЛИ.**
- 3.6. УМУМХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ВА СОЛИҚ ТЎЛАГУНГА ҚАДАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 3.7. ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШИНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 3.8. БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАРНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 3.9. МАВЗУНИ ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**
- 3.10. МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.**

### **3.1. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.**

Бозор муносабатларининг ривожлана бориши корхоналарнинг молиявий натижасининг белгиловчи муҳим омил сифатида фойданинг ролини оширади. Чунки фойда корхоналарнинг келгуси равнақи, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоялашни таъминловчи асосий манбадир. Шунингдек давлат бюджети даромадининг аксарият қисми ҳам фойдадан тўланадиган солиқ ҳисобидан тўлдирилади. Шу туфайли аҳамияти муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда молия органлари, солиқ инспекцияси, аудитор ва ички хўжалик (ҳисобчи, иқтисодчи) мутахассисларидан фойданинг шаклланиши ва ишлатилишини мунтазам назорат қилиб туриш талаб этилади.

Бозор иқтисодиёти луғатида фойда - бу бухгалтерия тушунчасида даромаднинг кўпайганлигини англатади, деб таърифланган. Шунингдек фойда корхона ва фирмаларнинг маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан, асосий ва умумхўжалик фаолиятлари натижасидан ҳамда фавқулотдаги вазиятлардан сўнг ўз барча харажатларни қоплаб қўшимча олган даромадлар йиғиндисидан иборатdir деб тушуниш ҳам мумкин. Демак, олинган фойдани таҳлил қилишда, даромаднинг кўпайган ёки камайганлиги, унинг ўзгариш сабаблари ва бунга таъсир этувчи омиллар ўрганилиши лозим.

Молиявий натижани таҳлил қилишда асосий вазифалар:

- ◆ йилнинг соф фойдаси ҳажмининг ўзгаришига баҳо бериш;
- ◆ фойданинг кўпайган ёки камайганлигига маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ва бошқа фаолиятлардан эришилган натижанинг таъсир этишини аниқлаш;
- ◆ фойданинг шаклланиши ва ишлатилишининг асосланганлигин текшириш;
- ◆ фойда ҳажмининг кўпайиш йўллари ва омилларини белгилаш ва х.к.

Таҳлил мазмуни соф фойда таркибини, маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан кўрилган молиявий натижа ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи

омилларни аниқлаш, асосий ишлаб чиқариш фаолияти натижалари, молиявий ва инвестиция фаолиятлари натижаси, фавқулотдаги вазиятлар натижалари, солик тўлагунга қадар фойда ва корхона ихтиёрида қолган йилнинг соғ фойдаси ҳажмини ўрганишдан иборатdir.

Таҳлилни амалга оширишда асосий манба бўлиб Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг тасдиқлаган 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” маълумотлари ҳамда 15-“Журнал ордер”, “Фойда ва заарлар”, “Фойданинг ишлатилиши”, “Тақсимланмаган фойда” синтетик счётларидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади.

### **3.2. ЙИЛНИНГ СОФ ФОЙДАСИ ТАРКИБИ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШИНИ ТАХЛИЛИ**

Фирма ва компанияларнинг соф фойдаси қўйидагилардан ташкил топади:

- ◆ Махсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда;
- ◆ Асосий фаолиятдан кўрилган фойда;
- ◆ Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарар;
- ◆ Фавқулотдаги вазиятлар натижасидан кўрилган фойда ёки зарар;
- ◆ Фойда (даромад)дан тўланган соликлар.

$$СФ = ЯФ \pm АФ \Phi \pm УФ \pm СТФ$$

Бунда:

СФ- йилнинг соф фойдаси.

ЯФ- махсулот сотишдан олинган ялпи фойда.

АФ- асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар.

УФ- умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарар.

СТФ- солик тўлагунгача олинган фойда ёки зарар.

Йилнинг соф фойдаси фирма ва компанияларнинг ривожланишининг бирдан-бир манбаси ҳисобланади. Ўилинган даромад ҳажмига қараб, мустақил махсулот ишлаб чиқарувчи фирма ва компаниянинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига баҳо берилади. Фойда фирма ва компания фаолиятининг асосий манбаи ҳисобланиб, унинг ҳажмини кўпайганлигининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва молиялашга, кенгайтирилган ишлаб чиқаришни ташкил этишга ҳамда меҳнат жамоасининг ижтимоий талабини қондиришга ишлатилади. Шунингдек, олинган фойда хисобидан бюджет, банк ва бошқа ташкилотларга бўлган тўлов мажбуриятлари бажарилади. Демак, корхона молиявий натижасини таҳлил қилишда фойданинг ташкил топиши ва ишлатилишини ўрганиш лозим.

Амалдаги низомга мувофиқ фирма ва компанияларнинг соф фойдаси барча фаолиятлар натижасидан аниқланади. Жумладан, махсулот, иш ва

хизматлар сотишдан олинган молиявий натижа, асосий фаолият натижалари, молиявий фаолиятдан кўрилган фойда ёки заарлар, ҳамда фавқулотдаги вазиятлар натижасида олинган зарар (фойда) ларнинг йифиндисидан иборатdir.

Корхонанинг йиллик соф фойдаси таркиби ва унинг ўзгаришига баҳо бериш маълумотлари 16-жадвалда келтирилган.

#### 16-Жадвал

#### **Йилнинг соф фойдаси ва унинг таркибининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)	
	Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3
1. Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа	89664	100	146964	100	57300	-
2. Даврий харажатлар ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар ёки харажатлар	45615	50,8	80097	54,5	34482	3,7
3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси	44049	49,1	77293	52,5	33244	3,4
4. Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	51726	56,6	77341	52,6	26604	-4,0
5. Фавқулотдаги фойда ёки зарар	-	-	-	-	-	-
6. Солиқ тўлагунга қадар умумий молиявий натижа	50737	56,6	77341	52,6	26604	-4,0
7. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқ ажратмалар	19031	21,2	30770	20,9	11739	-0,3
8. Хисобот давридаги соф фойда	31706	35,3	46571	31,7	14865	-3,6

Маълумотларга кўра, корхонанинг ҳисобот давридаги соф фойдаси 14 млн. 865 минг сўмга кўпайган. Бунга асосий сабаб маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижанинг ўтган йилга нисбатан 57 млн. 300 минг сўмга кўпайганлиги сабаб бўлган, лекин корхонанинг даврий харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўрилган сарфларнинг салкам 34,5 млн. сўмга ортганлиги ҳисобот даврининг соф фойдаси ҳажмини камайшига салбий таъсир кўрсатган. Шунингдек фойдадан тўланган солиқларни ўтган йилга нисбатан 11,7 млн. сўмдан юқорироқقا кўпайиши ҳам фойда ҳажмининг камайшига таъсир кўрсатган. Умуман

олганда, хисобот даврининг соф фойдасини 14 млн. 865 минг сўмга ўтган йилга нисбатан қўпайганлиги корхона учун яхши ҳолатdir.

### **3.3. МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР СОТИШДАН ОЛИНГАН ЯЛПИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖА ВА УНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИНИ ТАХЛИЛИ.**

Фирма ва компанияларнинг ҳисобот давр соғ фойдасини аксарият қисми маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар сотишидан олингандан ялпи молиявий натижа ташкил этади. Бу қуйидаги тартибда ҳисобланади:

#### **ЯФ=МТ-ҚҚС-АКЦ-ИТ**

бунда:

**ЯФ** – ялпи фойда.

**МТ** – маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишидан тушум.

**ҚҚС** - қўшилган қиймат солиғи.

**Акц** – акциз солиғи.

**ИТ** – сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишидан олингандан тушум ҳажми фирма ва компанияларнинг қандай баҳоларда ва кимларга ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишлигига, шартномада қўзда тутилган баҳоларнинг миқдорига боғлиқдир. Ялпи тушумни билиш учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботнинг тегишли сатридан ўтган йилги ва ҳисбот давридаги маълумотларидан қаралади.

Қўшилган қиймат солиғи нормаси эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йил учун тасдиқлаган, солик қонунида қўзда тутилган тартибда белгиланади, масалан 2002 йил учун қўшилган қиймат солиғи 20% деб қўзда тутилган. Айрим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим маҳсулотлар жумладан: сут ва сут маҳсулотлари, гўшт, ун, сотиб олинаётган дон ва тирик вазндан моллар учун 15% ли қўшилган қиймат солиқ ставкаси белгиланган.

Акциз солиғи мухим ахамият касб этмайдиган товарлар яньи: спиртли ичимликлар ароқ ва конъякларга ва бальзамларга 82%, виноларга 55%, шампан ва бошқа винолар учун 30%, сигаретлар учун 32-45%, тилла ва тилладан тайёрланган зебу-зийнатлар учун 30%, нефть маҳсулотлари: бензин 40%, ўсимлик ёғи 77%, хўжалик совунларига 20%, УзДЭУ қўшма корхонаси автомобиллари учун 25%, мебеллар ва хрусталь идишлар учун 5%, видео ва аудио аппаратлар учун 15% ли ставкаларда белгиланган.

Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил этувчи харажатлар иқтисодий мазмунига қараб қўйидаги турлардан иборатдир:

- ◆ ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқит-лар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ◆ ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ◆ ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар;
- ◆ асосий фонdlар ва ишлаб чиқариш ахамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ◆ ишлаб чиқариш ахамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Бозор иқтисодётига ўтиш даврида фойда кўрмасдан ишлайдиган корхоналар бўлмаслиги керак. Харажатларни даромад-лари қопламайдиганлар карз (кредит) ҳисобига яшашади. Бу эса молиявий аҳволни оғирлаштиради ва пировард натижада корхона синади. Шунинг учун фойда кўриш корхоналарнинг яшаши, рақобатларга бардошлиги кенгайтирилган ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий манбаи ҳисобланади.

## 17-Жадвал

### **Сотишдан тушган ялпи молиявий натижанинг таҳлили**

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йил	Ҳисобот йил	Фарқи (+,-)	
			мутлоқ	нисбий
1	2	3	4	5
1. Маҳсулот сотишдан тушган тушум	311295	529146	217851	69,9
2. ҚҚС	47486	88872	41386	87,1
3. Акцизлар	-	-	-	-
4. Сотишдан олинган соф тушум	263809	440274	176465	66,9
5. Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи	174145	293310	119165	68,4
6. Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа	89664	146964	57300	63,9

Жадвал маълумотларига кўра, корхонада маҳсулот сотишдан олинган соф тушум ўтган йилга нисбатан 176 млн. 465 минг сўмга ёки 66,9% га қўпайган, лекин сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳам ўтган йилга нисбатан 119 млн. 165 минг сўмга ёки 68.4% га ошиб кетган. Булар натижасида корхонада сотишдан олган ялпи молиявий натижа 57 млн. 300 минг сўмга ёки 63,9% га қўпайган. Корхона фаолияти учун ўтган йилга нисбатан маҳсулотлар сотишдан соф фойдаси ҳажмининг қўпайганлиги ижобий ҳолат деб қарашимиз лозим.

Маҳсулот (иш, хизмат) лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа ҳажми қўйидаги омиллар таъмирида ўзгариши мумкин.

1. Маҳсулот (иш, хизмат) лар сотиш баҳосининг ўзгариши.
2. Маҳсулот (иш, хизмат) лар ишлаб чиқариш таннархини ўзгариши.
3. Сотиш ҳажмининг ўзгариши.
4. Бошқа сабаблар (сотилган маҳсулотлар таркибининг ўзгариши, корхоналараро иқтисодий алоқаларни ўзгариши ва х.к).

Бу омилларнинг ҳар бирини ялпи молиявий натижага таъсирини таҳлил этиш қўйидаги тартибда бажарилади.

## 18-жадвал

### **Махсулот (иш, хизмат) лар сотишдан кўрилган ялпи молиявий натижанинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

(минг сўм хисобида)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳақиқий сотилган маҳсулот (ўтган йил баҳода)</b>	<b>Хисобот йил</b>
1. Сотишдан олинган соф тушум	263809	326420	440274
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархии	174145	220700	293310
3. Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа	89664	105720	146964

Махсулот сотишдан олинган ялпи молиявий натижа 57,3 млн. сўмга ёки 63,9 фоизга кўпайган ( $146964/89664 \times 100$ ). Ялпи фойданинг ўзгаришига қўйидаги омиллар таъсир этган:

- маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ўртача сотиши баҳосини ўзгариши –  $440274-326420=113,85$  млн. сўм
- Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини ўзгариши –  $293310-220700=72,610$  млн. сўм ёки бу ялпи фойдани камайтирган.
- Сотиши ҳажмининг ўзгариши –  $326420/263809 \times 100=123,07$  фоиз ёки  $89664 \times 23,7/100=21,250$  млн. сўм.
- Бошқа омиллар (сотиши таркиби, маҳсулот турлари, хўжаликлараро иқтисодий алоқаларнинг ўзгариши ва х.к.)  
 $105720-89664=16056$ , яъни  $16056 - 21250 = -5,2$  млн. сўм

Жами омиллар йифиндиси  $113,85 - 72,6 + 21,25 - 5,2 = 57,3$  млн. сўм.

Демак, юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, маҳсулотларнинг сотиши баҳоси ва сотиши ҳажмининг ўзгариши ялпи молиявий натижага ижобий, сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини ўзгариши ва таркибий ўзгаришлар салбий таъсир кўрсатган.

Ҳар бир фирма ва компания маҳсулотлар сотишдан олинадиган тушумни камайишига сабаб бўлган омилларни келгусида тугатишга чоралар қўриши лозим, чунки соф тушум молиявий натижани яъни фойдани кўпайтиришнинг энг асосий манбаидир. Амалдаги корхоналар фаолиятида маҳсулот сотишдан

мўмайгина фойда олсада, бошқа фаолиятлардан зарар кўриб якуний натижанинг мўлжалдагидай бўлишига салбий таъсир этмоқдалар.

#### 19-Жадвал

##### **Ялпи молиявий натижанинг ўзгариш сабабларини умумлаштириш**

Кўрсаткичлар	Млн. сўм	Жамига нисбатан фоиз
<b>Ялпи молиявий натижанинг ўзгариши</b>	57,3	100
<b>Бунга таъсир кўрсатган омиллар</b>		
а) маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиши баҳосининг ўзгариши	113,85	198,7
б) сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини ўзгариши	-72,6	-126,7
в) сотиши ҳажмининг ўзгариши	21,25	37,1
г) бошқа сабаблар	-5,2	9,1

Корхонада маҳсулот (иш, хизмат) лар сотишдан ялпи молиявий натижа ҳажмининг ўзгаришини яъни 57,3 млн. сўмни 100 фоиз белгиланса, шундан 198,7 фоизи сотиши баҳосини ошганлиги, -126,7 фоизи сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархини ошганлиги, 37,1 фоизи сотиши ҳажмининг ўзгарганлиги ва -9,1 фоизи бошқа сабаблар таъсирида ўзгарган.

### **3.4. МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КРИТИК ҲАЖМ ДАРАЖАСИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Ҳар бир фирма ва компания маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини кўпайтириш имкониятига эгадир, лекин ҳажмнинг кескин ошиши тушумни (фойда) камайишига таъсир этади. Фойда олишнинг энг қуи ва юқори чегара ҳамда имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Яъни, корхона ушбу чегаравийликдан қуи ҳолатларда заарга, юқори ҳолатларда фойда ишлашини характерлайди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасини белгилаш иқтисодий харакатни бошқаришда ва бизнесни йўлга қўйишида муҳим масала ҳисобланади.

Таҳлил этишда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасининг белгиланишига, унинг ўзгариш оралиқларига ва сабабларига аҳамият берилади.


Критик ҳажм даражасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга: маҳсулотлар бирлик баҳоларининг ўзгариши, бир бирликка ўзгарувчан харажатлар ўзгариши, доимий харажатларнинг ўзгариши киритилади. Бу омиллар бевосита ҳисоб-китоб қилинадиган омиллар ҳисобланади.

Критик ҳажм даражасини аниқлашнинг одатда бир неча усуллари мавжуд. Қуйида уларнинг аниқланиш услуби ва тартиби билан танишишимиз мумкин (20-жадвал).

Критик ҳажм даражасини график шаклида ифодалаш унинг мазмунини тўлиқ англашга имкон беради. Буни бевосита қуидаги ифодадан ҳам кўриш мумкин. Критик ҳажм даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг физик ҳажми қатъий баҳоларда ва доимий харажатларда белгиланади. Унинг ўзгариши эса таъсир бирликлари фарқланишлари ва боғланишлари асосида аниқланади.

## Критик хажм даражасини аниқлашнинг формулалари

Аниқланиш формуласи	Белгилар изохи
$V_k = \frac{U}{1 - \left(\frac{S}{P}\right)}$	U-жами ўзгармас харажатлар; S-маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажат; P-маҳсулот бирлигининг баҳоси;
$V_k = Q * S + U$	Q-маҳсулотлар миқдори
$Y_k = \left(\frac{S}{P}\right) * Y_k + U$	Y <sub>k</sub> - критик ҳажм даражасидаги маҳсулот ҳажми
$Y_k = C + S + 0$	С-ўзгарувчан капитал U-ўзгармас капитал
$Q_k = \frac{U}{(P - S)}$ $U_k = Q_k * P$	Q <sub>k</sub> -kritik ҳажм даражасидаги маҳсулот миқдори
$U_k = \frac{U * P}{P - S}$	U <sub>k</sub> - Критик ҳажм даражасидаги маҳсулот ҳажми



## **5-чизма. Критик ҳажм даражасини график чизгиси.**

### **3.5. АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ФОЙДА ЁКИ ЗАРАРЛАР ТАҲЛИЛИ.**

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда ёки зарар бу маҳсулотлар сотишдан олинган ялпи фойдадан давр ҳаражатларнинг айирмаси ва бошқа асосий фаолиятдан даромадлар ёки зааралар ҳаражатларнинг алгебрик йифиндисидан иборатdir.

Бу қуидаги тартибда аниқланиши мумкин.

$$\mathbf{A\Phi F = Y\Phi - DX + BD - BZ}$$

бунда:

**АФФ** - асосий фаолиятдан олинган фойда

**ЯФ** - ялпи фойда

**ДХ** - давр ҳаражатлари.

**БХ** - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

**БЗ** - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зааралар.

Давр ҳаражатлар дейилганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ҳаражатлар ва сарфлар тушунилади: сотиш ҳаражатлари, маъмурий ҳаражатлар ва бошқа жараёнлар ҳаражатлардан иборатdir.

Сотиш билан боғлиқ ҳаражатларга: товарларни транспорт воситалари ёрдамида ташиш ҳаражатлари, товарларни сотишда қатнашувчи ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш ва ижтимоий суғуртага ажратмалар, савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоатлар ва қурилмаларни асраш ҳаражатлари, асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси, газ, ёқилғи, электр энергияси ҳаражатлари, арzon баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши, товарларни сақлаш уларга ишлов бериш, қадоқлаш ва форtlарга ажратиш ҳаражатлари, савдо рекламаси ҳаражатлари, касса аппарати ва тушум инкассацияси юритиш чиқимлари, сотиш бозорини ўрганиш бўйича ҳаражатлар ва бошқа сотиш билан боғлиқ сарфлар тушунилади.

Маъмурий ҳаражатларга эса: бошқарув ходимларини меҳнат ҳақи ва уларга тегишли ижтимоий суғурта ажратмалари, хизмат енгил автотранспорти

ва микроавтобусларни сақлаш, ишлатиш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари, хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари, бошқарувда хизмат қилаётган техник воситалар, алоқа узеллари, ҳисоблаш марказлари, сигнализация воситалари ва бошқарувга оид техник воситаларни сақлаш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари, шахарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун тўланган сарфлар, маъмурий бошқарув эҳтиёжлари учун фойдаланилаётган биноларни амортизацияси ва сақлаш харажатлари, вазирликлар, идоралар ва юкори ташкилотларга ажратмалар, бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш харажатлари, корхонани вакиллик харажатлари ва бошқа харажатлар киради.

Бошқа операцион харажатларига қуидагилар киради: кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, лойиха ва қурилиш монтаж ишларида чалаликни бартараф этиш харажатлари, маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш, аудиторлик хизматлари уун тўловлар, саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлар харажатлари, шаҳар ободончилик ишлари ва қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш билан боғлиқ харажатлар, компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблашда эътиборга олинмайдиган тўловлар ва ҳаражатлар, яъни моддий ёрдам, соғлиқни сақлаш объектлари қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектларини асраш харажатлари, вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари, банк хизмати учун тўловлар, ҳар хил хайрия жамғармалари, экология, соғломлантириш, маданият, халқ таълими, ижтимоий таъминот жисмоний тарбия ва шу каби ташкилотларга бадаллар, бюджетга мажбурий тўловлар, соликлар ва йифмалар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар, заарлар, жарималар ва пениялар ва бошқа харажатлардан иборатdir.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромад-ларга қуидагилар киради:

- ◆ Ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф қилинган жарималар ва пениялар.
- ◆ Ҳисобот йилда аниқланган ўтган йилга тегишли фойда.
- ◆ Ёрдамчи хизмат кўрсатувчи тармоқлар (ошхона ва х.к.) дан олинган тушумлар.
- ◆ Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган даромадлар.
- ◆ Даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.
- ◆ Товар-моддий бойликларни қайта баҳоланишдан қўрилган натижалар.
- ◆ Давлат субсидиялардан даромадлар.
- ◆ Холисона молиявий ёрдам.
- ◆ Бошқа операцион даромадлар.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасини таҳлили қуидаги 23-жадвалда келтирилган.

## 21-Жадвал

### Асосий фаолиятдан молиявий натижалар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил		Ҳисобот йили		Ўзгариши (+,-)	
	Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3
1. Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа	89664	100	146964	100	57300	-
2. Сотиш харажатлари	5309	5,9	7548	5,1	2239	-0,8
3. Маъмурий харажатлар	6348	7,0	15725	10,7	9377	3,7
4. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар ёки харажатлар	33958	37,9	56824	38,6	22866	0,7
5. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (1-2-3+4)	44049	49,1	77293	52,6	33244	3,5

Маълумотларга қўра, корхонада асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган молиявий натижа ўтган йилга нисбатан 33 млн. 244 минг сўмга кўпайган ёки унинг сотишдан тушган ялпи молиявий натижада таркибидаги салмоғи 3,5% га ортган. Бунга асосий сабаб маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ялпи молиявий натижанинг 57,3 млн. сўмга кўпайганлиги таъсиридадир. Лекин ўтган йилга нисбатан асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан харажатларни 22 млн. 866 минг сўмга маъмурий харажатларнинг 9 млн. 377 минг сўмга ва сотиш харажатларининг 2 млн. 239 минг сўмга кўпайиб кетганлиги фойда хажмини камайишига сабаб бўлган. Ялпи молиявий натижа тарикибида маъмурий харажатлар улушининг 3,7% га кўпайганлиги ҳам эътиборни қаратади. Чунки бошқарув харажатларининг кўпайиши ижобий ҳолат деб бўлмайди.

### **3.6. УМУМХҮЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ВА СОЛИҚ ТҮЛАГУНГА ҚАДАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ТАҲЛИЛИ.**

Фирма ва компаниялар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятидан ташқари молиявий соҳалар натижасидан ҳам фойда ёки заар олишлари мумкин. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки заар, бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммасига молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар қўшилади ва заарлар айрилади, бу қуйидагича кўрсатилиши мумкин.

$$У\Phi = А\Phi\Phi + МД - МХ$$

бунда:

УФ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда

АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар

МХ - молиявий фаолият харажатлари.

Молиявий фаолиятдан олинидиган даромадларга:

- маблағларни қарзга бериш эвазига олинган фоизлар ва шўъба корхоналарга ҳиссали қатнашишдан олинган даромадлар;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромадлар;
- акциялар бўйича дивиденdlар, облигациялар ва қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;
- мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан (лизинг) олинган даромадлар;
- валюта счёtlари, шунингдек чет эл валюталаридағи муомалалар бўйича ижобий курс тафовутлари;
- қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳоланишидан олинган даромадлар;
- бошқа молиявий фаолиятдан даромадлар киради.

Молиявий фаолият харажатларига эса:

- Ўзбекистон Республикаси марказий банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкалари доирасида ва улардан юқори доирада қисқа муддатли ҳамда узоқ муддатли кредитлар бўйича, шу жумладан тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича тўловлар;
- мол-мulkни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари;
- чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс тафовутлари ва заарлари;
- сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва х.к.) маблағларнинг қайта баҳолашдан кўрилган заарлар.
- ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;
- молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан салбий дисконт даромадлар тушунилади.

Фавқулотдаги фойда ёки заар - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ходисалар ёки муомалалар натижасида вужудга келадиган, тасодифий олинган фойда ёки заарлар тушунилади. Бунга даромадларнинг фавқулотда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

Фавқулотдаги фойда ёки заарлар бир неча йиллар мобайнида такрорланмайдиган вазиятлар натижасида бўлиши низомда кўрсатилган. Бундай фойда ёки заарлар табиий офат, ёнғин ва шу каби тўсатдан бўладиган омиллар таъсирида юзага келади.

Солик тўлангунга қадар фойда, умумхўжалик фаолиятидан олган фойдага плюс ёки минус фавқулотда (кутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ёки заар сифатида аниқланади, бу қуйидагича кўрсатилиш мумкин:

## **СТФ=УФ+ФП-ФЗ**

бунда:

СТФ – солиқ түлангунга олинган фойда;

УФ – умумхұжалик фаолиятидан олинган фойда;

ФП – фавқулотда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ – фавқулотда вазиятлардан күрилган зарап.

Умумхұжалик фаолиятида олинган фойда ёки заарларни таҳлилида ҳар бир турдаги даромадлар ва заарлар үрганилиши лозим. Бундай таҳлил 22-жадвалда келтирилген.

### **22-Жадвал**

#### **Умумхұжалик фаолияти ва солиқ түлагунга қадар умумий молиявий натижанинг таҳлили**

Күрсаткічлар	Үтган йил		Хисобот йили		Үзгариши(+,-)	
	Минг сүм	%	Минг сүм	%	Минг сүм	%
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6=4-2</b>	<b>7=5-3</b>
1. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан молиявий натижа	44049	100	77293	100	33244	-
2. Олинган девидент	134	0,30	2	0,002	-132	-0,298
3. Олинган (+) ёки түланган (-) фоизлар	170	0,38	-230	-0,29	-400	-0,67
4. Валюта курси фарқи	2703	6,13	1339	1,73	-1364	-4,4
5. Молиявий фаолият бүйіча бошқа даромадлар (+) ёки харажатлар (-)	3681	8,35	-1063	-1,37	-4744	-10,0
6. Умумхұжалик фаолиятининг молиявий натижаси	50737	115,2	77341	100,1	26604	-15,1
7. Фавқулотдаги фойда ва зарар	-	-	-	-	-	-
8. Солиқ түлагунга қадар умумий молиявий натижа	50737	115,2	77341	100,1	26604	-15,1

Жадвал маълумотларига кўра: корхонада умумхұжалик фаолияти күрилган молиявий натижа үтган йилга нисбатан 26 млн. 604 минг сүмга кўпайған. Бунинг сабаби асосий ишлаб чиқариш фаолияти натижасидан олинган фойданинг 33 млн. 244 минг сүмга кўпайғанлиги таъсир этган. Шунингдек валюта курсининг ижобий үзгаришидан күрилган 1 млн. 339 минг сўмлик фойдага эришилганлиги таъсир этган. Корхонада фавқулотдаги фойда ва зарар мавжуд эмас. Шунга кўра солиқ түлагунга қадар умумий молиявий

натижаси ҳисобот йилида 77 млн. 341 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 26 млн. 604 минг сўмга кўпдир. Солик тўлагунга қадар фойда ҳажмининг кўпайганлиги ўтган йилга нисбатан фаолиятнинг яхшиланганлигидан далолат беради.

### **3.7. ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШИНИ ТАҲЛИЛИ.**

Хозирги шароитда фирма ва компаниялар олган фойдасини тақсимлаш икки йўналишда амалга оширилади.

- 1) давлат бюджетига фойда (даромад)дан солик, бошқа солиқлар ва ажратмалар.
- 2) Корхона ихтиёрида қолган йилнинг соф фойдаси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2001 йил 31 декабр 490-сонли Қарорига мувофиқ жисмоний шахслар 2002 йил учун солик тўлагунга кадар хисобланган фойдасидан 24 фоиз бюджетга тўловларни амалга оширилиш лозимлиги кўрсатилган.

Болалар товарлари, қўғирчоқлар ва бадиий буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар даромади (фойда)дан 10 фоиз солик тўлаши кўзда тутилган.

Чет эл инвестицияларни жалб қилишни рафбатлантириш мақсадида устав капиталидаги ҳорижий сармоялар улушига қараб имтиёзли солик ставкалари қўлланилади. Масалан, устав капиталида ҳорижий сармояларнинг улуши 50 ва ундан юқорироқ фоиз бўлганда, яъни: 1) 300,0 минг АҚШ долларидан то 1,0 млн. АҚШ доллари бўлганда 20 фоиз, 2) 1,0 млн. АҚШ долларидан ошганда эса 16 фоизли ставкада даромад (фойда) дан солик ундирилиш кўзда тутилган.

**23-Жадвал**

#### **Фойдани ишлатилишининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил		Ҳисобот йили		Ўзгариши (+,-)	
	Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%
1. Солик тўлагунга кадар умумий молиявий натижа	50737	100	77341	100	26604	-
2. Фойдадан солик	18384	36,2	28575	37,0	10191	0,8
3. Бошқа солик ва ажратмалар	647	1,3	2195	2,8	1548	1,5
4. Ҳисобот давридаги соф фойда	31706	62,5	46571	60,2	14865	-2,3

Маълумотларга қўра, корхонада ҳисобот даврининг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан 14 млн. 865 минг сўмга кўпайган. Корхонада фойданинг кўпайиши ижобий холат ҳисобланади. Фойда хажмининг хам ўтган йилга

нисбатан 10 млн. 191 минг сўмга кўпайтирган. Корхонада бошқа солиқ ва ажратмалар хам ўтган йилга нисбатан 1млн. 548 минг сўмга кўпайган. Корхона бўйича ҳисобот йилда солиқлар хажми кўпайшининг сабабини аниқлаш лозим. Акс ҳолда корхона фаолияти учун бюджетга тўловларнинг кескин кўпайиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

### **3.8. БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАРНИ ТАҲЛИЛИ.**

Фирма ва компаниялар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 2-шаклида бюджетга тўланмалар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Бунда барча бюджетга тўланадиган ажратмаларнинг турлари ҳисобланган миқдор ва ҳақиқатда тўланган суммалар кўрсатилади. Бундай тўланмаларга мулкдан олинадиган солик, фойда (даромад)дан солик ер солиги, қўшилган қийматдан олинган солик, акцизлар, экспорт ва импорт бўйича бож тўловлари, сувдан фойдаланиш тўловлари, ташқи муҳитни ифлослантирил-ганлиги ва чиқитларни чиқаргани учун тўланма, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар, бошқа соликлар, солик қонунларини бузилганлиги учун белгиланган иқтисодий огоҳлантиришлар ва маҳаллий бюджетга тўланмалар киради. Ҳар бир турдаги солик ставкалари Ўзбекистон Республикасининг солик кодекси ва Вазирлар маҳкамасининг маҳсус қабул қилинган қарорларидағи белгиланган ставкаларда амалга оширилади. Масалан, 1 тонна ифлослантирувчи чиқиндиларни атмосферага чиқарганлиги учун, уларнинг ҳар бир турига қараб тўловлар белгиланган. Жумладан, мебел растворители АМР-3 140 сўм, комбикорм, сулк чангларига 1260 сўм, свинец материалларига 42,000 сўм ва х.к..

Вазирлар Маҳкамасининг 490-сонли қарорига биноан, кичик корхоналар ва микро фирмаларнинг ягона солик ставкалари қўйидаги:

- савдо (умумовқатланиш ташкилотларидан ташқари) – 25%;
- натариус ва бошқа шу каби хусусий ташкилотлар – 25%;
- ягона ер солиги тугамайдиган қишлоқ хўжалиги корхоналари – 5%;
- бошқа иқтисодий ташкилотлар – 10% ставкада белгиланган.

Шунингдек, ягона ер солиги ҳар бир вилоятнинг ер таркиби, яъни 1-синф, чўл зоналари асосида, 1 гектарга тўғри келадиган суммаси асосида белгиланади.

Масалан,

- 1) Фарғона вилоятининг 1-синф таркибидаги ернинг 1 га.си – 1047,2 сўм, чўл зонаси – 26,3 сўм;

2) Хоразмда 1-синф – 902,9 сўм, чўл зонаси – 21,1 сўм ва х.к.

Вазирлар маҳкамасининг 490-сонли қарорига муюғиқ ҳар бир куб метр ишлатилган сув ресруслари учун саноат корхоналари ер устки манбаларига 272,4 тийин, ер ости манбалари учун 350,4 тийин, электр станциялар ер усти манбаларига 78,0, ер ости манбалари учун 116,4 тийин, майший хизмат корхоналари ер усти манбаларига 150,0, ер ости манбаларига 194,4 тийин, бошқа соҳа корхоналари учун, жумладан ягона ер солиғи тўламайдиган қишлоқ хўжалиги корхоналари 13,2 ва 16,8 тийин ҳажмда тўловлар бажаришликлари кўрсатилган, бошқа тўловлар тартиби ҳам маҳсус қарорда кўрсатилган.

Биз таҳлил қилаётган корхонада бюджетга ажратмалар қуидагича:

#### 24-Жадвал

#### Бюджетга тўловларнинг таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	Хисобланган сумма	Ҳақиқатда тўланган	Фарқи (+,-)
1	2	3	4=3-2
1. Мулқдан олинадиган солиқ	2606	2810	204
2. Фойдадан олинадиган солиқ	28575	28585	10
3. Ер солиғи	6956	6956	-
4. Қўшилган қиймат солиғи	49391	52926	3535
5. Акцизлар	-	-	-
6. Сувдан фойдаланганлик учун тўловлар	217	217	-
7. Экология солиғи	2933	2027	-906
8. Даромад солиғи	8081	7387	-694
9. Махаллий бюджетга тўловлар	2195	4454	2259
10. Бошқа ва солиқ қонунини бўлганлиги туфайли белгиланган иқтисодий огоҳлантиришлар учун тўловлар	138	138	-
Жами тўланмалар	101092	105500	4408

Маълумотларга кўра, таҳлил қилаётган корхонада ҳисбот йили хақиқатда 105 млн. 500 минг сўмлик маблағ бюджетга тўланган. Жами тўланмаларни фойдадан олинадиган солиқ, ер солиғи, Қўшилган қиймат солиғи, мулқ солиғи, даромад солиқлари эгаллайди. Ҳисобланган миқдорга нисбатан ҳақиқатда тўланган миқдор ўртасидаги фарқ 4 млн. 408 минг сўмни ташкил қилган. Жами тўланмалар бўйича ўртасидаги фарқ кўпайганлигига

сабаб, корхона ўз фаолияти давомида бюджетга тўловлар тўғри бажарилаётганлигига эътибор қаратилганлиги туфайли бўлган.

### **3.9. МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**

1. Йилнинг соф фойдаси деганда нима тушунилади?
2. Маҳсулотлар сотишдан кўрилган ялпи молиявий натижа қандай аниқланади?
3. Ялпи молиявий натижанинг ҳажмига қандай омиллар таъсир этади?
4. Асосий фаолиятнинг молиявий натижаси қандай аниқланади?
5. Давр харажатлари деганда нимани тушунасиз?
6. Молиявий фаолиятнинг фойдаси қандай аниқланади?
7. Молиявий фаолиятнинг харажатларига қандай сарфлар киради?
8. Фавқулотдаги фойда ва заарлар деганда нима тушунилади?
9. Йилнинг соф фойдаси қандай тақсимланади?
10. Бюджетга қандай тўловлар амалга оширилади?

### **3.10. МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.**

1. Ўйидаги таянч ибораларга тушунчалар ёзинг.

- Фойда;
- Махсулот сотишдан ялпи молиявий натижа;
- Махсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи;
- Сотиш билан боғлиқ харажатлар;
- Асосий фаолиятнинг молиявий натижаси;
- Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси;
- Фавқулоддаги фойда ёки зарар;
- Солиқ тўлангунга қадар фойда;
- Йилнинг соғ фойдаси;
- Мол-мулк солиги;
- Фойдадан тўланадиган солиқ.

2. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини таҳлил

қилинг.

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТҮГРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

1 январдан \_\_\_\_\_ 2001 \_\_ йилга

Корхона, ташкилот “Алишер Навоий” АЖ

Тармоқ (фаолият турі) \_\_\_\_\_

Давлат мулкини бошқариш органдырылған салынында

Кодлар	
ОКУД бүйича 2-шакл	0710002
Сана (йил, ой, кун)	
ОКПО бүйича	00276898
ОКНХ бүйича	15271
ОКПО бүйича	00276898
Назоратдаги сумма	

Үлчов бирлиги, минг сүм

Манзилгоҳ

Жүннатилган сана	
Қабул қилингандай сана	
Топшириш муддаты	

Күрсаткышлар	Сатр коди	Үтгән йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)
1	2	3	4	5	6
Махсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум	010	444156	x	491303	X
Күшилган қиймат солиғи	020	X	63857	x	75953
Акцизлар	030	X	-	x	-
	040	X	-	x	-
Сотишдан олинган соғ тушум 010-020-030-040	050	380299	x	415350	X
Сотилган махсулот иш ва хизматларнинг ишлаб чиқарыш таннархи	060	X	217611	x	246982
Сотишдан тушган ялпи молиявий натижка 050-060	070	162688		168368	
Сотиши харажатлари	080	X	1164	x	610
Маъмурий харажатлар	090	X	83587	x	172008
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлари ва харажатлари	100	23609	48963	30650	5801
Асосий ишлаб чиқарыш фаолиятнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) 070-080-090-100	110	52583		20599	
Уюшма ва шұйба корхоналаридан олинган дивидентлар	120	1825	x	835	X
Бошқа олинган дивидентлар	125		x	73	X
Уюшма ва шұйба корхоналаридан олинган ва берилген қарзлар бүйича фоизлар	130				
Бошқа тұланған ва олинган фоизлар	135	1363		2211	39
Валюта курс фарки	140	3982	1025	2016	968
Молиявий фаолият бүйича бошқа даромад ва харажатлари	145	11549	394	18908	-
Умумхұжалик фаолиятнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) 110+120+125+130+135+140+145	150	69883		43635	
Фавқулотдаги фойда ва зарар	160				
Солик тұланғанга қадар умумий молиявий натижка 150-180	170	69883		43635	
Фойда (даромад) дан солиқ	180	x	15520	x	34620

Юкоридаги моддаларга кирмайдиган бошка солиқ ва ажратмалар	190	x	26253	x	736
Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) 170-180-190	200	28105		8279	

## БЮДЖЕТГА ТҮЛАНМАЛАР ТҮҒРИСИДА МА'ЛУМОТ

Кўрсаткичнинг номи	Сатр коди	Ҳисобланган миқдор	Хақиқатда тўланган
Мулқдан олинадиган солиқ	210	5931	4917
Фойда (даромад)дан олинадиган солиқ	220	34620	44180
Ер солиги (ер учун тўланма)	230	24354	24354
Қўшилган қийматдан олинадиган солиқ	240	64181	72955
Акцизлар	250	-	
Экспорт бўйича бож тўловлари	260	-	
Импорт бўйича бож тўловлари	270	-	
Сувдан фойдаланиш тўловлари	280	170	167
Ташки мухитни ифлослантирадиган чиқиндиларни чиқаргани учун тўланма	290	2875	3954
Табият ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар	300		
Даромад солиги	310	46098	37488
Бошка соликлар	320		
Солиқ қонунчилигин бузилиши туфайли белгиланган иқтисодий огоҳлантиришлар	330		
Махаллий бюджетга тўланмалар	340	736	1574

3. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларига асосланиб фирманинг зарар кўрмаслик нуқтасини аниқланг.

4. «А. Навоий» АЖда қўйидаги ўзгаришлар бўлганда йилнинг соф фойдаси қанча бўлади?

А) соф тушум 200минг сўмга кўпайди, сотиш харажатлари 39 минг сўмга кўпайди, маъмурий харажатлар 56 минг сўмга кўпайди, тўланган дивидентлар 16 минг сўмга ошса;

Б) соф тушум ўзгармаган ҳолда сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи 400 минг сўмга қимматлашди, маъмурий харажатлар 100 минг сўмга тежалди, валюта курсининг ижобий ўзгариши 87 минг сўмни ташкил этса.

## **IV Боб**

### **ФИРМАЛАР ФАОЛЛИГИ ВА РЕНТАБЕЛЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ**

---

- 4.1. ТАҲЛИЛНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАСИ ВА МАНБАЛАРИ.**
- 4.2. ФИРМА ВА КОМПАНИЯЛАРНИНГ БОЗОР ШАРОИТИДАГИ  
ФАОЛЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА  
УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.**
- 4.3. РЕНТАБЕЛЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 4.4. ФИРМА ВА КОМПАНИЯЛАРНИНГ КРЕДИТГА  
ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ.**
- 4.5. ФИРМА ВА КОМПАНИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ  
НОЧОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ВА УНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 4.6. МАВЗУНИ ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**
- 4.7. МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.**

#### **4.1. ТАҲЛИЛНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАСИ ВА МАНБАЛАРИ.**

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатларга чидамли, фойда кўриб иш юритиш фирма ва компаниялар олдидаги муҳим вазифадир. Айниқса, бошқа ташкилотлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб ишларини юритиш, бюджет олдидаги мажбуриятларни бажариш ва ишчи-хизматчиларнинг меҳнатига етарли миқдорда ҳақ тўлашни ташкил этиш корхонанинг фаоллиигига, олган фойдасининг хажмига ва рентабеллик иш юритишига боғлиқдир.

Молиявий таҳлилда фирма ва компанияларнинг фаоллиигиги ва рентабеллилик кўрсаткичларини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки уларнинг фаоллиги мулкларнинг ҳаракатчанлигига, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳолатида, моддий ва молиявий бойликларнинг ишлатилишида, ўзига қарашли маблағларнинг кўплигига ва самарали фойдаланаётганлигига кўринади.

Таҳлилнинг мазмуни фирма ва компанияларни молиявий ҳолатини чуқурроқ ўрганиш мақсадида мулк ва маблағларнинг ҳаракати, улардан оқилона фойдаланганлик, рентабеллилик каби муҳим иқтисодий кўрсаткичларни ўрганишга, акцияларнинг фойда келтириш, девидентлар олиш имкониятларини аниқлашга қаратилган.

Фирма ва компанияларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги фаоллиги ва рентабеллилиги таҳлил этишнинг муҳим вазифалари бўлиб:

- Фаолликни билдирувчи муҳим кўрсаткич сифатида мол-мулк ва активларнинг айланишини ўрганиш;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳолатига баҳо бериш;
- Ўзлик капиталларининг айланишини текшириш;
- Қимматбаҳо қоғозлар ва акцияларнинг даромадлилиги даражасини ҳисоблаш;
- Махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш;

- Фирма ва компаниялар фаоллигини ва рентабеллигини ошириш бўйича имкониятларни аниклаш ва ҳ.к.

Бу вазифаларни ҳал этишда фойдаланиладиган асосий манбалар бўлиб, фирма ва компанияларнинг “Молиявий ҳисобот” шаклларидағи маълумотлар, биржадаги қимматбаҳо қоғозлар баҳосининг ўзгариши тўғрисидаги ахборотлар ва шу каби бошқа маълумотлардан фойдаланилади.

## **4.2. ФИРМА ВА КОМПАНИЯЛАРНИНГ БОЗОР ШАРОИТИДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КҮРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАХЛИЛИ.**

Бозор иқтисодиётiga тааллукли адабиётларда фирма ва компанияларнинг фаоллигини ифодаловчи күрсаткичлар сифатида қуидагилар келтирилган:

<b>1. Активларнинг айланиши</b>	=	<b>Маҳсулотлар сотишдан соф тушум</b>
		<b>Активларнинг йиллик ўртача қиймати</b>
<b>2. Ўзига қарашли капиталлар айланиши</b>	=	<b>Маҳсулотлар сотишдан соф тушум</b>
		<b>Ўзлик маблағлар манбалари</b>
<b>3.Ишлаб чиқариш захираларнинг айланиши</b>	=	<b>Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннахи</b>
		<b>Ишлаб чиқариш захиралари йиллик ўртача қиймати</b>
<b>4.Узоқ муддатли активларнинг айланиши</b>	=	<b>Маҳсулотлар сотишдан соф тушум</b>
		<b>Узоқ муддатли активларнинг йиллик ўртача қиймати</b>
<b>5. Дебиторлик қарзларининг айланиши</b>	=365:	<b>Маҳсулотлар сотишдан соф тушум</b>
		<b>Ҳаридорларнинг соф дебиторлик қарзлари йиллик ўртача қиймати</b>
<b>6. Кредиторлик қарзларнинг айланиши</b>	=365:	<b>Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннахи</b>
		<b>Мол етказиб берувчиларга бўлган қарзлар</b>
<b>7. Битта акция ҳисобига олинган фойда</b>	=	<b>Йилнинг соф фойдаси</b>
		<b>Муомаладаги акциялар сони</b>
<b>8. Битта акциянинг баланс баҳоси</b>	=	<b>Акционерлик капитал қиймати - Имтиёзли акциялар</b>
		<b>Муомаладаги оддий акциялар сони</b>
<b>9. Акциянинг бозор баҳоси ва битта акция ҳисобига олинган фойда ўртасидаги нисбат</b>	=	<b>Битта акциянинг бозор баҳосидаги қиймати</b>
		<b>Битта акция ҳисобига олинган фойда</b>
<b>10. Девидент даромад</b>	=	<b>Битта акция ҳисобига олинган дивиденд</b>
		<b>Битта акциянинг бозор баҳосидаги қиймати</b>

Бу күрсаткичларни қатор йиллар маълумотлари асосида ўрганиш фирмава компанияларнинг фаоллиги қандайлигини таҳлил қилиш имконини яратади.

**25-Жадвал.****Фирманинг фаоллиги таҳлили**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳисобот йил</b>	<b>Фарқи (+,-)</b>
1. Активларнинг айланиш коэффиценти	2.12	2.71	+0.59
2. Ўзига қарашли капиталларни айланиш коэффиценти	2.96	3.48	+0.52
3. Ишлаб чиқариш захираларини айланиш коэффиценти	2.87	4.17	+1.3
4. Узоқ муддатли активларни айланиш коэффиценти	8.51	11.83	+3.32
5. Дебиторлик қарзларни айланиш куни.	12.6	21.8	+9.2
6. Кредиторлик қарзларни айланиш куни	48.4	28.3	-20.1
7. Битта акция ҳисобига олинган фойда, сўм	0.9	1.32	0.42
8. Битта акциянинг баланс баҳоси, сўм.	100	100	-
9. Акциянинг бозор баҳоси ва битта акция ҳисобига олинган фойда ўртасидаги нисбат	1.11	0.76	-0.35
10. Дивиденд даромад, сўм	0.14	0.36	+0.22

25-жадвал маълумотларидан кўринадики, фирманинг фаоллиги ўтган йилга нисбатдан ортган. Айниқса активларни айланиши 0.59 коэффицентга, ўзига қарашли капиталларнинг айланиши 0.52 коэффицентга, захираларнинг айланиши эса 1.3 коэффицентга, узоқ муддатли активларнинг айланиш коэффиценти эса 3.32 га кўпайган. Бу холат фирма учун ижобий деб қаралиши лозим.

Дебитор қарзларнинг айланиш 9.2 кунга узайганлиги қарз-ларни ундиришнинг муддатини узаётганидан далолат беради. Бу салбий холатларга олиб келиши мумкин. Кредиторлик қарзларининг қайтариш муддатининг ўтган йилга нисбатдан 20 кунга қисқарганлиги ҳисоб-китоб тартиб интизомига риоя қилинаётган-лигини билдиради.

#### **4.3. РЕНТАБЕЛЛИК КҮРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.**

Фирма ва компанияларнинг фаолиятини якуни рентабеллик-иктисодий самарадорлик кўрсаткичидаги ифодаланади. Бозор иктисодиёти шароитида рентабеллик фойда олиш даражаси, сарфланган харажат ёки капитал ҳисобига тўғри келадиган фойда хажмини белгилайди. Жаҳон тажрибасида рентабелликни «молиявий соғломлик» деб қабул қилинган ва уни аниқлашда кўп кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Ҳар бир кўрсаткич маълум мазмун берабер, рентабеллик ҳақидаги маълумотни тўлдиради.

Иктисодий адабиётларда рентабелликни аниқлашнинг қуидаги йўллари келтирилган:

<b>1. Мол-мулкнинг рентабеллиги</b>	=	<b>Йилнинг соф фойдаси (Шакл-<sup>12</sup>)</b>
		<b>Баланснинг жами (Шакл-<sup>11</sup>)</b>
		<b>Сотишдан тушган соф соливий натижа (Шакл-<sup>12</sup>)</b>
<b>2. Маҳсулот (иш,хизмат)лар сотиши бўйича рентабеллик</b>	=	<b>Сотилган маҳсулот (иш,хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи (Шакл-<sup>12</sup>)</b>
		<b>Йилнинг соф фойдаси (Шакл-<sup>12</sup>)</b>
<b>3. Соф рентабеллик</b>	=	<b>Сотишдан олинган соф тушум (Шакл-<sup>12</sup>)</b>
		<b>Йилнинг соф фойдаси (Шакл-<sup>12</sup>)</b>
<b>4. Умумий рентабеллик</b>	=	<b>Асосий воситаларнинг + Ишлаб чиқариш йиллик ўртача қиймати захираларининг йиллик ўртача қиймати(Шакл-<sup>11</sup>)</b>
		<b>Йилнинг соф фойдаси (Шакл-<sup>12</sup>)</b>
<b>5. Ўзига қарашли капиталнинг рентабеллиги</b>	=	<b>Ўзлик маблағлар манбаси (Шакл-<sup>11</sup>)</b>
		<b>Йилнинг соф фойдаси (Шакл-<sup>12</sup>)</b>
<b>6. Асосий воситаларнинг эскириш қиймати рентабеллиги</b>	=	<b>Асосий воситаларнинг эскириш қиймати (Шакл-<sup>11</sup>)</b>
		<b>Йилнинг соф фойдаси (Шакл-<sup>12</sup>)</b>
<b>7. Битта акциянинг рентабеллиги</b>	=	<b>Муомаладаги акциялар сони (Шакл-<sup>15</sup>)</b>

Рентабелликни ўрганишни янада тўлдирувчи қўшимча кўрсаткичлари ҳам мавжуд, булар қуидагилар:

		<b>Амортизация ажратмаси + Соф фойда</b>
<b>A) Соф тушум даражаси</b>	=	<b>Жами тушум</b>
<b>Б) Янгидан яратилган қиймат даражаси</b>	=	<b>Ялпи даромад</b>
<b>В) Активларнинг айланиши</b>	=	<b>Таннарх ёки тушум</b>
<b>Г) Узок муддатли молиявий жамғармалар рентабеллиги</b>	=	<b>Жами тушум (солиқ айрилади)</b>
		<b>Баланснинг жами</b>
		<b>Қийматли қоғозлардан ва ҳамкорликда қатнашишдан даромад</b>
		<b>Узок муддатли моливий жамғармалар</b>

Бу кўрсаткичларни ўрганиш фирма ва компанияларнинг рентабеллик даражаси, иқтисодий самарадорлиги, қўшимча олинган қиймат ва жамғармалардан оқилона фойдаланганлигини баҳолашга ёрдам беради.

#### 26-Жадвал.

#### **Рентабеллик кўрсаткичларини таҳлили.**

(минг сўм хисобида)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Хисобот йил</b>	<b>Фарки (+,-)</b>
1. Хисобот давридаги соф фойда	31706	46571	+14865
2. Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа	89664	146964	+57300
3. Сотишдан тушган соф тушум	263809	440274	+176465
4. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи	174145	293310	+119165
5. Асосий ишлаб чиқариш воситалари	67937	69991	+2054
6. Моддий айланма маблағлар	60606	70343	+9737
7. Жами мол-мулк	124575	162354	+37779
8. Ўзлик маблағларнинг манбалари	89035	126582	+37547
9. Асосий воситаларнинг эскириши	38698	44548	+5850
10. Мол-мулкнинг рентабеллиги	0.25	0.29	+0.04
11. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш бўйича рентабеллик	1.51	1.50	-0.01
12. Соф рентабеллик	0.12	0.11	-0.01
13. Умумий рентабеллик	0.25	0.33	+0.08
14. Ўзига қарашли капиталнинг рентабеллиги	0.36	0.37	+0.01
15. Асосий воситаларнинг эскириш рентабеллиги	0.82	1.05	+0.17

Фирманинг рентабеллик кўрсаткичлари ўтган йилга нисбат-дан турлича ўзгаришда бўлган. Мол-мулк, умумий, ўзига қарашли капиталга нисбатдан рентабелликлар ўтган йилга қараганда ижобий ўзгаришда, қолган турдаги

рентабелликлар, яъни маҳсулот сотиши бўйича ва соғ рентабелликлар эса 0.01 коэффицентга камайганлиги қўриниб турибди. Ҳозирги шароитда фойда олиб ижобий рента-белликка эришганликнинг ўзи мақтovга сазовор холдир.

#### **4.4.ФИРМА ВА КОМПАНИЯЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 16 март 1999 йил 675-сон билан рўйхатга олинган ва Марказий банк томонидан 26 декабр 1998 йил № 330 буйруқ билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларига қисқа муддатли кредит бериш тартиби тўғрисидаги Низом» га қўра қарз сўровчи фирма ва компанияларни кредитга лаёқатлилигини аниқлаш тартиби кўрсатилган. Ушбу Низомга қўра фирма ва компанияларнинг молиявий ҳисботлари маълумотларига асосланиб қўйидаги муҳим кўрсаткичлар ўрганилиши лозимлиги таъкидланган:

$$\text{1. Қопланиш коэффициенти (Кк)} = \frac{\text{Кисқа муддатли ликвид маблағлар}}{\text{Кисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Кисқа муддатли ликвид маблағларга жорий счётдаги пул маблағлар, валюта маблағлар, кассадаги пуллар, қайтариш муддати 3 ойгача бўлган қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, дебиторлар: мол етказиб берувчи ва ҳаридорлар билан ҳисоблашишлар, аванс тўловлари бўйича ҳисоблашишлар, бюджет билан ҳисоблашишлар, ҳодимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишлар, уюшган ва шўъба корхоналар билан ҳисоблашишлар ва дебиторлар киради.

Кисқа муддатли мажбуриятларга эса: қисқа муддатли қарз ва кредитлар, мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар, бюджетга бўлган қарз, меҳнат ҳақи юзасидан қарзлар, ижтимоий сугурта ва ижтимоий таъминот бўйича қарзлар, бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар, уюшган ва шўъба корхоналарига бўлган қарзлар ва бошқа кредиторлар киради.

Фирма ва компанияларнинг узок муддатга олган қарз ва кредитларни қайтариш муҳлати 3 ойдан кам қолган бўлса бундай мажбуриятлар ҳам қисқа муддатли деб қаралиши мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб қопланиш коэффициентининг кенгайтирилган формуласи қўйидагича бўлиши мумкин:

$$K_k = \frac{\text{Пул маблағлар} + \text{Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар} + \text{дебиторлар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Бу коэффициент 2 дан катта бўлганда фирмаларни молиявий ҳолати мувафақиятли деб баҳоланади ва бундай корхоналарга қарз бериш ишончлидир.

Кредитга лаёқатлилигини ўрганишда ликвидлик (чаққон ҳаракатчанлик) коэффициентини аниқлаш ҳам талаб этилади. Уни аниқлаш тартиби қўйидаги формулада келтирилган:

$$2. \text{Ликвидлик} \quad \frac{\text{Пул маблағлар} + \text{Осон сотилувчи талабномалар}}{\text{коэффициенти} \quad \text{-----} \quad \text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}} \\ (Lk)$$

Осон сотилувчи талабномалар дейилганда қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва дебитор қарзлар тушунилади, фақат балансдаги бошқа дебиторлар банди бунга кирмайди.

Ликвидлик коэффициенти қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашга фақат пул маблағларигина эмас жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳаридорлардан тушиши кутилаётган маблағларнинг етарлилиги ёки етишмаслигини кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлик маблағлар манбаси билан таъминланганлик ҳолатини ўрганиш ҳам кредитга лаёқатлилигига баҳо беришда эътиборга олинадиган муҳим кўрсаткичdir. Бу кўрсаткични молиявий мустақиллик деб ҳам аташ мумкин ва аниқланиш тартиби қўйидагича:

$$3. \text{Ўзлик маблағлар манбаси билан} \quad \frac{\text{Ўзлик маблағлар манбалари}}{\text{таъминланганлик коэффициенти (УзМк)} \quad \text{-----} \quad \text{Балансни пассивини жами}}$$

Ўзлик маблағларнинг манбасига устав, қўшилган ва резерв капиталлар тақсимланмаган фойда, мақсадли тушум ва фонdlар, келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари киради. Бу коэффициент 0,3 дан кам бўлмаслиги лозим, акс ҳолда кредитни қайтариш имконияти камаяди ва хавф-ҳатар (risk) кучаяди. Молиявий мустақиллик коэффициенти

0,6 дан юқори бўлган фирма ва компанияларда кредитнинг қайтарилиш имконияти юқори бўлади ёки кредитнинг қайтарилиш хавфи минимумга келтирилган деб баҳоланади.

Кредитга лаёқатлилигини ўрганишда қўшимча равишда ўзига қарашли айланма маблағлар манбаси билан таъминланганлик кўрсаткичи ҳам эътиборга олинади. Бу маълумот қўйидагича аниқланади:

Баланс маълумотлари бўйича айланма маблағларга тегишли ўзлик манбалар манфий сон чиқса яъни ўзлик маблағлар манбасига нисбатан узоқ муддатли активлар кўп бўлса бундай баланс ноликвид деб ҳисобланади ва кредит сўровчи хўжалик субъектига қарз берилмайди.

Фирма ва компанияларнинг айланма маблағларини айланишини ўрганиш орқали ҳам кредитга лаёқатлилигини белгиловчи кўрсаткичлар янада тўлғазилади. Кредитга лаёқатлилигини аниқлаш Низомига кўра айланма маблағларнинг айланиш ҳолати куйидаги 2 та кўрсаткичда ҳисобланилиши тавсия этилган.

**А) Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти** = **Сотишдан тушган соғ тушум**  
-----  
**Айланма маблағларнинг йиллик ўртача қолдиғи**

**Б) Айланма маблағларнинг айланиш куни** = **Айланма маблағларнинг ийллик ўртача қолдиғи** x **Хисобот давридаги кун**

---

**Сотишдан тушган соғ түшум**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ барча қарз сўровчилар 4 та табақага молиявий кўрсаткичларига қараб ажратилиши мумкин.

**27-Жадвал.**

**Кредитга лаёқатлилигини аниқловчи мезонлар**

<b>№</b>	<b>Коэффициентларнинг номланиши</b>	<b>1 табака</b>	<b>2 табака</b>	<b>3 табака</b>	<b>4 табака</b>
1.	Қопланиш коэффициенти	катта>2	2<K>1	1<K>0.5	0.5< кичик
2.	Ликвидлик коэффициенти	катта>1.5	1.5<K>1	1.0>кичик	Ликвид маблағи бұлмаганда
3.	Молиявий мустақиллилік коэффициенти	катта>60	60<K>30	30>кичик	Баланс ноликвид

Юқорида таҳлил қилинаётган фирма молиявий хисоботи маълумотларига асосланиб, унинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаймиз.

**28-Жадвал.**

**Хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш**

<b>№</b>	<b>Коэффициентлар номи</b>	<b>Ўрганилаётган даврлар</b>			
		<b>I чорак</b>	<b>ярим йиллик</b>	<b>9 ойлик</b>	<b>Йиллик</b>
1.	Қопланиш коэффициенти	0.9	0.93	1.24	1.53
2.	Ликвидлилік коэффициенти	0.82	0.88	1.17	1.47
3.	Молиявий мустақиллилік коэффициенти	0.65	0.7	0.74	0.8
4.	Ўзига қарашли айланма маблағлар манбаси	0.45	0.47	0.51	0.55
5.	Рентабеллілік	0.23	0.25	0.28	0.33
6.	Тўланмаган: А) банк ссудаси бўйича Б) хисоблашиш хужжатлари бўйича	- -	- -	- -	- -
7.	Айланма маблағларнинг айланиши: А) айланиш коэффиценти Б) айланиш куни	4.0 90.1	4.4 82.7	5.1 70.6	6.3 57.5

Марказий банкнинг хўжалик юритиш субъектларининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш мезонлари билан 30-жадвалдаги маълумотларни таққосланса қопланиш, ликвидлик коэффиценлари ва молиявий мустақиллик коэффицентлари бўйича фирма иккинчи табака шартларига мос келади. Демак, биз таҳлил қилган фирма кредитдан фойдаланишга хақли ва қарзни қайтаришга лаёқатлидир.

#### **4.5. ФИРМА ВА КОМПАНИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ВА УНИ ТАҲЛИЛИ.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси қошидаги иқтисодий ночор корхоналар билан ишлаш комиссияси фирма ва компанияларни иқтисодий ҳолатига баҳо бериш ҳамда уларни ночор (банкрот) деб белгилаш учун ўрганилиши лозим бўлган кўрсаткичлар ҳақида йўриқнома (тавсиянома) ишлаб чиқдилар. Бу тавсияномага мувофиқ молиявий ҳисбот маълумотларидағи кўрсаткичларни ўрга-ниб, фирма ва компанияларнинг иқтисодий ҳолатини: а) молиявий барқарор, б) молиявий ҳавф-хатари бор, в) молиявий нобарқарор гурӯҳларга ажратилиши мўлжалланган.

Фирма ва компанияларнинг иқтисодий ҳолатига баҳо беришда қуйидаги коэффициентларни аниқлаш ва ўрганиш лозимлиги таъкидланган.

- Тўлов қобилият ёки қопланиш коэффициенти (Кт);
- Молиявий мустақиллиллик коэффициенти (Км);
- Ўзига қарашли айланма маблағлар манбаси билан таъминланганлик коэффициенти (Камм);
- Қарз ва ўзига қарашли маблағлар ўртасидаги нисбат коэффициенти (Куз/к);
- Активларнинг рентабеллик коэффициенти (Кар);
- Кувватлардан фойдаланганлик коэффициенти (Кқ);
- Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти (Кав);
- Муддати ўтган кредиторлик қарзларнинг мавжудлик ҳолати.

Бу коэффициентларнинг ўрганиш орқали фирма ва компанияларни молиявий ҳолатига, иқтисодий ночорлик белгиларининг бор ёки йўқлигига ҳамда банкрот деб эълон қилиш қарорларини қабул қилиш саволларига жавоб олиш мумкин.

Иқтисодий ночорликни белгилашда фойдаланиладиган ҳар бир коэффициент учун қуи чегаралар нормативи ушбу тавсияномада келтирилган.

Тўлов қобилияят ёки қопланиш коэффициентини аниқлаш қўйидагича тавсия этилган:

$$K_{t} = \frac{\text{Оборот активлар (A2)}}{\text{Мажбуриятлар (П2-(Узқ+Қк+Ав)}}$$

Бунда:

П2 – баланснинг иккинчи бўлим пассиви ёки 540 сатри;

Узқ - Узоқ муддатли қарз ва кредитлар ёки баланснинг 400+410 сатри;

Қк - Қисқа муддатли қарз ва кредитлар ёки баланснинг 420+430 сатри;

Ав – Буюртмачи ва харидорлардан олинган аванслар ёки баланснинг 440 сатри;

Ушбу коэффициент ҳисобот йилнинг охирига 1 дан кичик бўлганда корхона иқтисодий начор деб қаралади.

Молиявий мустақиллилик коэффициенти аввалги бобларда кўрсатилганидек, ҳамда иқтисодий начорликни аниқлаш тартибига кўра:

$$K_{m} = \frac{P1}{Bj}$$

Бунда:

P1 - Ўзлик маблағлар манбаси ёки баланснинг 390 сатри;

Bj – Баланснинг жами ёки 310, 550 сатрлар.

Молиявий мустақиллик коэффициенти 0.5 дан кичик бўлганда фирма ва компаниялар начор деб ҳисобланади.

Ўзига қарашли айланма маблағлар манбалари билан таъминланиш қўйидагича аниқланиш лозимлиги кўрсатилган:

$$K_{amm} = \frac{(P1+Uzq)-A1}{A2}$$

Бунда:

A1 – Узоқ муддатли активлар ёки баланснинг биринчи бўлим активини жами, 110 сатр;

A2 – Оборот активлар, күпчилик ҳолатда захира ва ҳаражатлар тушунилиб балансни иккинчи бўлим активидаги 120+...+160 сатрлар йифиндиси. Бу коэффициент 0.1 дан кичик бўлмаслиги тавсия этилган, акс ҳолда молиявий начор (банкрот) деб қаралади.

Ўзига қарашли ва қарз маблағлар ўртасидаги нисбат коэффициентини аниқлаш тартиби қуйидагicha:

$$Куз/к = \frac{П1}{П2-Узк}$$

Бунда:

П1-Ўзлик маблағларнинг манбалари ёки балансни 390 сатри;

П2 – Мажбуриятлар ёки баланснинг 540 сатри;

Узк – Узоқ муддатли қарз ва кредитлар ёки балансни 400+410 сатрлари;

Ушбу коэффициент 2 дан кичик бўлса иқтисодий начор деб қаралади.

Активларнинг рентабеллик коэффициентини аниқлаш тартиби:

$$Кар = \frac{СтФ}{Бж}$$

Бунда:

СтФ – солиқ тўлагунга қадар фойда ёки «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-шакл) нинг 170-сатри;

Бж – баланснинг жами ёки 310, 550 сатрлар;

Активларнинг рентабеллик коэффициенти нолдан катта, яъни манфий сон бўлиши лозим, акс ҳолда фирма ва компаниялар зарар олсалар иқтисодий начор деб қаралади.

Кувватлардан фойдаланганлик коэффициенти:

$$Кк = \frac{Кх}{Кл-(Ки+Кк)}$$

Бунда:

Кх - Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар қиймати;

Қл - Лойиҳа бўйича максимал ишлаб чиқарилиш мумкин бўлган маҳсулотлар ҳажми;

Қи – Ижарага берилган қувватлардаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми;

Қк – Давлат органлари қарори билан бузишга мўлжалланган (законсервация) қувватлардаги ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳулотлар ҳажми.

Агарда қувватлардан фойдаланганлик коэффициенти 0.5 дан кичик маълумотни ташкил этса иқтисодий начор деб қаралади.

Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти:

$$К_{ав} = \frac{\mathcal{E}}{A_{av}}$$

Бунда:

Э – Асосий воситаларнинг эскирган қиймати ёки бухгалтерия балансининг 011 сатридаги маълумот;

Ав - Асосий воситаларнинг бошлангич қиймати ёки баланснинг 010 сатри.

Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти 0.05 дан кичик бўлганда иқтисодий ҳолат начор деб қаралади.

Муддати ўтган кредиторлик қарзларнинг ҳолатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 16 июн 1998 йилги 79-сонли Қарори билан тасдиқланган «Молиявий – иқтисодий ҳолат бўйича маълумотнома» шаклидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда аниқланади.

Юқорида келтирилган коэффициентларнинг натижасига қараб иқтисодий начорликни аниқлаш тартибига кўра фирма ва компаниялар:

А) Банкротлик арафасида;

Б) Шартли банкрот деб эълон қилиниши мумкин.

Банкротлик арафасида деб ҳисобланилиши учун:

Кт<1 , Камм<0.1, Кар<0.05 teng бўлиши мўлжалланган.

Шартли банкрот бўлиши учун эса:

$K_t < 1$ ,  $K_{amm} < 0.1$ ,  $K_{ap} < 0$  ёки

$K_t + K_{amm} + K_{ap} < 0$ .

Фирма ва компанияларнинг иқтисодий ночорлигини белгиловчи коэффициентлар натижаларига қараб молиявий соғлом, бақарор, иқтисодий ночор, банкрот (касот) корхоналарга ажратиш мумкин. Иқтисодий ночор корхоналар таркибига қуидагилар саналмайди:

1. Кредит ҳисобига янги фаолият кўрсатишни бошлаган ёки қайтадан ташкил этилган корхоналар.
2. Стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар.
3. Датация (давлат маблағи) ҳисобига, режали – зарап билан ишлаш мўлжалланган корхоналар.

Иқтисодий ночорликни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун 1999 йил 1 апрелдан бошлаб қўлланила бошланди.

#### **4.6. МАВЗУНИ ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**

1. Фирманинг фаоллиги нималарда намоён бўлади?
2. Маблағларнинг айланиши қандай таҳлил қилинади?
3. Мол-мулкнинг айланиши қандай аниқланади?
4. Ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳаракати қандай таҳлил қилинади?
5. Битта акция ҳисобига олинган фойда деганда нима тушунилади?
6. Акциянинг бозор ва баланс баҳоси қандай аниқланади?
7. Соф рентабеллик қандай таҳлил қилинади?
8. Умумий рентабеллик таҳлилида нималар ўрганилади?
9. Кредитга лаёқатлилик мезонлари нималар?
- 10.Фирма ва компанияларнинг кредитга лаёқатлилиги қандай аниқланади?
- 11.Иқтисодий начорлик белгилари нималарда кўринади?
- 12.Фирма ва компанияларнинг иқтисодий начорликдан қутултириш йўллари нималардан иборат?

#### **4.7. МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.**

1. Қуидаги таянч ибораларга тушунчалар ёзинг.
  - Фирманинг фаоллиги;
  - Активларнинг айланиши;
  - Дебиторлик қарзларининг айланиши;
  - Кредиторлик қарзларининг айланиши;
  - Рентабеллик кўрсаткичлари;
  - Маҳсулот сотиш бўйича рентабеллик;
  - Ўзлик маблағларининг рентабеллиги;
  - Мажбуриятлардан фойдаланиш рентабеллиги;
  - Кредитга лаёқатлилик;
  - Молиявий барқарорлик;
  - Молиявий начорлик;
  - Банкротлик;
2. Молиявий - иқтисодий ҳолат бўйича маълумотларни таҳлил қилинг.

## МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ БҮЙИЧА МАЪЛУМОТНОМА

2001-йил 1-январ ҳолатига

Корхона, ташкилот “Алишер Навоий” АЖ

Асосий ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари

(иш ва хизматлар)

Ишлатиладиган хом-ашё турлари

Давлат мулкини бошқариш органи

Манзилгоҳ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Хисобот даври бошига	Хисобот даври охирига
1	2	3	4	5
Мулқдаги давлат улуши	010	%	36	36
Жами ишловчилар сони	020	киши	1270	1161
Шу жумладан: маъмурӣ бошқарув ходимлар сони	030	киши	130	116
Асосий маҳсулот турларига таъминланган талаб	040	%	100	100
Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш	050	%	72	86
Умумий сотилган маҳсулотдан экспорт қилинганининг жами	070	%	2,2	2,5
Шу жумладан: МДҲ мамлакатларига	080	%	2,2	2,5
Узоқ хориж мамлакатларига	090	%	-	-
Хом ашё манбаи шу жумладан: маҳаллий	100	%	90	
четдан	110	%	10	
Жами муддати ўтган кредиторлик қарзлари	120	минг сўм	-	-
шундан муддати 3 ойдан ўтгани-нинг жами	130	минг сўм	-	-
шу жумладан: е т.ч. бюджетдан	140	минг сўм	-	-
бюджетдан ташқари фонdlардан жами	150	минг сўм	-	-
мол етказиб берувчилардан	160	минг сўм	-	-

Рахбар \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

## **V Бөб**

# **АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲОЛАТИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАҲЛИЛИ**

---

- 5.1. ТАҲЛИЛ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ.**
- 5.2. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ТАРКИБИ, ТУЗИЛИШИ ВА  
ДИНАМИКАСИННИНГ ТАҲЛИЛИ.**
- 5.3. ТЕЗЛАШГАН АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ ВА УЛАРНИ  
ФОНД ҚАЙТИМИГА ТАЪСИРИ.**
- 5.4. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИНГ  
ТАҲЛИЛИ**
- 5.5. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН ТАЪМИЛАНГАНЛИК ВА  
ҚУРОЛЛАНГАНЛИКНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 5.6. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН САМАРАЛИ  
ФОЙДАЛАНГАНЛИКНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 5.7. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖИҲОЗЛАРИНИ ВАҚТИ ВА ҚУВВАТИ  
БҮЙИЧА ФОЙДАЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ.**
- 5.8. МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**
- 5.9. МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.**

## **5.1. ТАҲЛИЛ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ.**

*Асосий воситалар (фондлар) ишилаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида қаралиб улар ёрдамида бевосита меҳнат предметлари ва меҳнат кучлари бирикувидан маҳсулотлар ишилаб чиқарилади, ишилар бажарилади ва хизматлар кўрсатилади.*

Асосий воситалар деб ишлаб чиқариш циклида бир неча бор қатнашиб ўзининг қийматини яратилаётган маҳсулотларга қисман-қисман ўтказувчи ҳамда физик шаклини сақлаб қолувчи меҳнат воситаларига айтилади.

Асосий воситалар ёки воситаларни таркиблашда жаҳон ва республика ҳисоб белгиловига мувофиқ қуидаги иккита жиҳат мезон сифатида олинган. Биринчиси уларнинг қиймат ифодаси, иккинчиси – хизмат муддати.

Ассосий воситаларнинг қиймат ифодаси унинг кам баҳоли тез эскирувчи буюмлардан фарқланиш чегарасини характерлайди. Бу ифода Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1994 йил 21 апрелдаги 167-сонли қарори билан иш хақи минимумининг 15 бараварида белгиланган. Асосий воситаларнинг хизмат муддати уларнинг бир йилдан ортиқ муддат хизмат этишини характерлайди.

Хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган лекин қиймат жиҳатдан қатъий чегарадиган ошмайдиган қийматликлар шунингдек қийматликлар, хўжалик инвентарларининг айrim тури асосий воситалар қаторига киритилмайди. Бу қатор бевосита кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлари таркибида ҳисобга олинади.

Асосий воситалар таҳлилида корхонанинг асосий воситалар билан қуролланиш даражасига, уларнинг техник ҳолат ва ҳаракат кўрсаткичлари, самарадорлик кўрсаткичларига, динамикаси ва ҳолатига баҳо берилади.

Асосий воситалар билан таъминланиш дейилганда корхонанинг режага ёки ўтган йилларга нисбатан асосий фонdlар билан қуролланиши даражаси тушунилади.

Шунингдек, асосий воситаларнинг таркиби бўйича, тури бўйича ўзгаришларига баҳо берилади. Таҳлил этишда асосий воситаларнинг ҳолат ва ҳаракат кўрсаткичларига муҳим эътибор қаратилади. Бу орқали бевосита асосий воситаларнинг эскириш даражаси, яроқлилик даражаси, кирими ва чиқими кўрсаткичларига баҳо берилади.

Асосий воситаларининг унумини ўрганиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг самарадорлик кўрсаткичларига баҳо берилади. Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини омилли таҳлили асосида маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини ёки фондлар самарасини ошириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади ва таҳлил якунида корхонада асосий фондлардан фойдаланишга ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан муҳим иқтисодий йўналишлар белгиланади. Корхона асосий воситалари, уларнинг ҳолати, ҳаракати ва самарасига иқтисодий ташхис берилади.

Таҳлил учун зарур булган маълумотлар асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги З-молиявий ҳисбот шаклидан ва молиявий ҳисботга илова сифатида берилган манбалардан олинади. Шунингдек, асосий воситалар(01), уларнинг эскириши(02), номоддий активлар (04), Номоддий активлар эскириш (05), узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар (03) счёtlари маълумотларидан фойдаланилади.

## **5.2. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ТАРКИБИ, ТУЗИЛИШИ ВА ДИНАМИКАСИНИНГ ТАҲЛИЛИ.**

Асосий воситаларни қўйидаги белгилар бўйича таркиблаш мумкин.

### **1. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувига қараб:**

- актив асосий воситалар;
- пассив асосий воситалар.

### **2. Тармоқ бўйсунувига қараб:**

- саноат ишлаб чиқариш асосий воситалари;
- бошқа тармоқ асосий воситалари;
- ноишлаб чиқариш асосий воситалари.

### **3. Фойдаланишига қараб:**

- фойдаланишдаги асосий воситалар;
- фойдаланишдан олиб қўйилган асосий воситалар.

### **4. Тури бўйича;**

- бинолар, иншоатлар, узатиш мосламалари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, асбоб ускуналар, хўжалик инвентарлари, ишчи ва маҳсулдор хайвонлар, кўп йиллик экинлар ва бошқа асосий воситалар.

### **Мулкий эгалигига қараб;**

- ўзига тегишли асосий воситалар,
- ижараага олинган асосий воситалар

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар 3-шакл «Асосий воситлар ҳаракати тўғрисидаги» ҳисбот шаклидан олинади.

## 29- Жадвал

### Асосий воситаларни таркиби, тузилиши ва ўсишининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Йил бошига нисбатан ўзгариши	
	Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%
<b>A</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>
1. Саноат асосий ишлаб чиқариш воситалари	67937	97,7	69991	98,5	+2054	103
2. Бошқа тармоқларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари	1536	2,2	1049	1,5	-487	68,3
3. Ноишлаб чиқариш воситалари	9	0,01	9	0,01	-	-
<b>Жами асосий воситалар</b>	<b>69482</b>	<b>100</b>	<b>71049</b>	<b>100</b>	<b>1567</b>	<b>102,2</b>

Жадвал маъулмотларига кўра, фирмада жами асосий воситалар 71 млн. 049 минг сўмни ташкил қилган. Йил бошига нисбатан 1 млн. 567 минг сўмга ёки 2,2% га ўсган. Саноат асосий ишлаб чиқариш воситаларининг салмоғи эса 3% га ёки 2 млн. 054 минг сўмга кўпайган, бошқа таромоқларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари эса 487 минг сўмга камайган. Ноишлаб чиқариш фондлари умуман ўзгармаган. Корхонада бошқа тармоқларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари камайиши корхонада иш шароитининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Асосий воситаларнинг барча турларини керакли нисбатда ва таркибда бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Саноат ишлаб чиқаришдами, ёрдамчи тармоқлардами ёки ижтимоий-маиший соҳаларда бўлмасин барча асосий воситалар керакли хизматни бажарадилар.

Асосий воситаларнинг динамикаси деганда уларнинг йиллар бўйича ўзгаришлари тушунилади.

Динамик ўзгаришлар асосида корхонада асосий воситаларнинг йиллар бўйича мутлақ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади.

Куйидаги маълумотлар асосида асосий воситаларнинг таркибий ўзгаришларига баҳо бериш мумкин.

### 30- Жадвал

#### Саноат ишлаб чиқариш фондлари таркибининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Йил бошига нисбатан ўзгариши	
	Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%
A	1	2	3	4	5	6
1. Бинолар	22766	33,5	21722	31,0	-1044	95,4
2. Иншоатлар	1950	2,9	1950	2,8	-	-
3. Узаткич жиҳозлар	2872	4,2	2872	4,1	-	-
4. Машина ва ускуна	35465	52,2	38313	55,0	+2848	108,0
5. Транспорт воситалари	4401	6,5	4730	6,8	+329	107,4
6. Инвентарлар	483	0,7	404	0,6	-79	83,6
<b>Жами асосий ишлаб чиқариш фондлари</b>	<b>67937</b>	<b>100</b>	<b>69991</b>	<b>100</b>	<b>+2054</b>	<b>+103</b>

Корхонада жами саноат ишлаб чиқариш фондлари йил охирида йил бошига нисбатан 2 млн. 054 минг сўмга ёки 103%га қўпайган. Шундан машина ва ускуналар 2 млн. 848 минг сўмга қўпайган. бинолар эса ҳисбот йилининг бошига нисбатан 1 млн. 044 минг сўмга, инвентарлар 79 минг сўмга камайган. Иншоатлар ва узаткич жиҳозлар умуман ўзгармаган. Асосий фондларнинг актив қисмининг салмоғи 52,2% дан йил охирига келиб бу кўрсаткич 55% ни кўрсатган.

Асосий воситаларни актив ва пассив фондларга таркиблашда асосий жихат уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги бевосита иштирокига қаратилади. Актив асосий воситалар деб маҳсулот ишлаб чиқаришдан бевосита ва билвосита қатнашувчи асосий воситаларга айтилади.

Ишлаб чиқариш учун шароит яратиб берувчи асосий воситалар эса пассив асосий фондлар сифатида қаралиб уларнинг таркибига бевосита бинолар иншоатлар хўжалик инвентарлари ва х.к. киритилади.

Таҳлил этишда жами асосий воситалар таркибида уларнинг салмоқ даражаларига баҳо берилади ва ўзгаришлари ўрганилади.

### **5.3. ТЕЗЛАШГАН АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ ВА УЛАРНИ ФОНД ҚАЙТИМИГА ТАЪСИРИ.**

Корхона амортизация сиёсати бевосита давлат амортизация сиёсати асосида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Солик қомитасининг 1997 йил 27 февралдаги меъёрий хатига мувофиқ асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни соддалаштириш мақсадида, қуйидаги бешта гуруҳ асосий воситаларига меъёрлар белгиланган:

1. Бинолар, иншоатлар ва қурилмалар учун- 5 фоиз;
2. Енгил автомобиллар, таксилар, йўл ҳаракатида фойдаланиладиган автотракторлар, маҳсус буюмлар, инвентарлар, компьютерлар, маълумотларни қайта ишловчи ускуналар учун 20 фоиз;
3. Юқ автомобиллари, автобуслар, маҳсус автомобиллар ва автоприцеплар, машина, асбоб ускуналар ва мебеллар учун 15 фоиз;
4. Юқоридаги гурухларга киритилмаган бошқа асосий воситалар учун 10 фоиз;
5. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорт воситалари, иссиқлик, газ ва сув узатувчи труба проводлар, дизел генераторлари, электр ва алоқа узатиш ускуналари учун 8 фоиз.

Ушбу меъёрий хатда фирма ва компаниялар учун амортизация ҳисоблашнинг ўзгартирилган нормаларини қўллаш имконияти берилган, яъни секинлаштирилган ёки тезлаштирилган (икки коэффициентга қадар) усулларидан фойдаланишлиги мумкин. Тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш тартиби қўлланилса меъёрдан ортиқча ҳисобланган сумма солиқقا тортиладиган фойдага қўшилиб, ўрнатилган тартибда солиқ тўлашлари лозим.

Жаҳон тажрибасида асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг турли-туман муҳим услублар мавжуд. Бундай муҳим услубларига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- тенг улушларда, амортизация нормаларидан келиб чиқкан ҳолда эскириш ҳисоблаш;
- қолдик усулда эскириш ҳисоблаш;
- ишлаб чиқариш хажмига мувофиқ эскириш ҳисоблаш;
- комулятив усулда эскириш ҳисоблаш;

Юқоридаги усулларнинг моҳиятини қўйидаги мисол асосида кўриб ўтиш мумкин.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати-100000 сўм

Асосий воситаларнинг тугатиш қиймати-10000 сўм

Асосий воситаларнинг хизмат муддати-5 йил

### **31- Жадвал**

#### **Тенг улушларда амортизация ҳисоблаш тартиби**

<b>Асосий воситалар қиймати</b>	<b>Амортизация нормаси</b>	<b>Амортизация суммаси</b>	<b>Қолдик суммаси</b>
100000	20	18000	82000
100000	20	18000	64000
100000	20	18000	46000
100000	20	18000	28000
100000	20	18000	10000

Тенг улушларда амортизация ҳисоблаш асосий воситалардан қай даражада фойдаланишдан қатъий назар ўзининг хизмат муддатида ишлаб чиқариш харажатларига бир хил суммада қўшилиб боради.

### **32- Жадвал**

#### **Комулятив усулда амортизация ҳисоблаш**

<b>Асосий воситалар қиймати</b>	<b>Амортизация улуши</b>	<b>Амортизация суммаси</b>	<b>Қолдик суммаси</b>
100000	5/15	30000	70000
100000	4/15	24000	46000
100000	3/15	18000	28000
100000	2/15	12000	16000
100000	1/15	6000	10000

$1+2+3+4+5=15$  йил Амортизация суммасини аниқлашда жами йигилган кўрсаткич биринчи йили 15 дан 5 қисми, иккинчи йили 15 дан 4 қисми олинади ва хоказо.

### 33-Жадвал

#### Қолдик усулда амортизация ҳисоблаш

Асосий воситалар қиймати	Амортизация улуши %	Амортизация суммаси	Қолдик суммаси
100000	20	18000	82000
100000	20	24000	46000
100000	20	18000	28000
100000	20	12000	16000
100000	20	6000	10000

Бу усулда амортизация ҳисобланганда иккинчи йилдан кейин ҳаражат сифатида қўшиладиган эскириш суммаси камайиб боради, демак, соғ молиявий натижа (фойда) асосий воситаларнинг энг охирги муддатларида қўпайиши юз беради.

### 34-Жадвал

#### Икки карра оширилган усулда амортизация ҳисоблаш усули.

Асосий воситалар қиймати	Амортизация улуши %	Амортизация суммаси	Қолдик суммаси
100000	20*2	36000	54000
100000	20*2	21600	32400
100000	20*2	12960	19440
100000	20*2	7776	11664
100000	20*2	*	11664

Хозирда Ўзбекистон Республикаси миллий ҳисоб тизимида амортизация ҳисоблашнинг асосан иккита усулидан фойдаланилмоқда.

-Тенг улушларда амортизациялашнинг қатъий нормаларида эскириш ҳисоблаш;

-Тезлаштирилган, амортизациялашнинг қатъий нормаларини икки марта оширилган ҳолатида эскириш ҳисоблаш усули;

Амортизациянинг у ёки бу усулининг қўлланиши албатта асосий воситаларнинг техник ҳолатига таъсир этади.

Жумладан тезлаштирилган усулда амортизация нормалариға ўтиш асосий фонdlарни янги асосий фонdlар билан алмаштиришнинг молиявий таъминоти ва уларнинг манавий эскиришдан сақланиш имконини бериғина

қолмай балки маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш имконини хам беради.

## **5.4. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларига қўйидагилар киритилади;

-Асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси:

-Асосий воситаларнинг эскириш даражаси:

Яроқлилик даражаси асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини уларнинг бошланғич қийматига бўлиш орқали;

Эскириш даражаси асосий воситаларнинг эскириш қийматини уларнинг бошланғич қийматига бўлиш асосида аниқланади.

Яроқлилик ва эскириш коэффицентлари йигиндиси коэффицентда 1 га, фоизда 100 тенг бўлади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларига қараб уларнинг техник ҳолатига баҳо берилади ва уларни тартиблаш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Асосий воситаларнинг ҳолатини ўрганишда корхона амортизация сиёсатига, асосий воситаларнинг маънавий эскирганлик даражасига, фойдаланишдан олиб қўйилган асосий воситалар ҳолатига муҳим эътибор қаратилади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларини уларнинг ҳар бир тури ва жами бўйича ўрганилади. Таҳлил учун зараур бўлган маълумотлар 1-шакл «Бухгалтерия баланси» ва 3-шакл «Асосий воситаларнинг харакати тўғрисидаги» хисобот шаклларидан олинади.

Асосий воситаларнинг техник ҳолати янгиланганлик кўрсаткичларини ўрганиш билан тўлдирилади.

**Асосий воситаларнинг янгиланиш даражасининг таҳлили.**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Фойдаланишга топширилган асосий воситалар</b>	<b>Жами асосий воситалар-нинг йил охиридаги қиймати</b>	<b>Асосий воситалар-нинг янгиланиш даражаси</b>
<b>A</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>
<b>ўтган йил:</b>			
Жами асосий воситалар -Саноат асосий ишлаб чиқариш воситалари	4620 3156	69482 67937	6,6 4,6
<b>ҳисобот йил:</b>			
Жами асосий воситалар -Саноат асосий ишлаб чиқариш воситалари	5440 4869	71049 69991	7,6 6,9

Корхонада жами асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 1% га (7,6 - 6,6) ўсган.

Саноат асосий ишлаб чиқариш воситаларининг янгиланиш даражаси эса ҳисобот йилида 6,9 % ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 2,3% га (6,9-4,6) ўсган. Корхонада жами асосий воситаларнинг йил охиридаги қиймати ўтган йилда 69 млн. 482 минг сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳисобот йилида 1 млн. 567 минг сўмга кўпайган.

Таҳлилда асосий воситаларнинг янгиланиш ва чиқиб кетиш сабабларига ҳам муҳим эътибор берилади.

**Асосий воситаларнинг янгиланиш манбалари:**

- капитал қўйилмалар ва инвестициялар;
- хусусий капиталнинг ўсиши;
- узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар;

Асосий воситаларнинг техник ҳолатини ишлаб чиқаришга яроқлилик ҳолатини таҳлил қилиш орқали баҳоланади. Асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси қолдиқ қийматнинг ҳажмига боғлиқдир.

### **Асосий воситаларнинг яроқлилик даражасининг таҳлили.**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Йил бошига</b>	<b>Йил охирига</b>
1. Асосий воситаларнинг бошлангич қиймати	69482	71049
2. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	38698	44548
3. Асосий воситаларларнинг қолдиқ қиймати	30784	26501
4. Асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси	44,3	37,3

Жадвал маълумотларига кўра, фирмада асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси ҳисобот йилининг бошида 44,3% ни ташкил килган булса, бу кўрсаткич йил охирига келиб 37,3 % ни курсатган. Яъни 7 % га пасайган. Бу кўрсаткичнинг паст булишлиги унинг таркибида эскирган асосий воситалар мавжудлигидан далолат беради. Корхонада асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг бошида 30 млн 784 минг сўмни, йил охирида бу кўрсаткич 26 млн. 501 минг сўмни ташкил қилган.

Асосий воситаларнинг яроқлилиги 37 фоизни ташкил этиши фирмани раҳбарларини ўйлантирадиган ҳолдир, чунки асосий воситалар таркибини вақтида янгилаш чоралари кўрилмаса технология эскириб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиши мумкин. Натижада фирманинг молиявий ҳолати ёмонлаша боради.

Асосий воситаларнинг техник ҳолатини ўрганишда уларни эскириш даражаси ҳам таҳлил этилади. Бундай таҳлил қуидагича бажарилади:

**37-Жадвал**

### **Асосий воситаларнинг эскириш даражасининг таҳлили**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Асосий воситаларнинг эскириш суммаси</b>	<b>Асосий воситаларнинг бошлангич қиймати</b>	<b>Асосий воситаларнинг эскириш даражаси</b>
<b>A</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>
Йил бошига	38698	69482	55,6
Йил охирига	44548	71049	62,7

Жадвал маълумотларидан кўринадики, асосий воситаларнинг эскириш даражасининг юқори бўлиши жами асосий воситалар таркибида эски бино, иншоат, машина ва ускуналар салмоғини юқори эканлигини кўрсатади. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси йил бошида 38 млн. 698 минг сўмни ташкил

қилган бўлса, бу кўрсаткич йил охирига келиб 5 млн 850 минг сўмга қўпайган. Бунда асосий воситаларнинг эскириш даражаси йил бошида 55,6 % ни, йил охирига келиб, бу кўрсаткич 62,7% ни ташкил қилган.

**Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш сабаблари:**

- маънавий эскириши;
- жисмоний эскириши ва фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келиши;
- ортиқчалик;
- сотишлилар;
- уғирликлар, йуқотишлилар ва бошқа сабаблар.

## **5.5. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН ТАЪМИЛАНГАНЛИК ВА ҚУРОЛЛАНГАНЛИКНИ ТАҲЛИЛИ.**

Корхона (фирма) нинг асосий воситалар билан таъминланганлик ёки қуролланганлик даражаси деб ишлаб чиқаришнинг меъёр даражасида меҳнат воситалари билан таъминланганлига айтилади.

Аввало, корхона (фирма) нинг меҳнат воситалари билан таъминланганлигида қуидаги жихатларини фарқлаш лозим.

Ўзига тегишли бўлган меҳнат воситалар ҳисобига таъминлаш;

Ижарага олинган меҳнат воситалари ҳисобига таъминлаш.

Демак корхона ҳар иккала ҳолатда хам асосий воситалар билан таъминланганликнинг меъёр кўрсаткичларига эга бўлиши мумкин.

Асосий воситалар билан таъминланганлик таҳлилида корхона (фирма) да асосий воситаларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан мутлоқ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади.

Асосий воситалар билан қуролланганлик кўрсаткичлари сифатида битта ишчига тўғри келадиган меҳнат воситалари, иш ўрни, майдонининг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси аниқланади. Асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосида тўлдирилади. Яъни корхона фаолиятига факат миқдор кўрсаткичлар орқалигина эмас, балки сифат кўрсаткичларини ҳам ўрганиш асосида баҳо берилади.

**38-Жадвал**

### **Асосий воситалар билан таъминланганлик ва қуролланганлик таҳлили**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Ҳисобот йили</b>	<b>Фарки</b>
1.	Асосий воситалар ўртacha йиллик қиймати, минг сўм.	69482	71049	+1567
2.	Саноат ишлаб чиқариш ходимлари, киши.	547	536	-11
3.	Бир ходимга тўғри келадиган асосий воситаларнинг ўртacha йиллик қиймати, минг сўм.	127	132.5	+5.5

Фирмада асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати 1567 минг сўмга ўсган. Бу ўсиш иккита омил таъсирида ўзгарган:

а) ишчилар сонининг ўзгариши ҳисобига,

$$-11 \times 127 = -1397 \text{ минг сўм.}$$

б) битта ходимга тўғри келадиган асосий воситаларнинг йиллик қийматининг ўзгариши ҳисобига;

$$5.5 \times 536 = 2948 \text{ минг сўм.}$$

в) Икки омил йифиндиси,

$$-1397 + 2948 = 1551 \text{ минг сўм.}$$

Яхлитлаш ҳисобига фарқ  $1567 - 1551 = 16$  минг сўм бўлган.

Битта ходимга тўғри келадиган асосий воситалар қийматининг ўтган йилга нисбатдан 5.5 минг сўмга ўзгаришига ҳам таъсир этувчи сабабларни таҳлил этиш мумкин. Бунинг учун қуролланиш кўрсаткичини шартлиси ҳам аниқланади, яъни асосий воситалар қийматининг ҳисбот йилгиси саноат ишлаб чиқариш ходимларининг ўтган йилги сонига нисбати орқали аниқланади. Бизнинг мисолда,

$$71049 : 547 = 129.9 \text{ минг сўм.}$$

*Ишчилар сонини ўзгаришини битта ходимга тўғри келадиган асосий воситалар қийматини ўзгаришига таъсири;*

$$129.9 - 127 = 2.9 \text{ минг сўм.}$$

*Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматини ўзгаришини таъсири ҳисобига;*

$$132.5 - 129.9 = 2.6 \text{ минг сўм.}$$

*Иккала омилнинг таъсири;*

$$2.9 + 2.6 = 5.5 \text{ минг сўм.}$$

## **5.6. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАНЛИКНИ ТАҲЛИЛИ.**

Асосий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигига баҳо бериш иқтисодий таҳлилнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади. Уларнинг қаторига қуидагиларни киритиш мумкин:

<b>Фонд қайтими</b>	<b>Фонд сифими</b>
Асосий воситаларнинг қайтими	Махсулот хажми Фк=----- Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати
Машина ва ускуналар қайтими	Махсулот хажми Фм=----- Машина ва ускуналар ўртача йиллик қиймати
Асосий воситаларнинг сифими	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати Фс=----- Махсулот хажми
Машина ва ускуналар сифими	Машина ва ускуналар ўртача йиллик қиймати Фм=----- Махсулот хажми

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва унинг ҳолатига баҳо беришга иқтисодий таҳлилда алоҳида аҳамият берилади. Корхона ишлаб чиқариш қуввати деганда унинг тўла иш билан бандлик ҳолатига айтилади. Бу ҳолат нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига, балки унинг харажатлар таркибига, молиявий натижавийлигига ҳам таъсир этувчи бирлик сифатида қаралади. Ишлаб чиқариш қувватлари ва унинг фойдаланиш даражаларига баҳо бериш асосида корхонанинг жорий даврдаги иқтисодий потенциали ҳамда уни мақсадли бошқаруви белгиланади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишининг таҳлилиниң қуидаги қаторларини характерлаш мумкин;

-корхона ишлаб чиқариш қувватларининг техник иқтисодий кўрсаткичлари тизими;

-техник иқтисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни қиёсий таҳлили;

-ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг корхона харажатларига таъсирининг таҳлили;

-ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг корхона ишлаб чиқариш самарадорлигига ва фаолият натижавийлигига таъсирининг таҳлили.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишда корхона томонидан ошкор этиладиган 2б форма «Корхонанинг ижтимоий иқтисодий кўрсаткичлар тизими» га муҳим этибор берилади.

Таҳлилда асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таъсир этувчи омиллар иккита таркиб бўйича ўрганилади.

1. Асосий воситаларнинг самарадорлиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили
2. Асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларининг маҳсулот хажмининг ўзгаришига таъсирининг таҳлили.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қаторига қуидагилар киритилади.

Фонд қайтими (сифими) ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар:

- Маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ва унинг ўзгариши;
- Асосий воситалар ўртacha йиллик қийматининг ўзгариши;
- Маҳсулот хажмига таъсир этувчи меҳнат воситалари билан боғлик бўлган омиллар қаторига қуидагилар киритилади;
- Асосий воситаларнинг ўртacha йиллик қийматининг ўзгариши;
- Фонд қайтими (сифими) нинг ўзгариши.

Молиявий хисобот маълумотлари бўйича асосий воситаларда самарали фойдаланганлик ҳолатини таҳлил қилиш учун маҳсулот хажмини белгиловчи

мухим кўрсаткич, сотишдан олинган соф тушумни олиш мумкин. Бунда сотишдан олинган соф тушумни асосий воситаларнинг қийматига бўлиш йўли билан фонд қайтими кўрсаткичини таҳлил қилинади.

Фирма ва компанияларда асосий воситалар қийматига қанчалик кўп соф тушум олинса, бу воситалардан самарали фойдаланилган деб баҳоланади. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот, иш ва хизматлар сотишдан эришилган соф тушум хажми баҳо ўзгаришлари таъсирида бўлсада, қиймат ўлчамида ўрганиладиган асосий воситалар самарадорлиги эълон қилинадиган амалдаги ҳисоботларда маҳсулот хажмини ифодаловчи ягона кўрсаткичdir.

### 39- Жадвал

#### **Асосий воситалардан фойдаланишининг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	263809	440274	+176465
2. Асосий воситалар қиймати, минг сўм	69482	71049	+1567
3. Ҳар минг сўмлик асосий воситалар ҳисобига олинган тушум, минг сўм	3,7968	6,1968	+2,4
4. Асосий воситалар ва улардан фойдаланишни соф тушумга таъсири: А) асосий воситалар қийматининг ўзгариши (1567x3,7968)	x	x	5949,6
Б) асосий воситалар қайтимиининг ўзгариши (2,4x71049)	x	x	170515,4

Фирмада асосий воситалардан самарали фойдаланиш ўтган йилга нисбатан яхшиланган. Ҳар минг сўмлик асосий восита ҳисобига олинган соф тушум ўтган йилга нисбатан 2,4 минг сўмга ортган. Бу ижобий ҳолдир.

Асосий воситалар омилининг соф тушумга таъсирини аниқлашда фарқларни кўпайтириш усулини қўллаб таҳлил қилиш мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриндики, асосий воситалар қийматининг ўтган йилга нисбатан 1567 минг сўмга кўпайиши маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушумни 5949,6 минг сўмга кўпайишига таъсир этган.

Асосий воситалардан самараги фойдаланишни ўтган йилга нисбатан яхшиланганлиги соф тушумни 170515,4 минг сўмга кўпайтирган. Демак, соф тушумнинг кўпайишни 96,4 фоизи самарадорлик хисобига, қолган 3,6 фоизи эса фонд ҳажмининг кўпайиши эвазига содир бўлган.

Бундан кўринадики, ўтган йилга нисбатдан фирманинг асосий воситалардан самараги фойдаланганлик даражаси ижобий томонга ўзгарган.

## **5.7. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖИХОЗЛАРИНИ ВАҚТИ ВА ҚУВВАТИ БҮЙИЧА ФОЙДАЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ.**

Ишлаб чиқариш жихозларидан вақт ва қувват бўйича фойдаланиш таҳлилида корхона асосий фондлари ва уларнинг таркибида машина ва ускуналар, станоклар иш вақтидан фойдаланишнинг даражасига, қувватларнинг фойдали иш коэффицентларига, фойдаланишнинг реал ҳолатига баҳо берилади.

Машина ва ускуналар иш вақтидан самарали фойдаланишда уларнинг жами саноат ишлаб чиқариш асосий воситалари таркибидаги салмоғига ва уларнинг иш самарасига аҳамият берилади.

Машина ва ускуналарнинг жами ишлаган вақти хамда машина ва ускуналар иш вақтидан олинган самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилади хамда уни ўстиришнинг ички имкониятлари белгиланади.

Кўйидаги жадвал маълумотлари асосида уларни таҳлил этишининг услугубий асосларини кўриб ўтиш мумкин.

### **40- Жадвал**

#### **Машина ва ускуналардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили ва улар**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
Маҳсулот ҳажми минг сўм ҳисобида, корхона улгуржи баҳосида	125463	254698	+129235
Ишланган станок соатлар, минг станок соат	14780	16587	+1807
Бир станок соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	8,488	15,355	+6,867

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 129235 минг сўмга ўсган. Бу ўзгариш бевосита саноат ишлаб чиқариш воситалари таркибида машина ва ускуналар иш вақтининг ўзгариши ҳамда уларнинг ҳар бир станок соатига тўғри келадиган иш унумининг ўзгариши билан характерланади. Ишланган жами станок соатлари ўтган йилга 1807 минг

станок соатга ўсган, бир станок соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми эса 6,867 минг сўмга ўсган.

Фонд қайтимини ошириш имкониятларини умумлаштириш таҳлил этиш босқичининг якуни ҳисобланади. Унда таҳлил этиш натижаларидан келиб чиқсан ҳолда корхонада асосий воситаларнинг самарадорлигини оширишнинг йўналишлари белгиланади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик қўрсаткичларини оширишнинг қўйидаги йўналишларини корхона учун тавсия сифатида тушириш мумкин.

#### **Ташкилий йўналишлар:**

- асосий воситаларнинг фақат корхонага иш берадиган қисминигина олиш;
- асосий воситаларнинг ортиқча қисмини ушлаб турмаслик;
- эскирган асосий воситаларни ва маънавий талабга жавоб бермайдиган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш;
- асосий воситаларни фарқлаш ва таркиблашни қайта ўзгартириш;
- асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг муқобиллик шаклларини белгилаш ва х.к.

#### **Техник йўналишлар:**

- асосий воситаларни тамирлаш чоралари қўриш, техник каров;
- эскирган асосий воситаларни янгилари билан алмаштириш;
- автоматлаштирилга тизимни яратиш;
- механизациялашни кучайтириш ва х.к.;

#### **Эксплуатацион йўналишлар:**

- бир сменалик ва кўп сменалик;
- ишлаб чиқариш ҳажмига қараб асосий воситаларни техник ҳолат ва ҳаракатини бошқариш;
- асосий воситалар қарови юзасидан маъсул шахсларни ажратиш;
- асосий воситалар бўйича жавобгарлик марказларини белгилаш ва х.к.

## **5.8. МАВЗУНИ ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Асосий воситалар таҳлилининг мазмуни ва вазифалари нималардан иборат?
2. Асосий воситалар таркиби қандай гурухларга бўлинади?
3. Асосий воситалар ҳаракатини таҳлили қандай бажарилади?
4. Асосий воситалар техник холатининг таҳлилида нималар ўрганилади?
5. Асосий воситалар техник холатини белгиловчи қандай коэффицентларни биласиз?
6. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг тартиби қандай?
7. Асосий воситалар билан таъминланганлик таҳлилининг мазмуни нима?
8. Асосий воситалар билан қуролланганлик кўрсаткичлари қандай таҳлил этилади?
9. Асосий воситалардан самарали фойдаланганлик деганда нимани тушунасиз?
10. Асосий воситалардан самарали фойдаланганликни таҳлил этишда қандай кўрсаткичлар ўрганилади?
11. Асосий воситалардан самарали фойдаланганликни маҳсулот ҳажмига таъсири қандай аниқланади?

## **5.9. МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.**

### **1. Күйидаги таянч ибораларга тушунча ёзинг:**

- Асосий воситалар;
- Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати;
- Асосий воситаларнинг эскириши;
- Асосий воситаларнинг янгиланиши;
- Асосий воситаларнинг ҳаракати;
- Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши;
- Асосий воситалар билан таъминланганлик;
- Асосий воситалар билан қуролланганлик;
- Асосий воситалардан самарали фойдаланганлик;
- Машина ва ускуналардан самарали фойдаланганлик.

### **2. Асосий воситалар ҳаракати түғрисидаги ҳисобот маълумотларини таҳлил қилинг.**

# АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТҮ҆РИСИДАГИ ҲИСОБОТ

2001 йил учун

Корхона, ташкилот “Алишер Навоий” АЖ

Тармок(фаолият тури)\_\_\_\_\_

Давлат мулкини бошкариш органи

Кодлар
0710004
Сана (йил, ой, кун)
00276898
ОКНХ буйича 15271
ОКПО буйича 00276898
Назоратдаги сумма

Улчов бирлиги, минг сум

Манзилгоҳ:

Жунатилган сана
Кабул килинган сана
Топшириш муддати

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр рақами	Бошлангич (тиклаш) қиймати				Йигилган амортизация (эскириш) қиймати				Қолдик қиймати	
		Йил бошига к.к	Келиб тушган	Чиқим қилинган	Йил охирига к.к	Йил бошига к.к	Келиб тушган	Чиқим қилинган	Йил охирига к.к	Йил бошига	Йил охирига
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Бино	010	38219	2	-	38221	11847	1304	-	13151	26372	25070
Иншоат	020	714	-	2	712	250	185	2	433	464	279
Узатиш мосламалари	030	95	-	-	95	80	4	-	84	15	11
Машина ва жихозлар	040	67016	6125	2522	70619	51398	7208	1145	57461	15618	13158
Шу жумладан:											
а) куч машина ва жихоз	041	455	107	-	562	168	249	-	417	287	145
б) ишчи машина ва жихозлар	042	61582	3083	1847	62818	48723	6050	1054	53719	12859	9099
в) ўлчов ва тартибга сол.	043	1882	427	323	1986	1570	170	55	1685	312	301
г) хисоблаш техникаси	044	3097	2508	352	5253	937	739	36	1640	2160	3613
д) бошқа машина ва жих	045										
Транспорт воситалари	050	9328	3292	154	12466	3517	1577	347	4747	5811	7719
Асбоб-ускуналар	060	-	3023	-	3023	-	171	-	171	-	2852
Ишлаб чиқариш инвентарлари	070	4070	2946	3657	3359	3055	80	409	2726	1015	633
Хўжалик инвентарлари	080	-	721	66	655	-	402	66	336	-	319
Ишчи ва маҳсулдор хайв	090										
Кўп йиллик экинлар	100										
Капитал харажатлар	110										
Бошқа асосий фонdlар	120	6037	2898	32	8903	2611	1042	857	2796	3426	6107
ЖАМИ:	130	125479	19007	6433	138053	72758	11973	2826	81905	52721	56148
Шулардан:											
- ишлаб чиқариш	131	120144	15640	6337	129447	70991	10931	2739	79183	49153	50264
- ноишлаб чиқариш	132	5335	3367	96	8606	1767	1042	87	2722	3563	5884
Тугалланмаган қурилиш	140										
Маълумот учун:				14052							
Кирим қилинган:											
- ўз маблағлари хисобига	150		14052			x	x	x	x	x	x
- банк кредитлари хисобига	152					x	x	x	x	x	x
- бошқа қарзга олинган маблағлари хисобига	153					x	x	x	x	x	X
Ижарага берилган асосий воситалар	160										
Ижарага олинган асосий воситалар	170										

Рахбар \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер:\_\_\_\_\_

## VI Боб

### ПУЛ ОҚИМЛАРИ ҲАРАКАТИНИ ТАҲЛИЛИ

---

- 6.1. ПУЛ ОҚИМИ ТАҲЛИЛИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАҲЛИЛ МАНБАЛАРИ.**
- 6.2. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ УМУМИЙ ҲАРАКАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.**
- 6.3. АСОСИЙ ФАОЛИЯТИДАГИ ПУЛ ОҚИМИНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 6.4. ИНВЕСТИЦИЯ ФОЙДАСИ, МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СОЛИҚ ТЎЛАШЛАРДАГИ ПУЛ ОҚИМИНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 6.5. МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 6.6. ВАЛЮТА МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИНИ ТАҲЛИЛИ.**
- 6.7. МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**
- 6.8. МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.**

## **6.1. ПУЛ ОҚИМИ ТАҲЛИЛИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАҲЛИЛ МАНБАЛАРИ.**

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш мақсадида иқтисодий ислоҳотларни босқичмача – босқич амалга оширмоқда.

Бозор муносабатлари соҳасида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий, меҳнат ва пул ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Кўпгина корхона ва ташкилотлар иқтисодий мустақиллик ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар тузиш хуқуқини қўлга киритганларидан сўнг хўжалик юритишнинг янги шароитларига босқичмача – босқич тайёр бўлиб борди.

Бозор иқтисодиёти соҳасида бошқарув субъектларига фақат ахборотга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ахборот билан ишлаш, тўғри хulosалар чиқариш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш зарур бўлади.

Молиявий ахборот билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири уни таҳлил қилишdir. Таҳлил қилишда хўжалик фаолиятини ўрганишда ҳамда хulosалар чиқаришда асос бўладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Корхона молиявий аҳволини таҳлил қилиш билан шуғулланаётган ҳар бир ходим молиявий ҳисобот шаклларини, шу жумладан, "Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот" шаклини эркин ўқий олиши, унинг моддаларини тушуниши, шунингдек хulosалар чиқариш ва тавсиялар беришни билишлари керак.

Молиявий ҳисобот моддаларидан фойдаланиб, корхона тўғрисида катта ҳажмда маълумот олиш, унинг молиявий аҳволини хизмат ва бозор фаоллигини таҳлил қилиш мумкин.

"Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот" да корхона молиявий ресурсларидаги барча ўзгаришлар пул маблағлари туқтаи-назаридан акс эттирилади:

- хўжалик фаолиятида олинган пуллар ҳаракати;
- олинган ҳамда тўланган фоизлар ва дивидентлар;
- тўланган соликлар;
- олинган ва қўйилган инвестициялар;
- акциялар ва заёмлар, шунингдек ижара мажбуриятлари бўйича тушумлар ва тўловлар.

Кундалик хўжалик фаолияти жараёнида содир бўлган пул маблағларидағи барча ўзгаришлар шундай тартибда акс эттириладики, у пул маблағлари қолдиги билан уларга эквивалент булганлар ўртасида, яъни қисқа муддатли юқори ликвид инвестициялар, эркин айирбошланадиган пул маблағлари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини беради.

4-сон шаклга "валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотнома" илова қилиниб, унда давр боши ва охирига бўлган қолдиқлар, валюта маблағлари тушуми ва ҳаражати тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Корхонанинг молиявий ахволи кўп жиҳатдан реал пул айланмасига боғлик. Корхонанинг ҳисоб-китоб ва ўзга ҳисоб рақамлари орқали ўтадиган пул маблағларининг келиб тушиши ва уларнинг сарфланишига пул маблағлари оқими дейилади.

Корхона ишининг самарадорлигига, барқарор молиявий ҳолатга корхонанинг ҳисоб-китоб ва ўзга ҳисоб рақамларига пул маблағлари ўз вақтида ва тўла ҳажмда келиб тушиши ва тўланиши натижасида эришиш мумкин.

Пул маблағлари оқимини таҳлил қилиш учун 4-шакл "Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот" молиявий ҳисботи, шунингдек, 1-ш шаклидаги "Корхона (ташкилот) молиявий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида" ги статистика ҳисботи асосий маълумот манбаи бўлиб хизмат қиласиди.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот – молиявий ҳисбот ҳужжати бўлиб, унда жорий хўжалик фаолияти жараёнида пул маблағлари келиб тушиши, сарфланиши ва уларнинг йил боши ва охиридаги қолдиги, шунингдек,

инвестиция ва молиявий фаолиятга йўналтирилган пул маблағлари акс эттирилади.

Пул маблағлари оқимига сўм ва валютадаги пул маблағлари киритилади. Шу туфайли 4-шакл "Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот" молия ҳисботида маҳсус "Валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотнома" бўлиб, унда уларнинг давр боши ва охиридаги қолдиги ва уларнинг келиб тушиш ва сарфланиш суммаси кўрсатилади.

Пул маблағлари оқимини ўрганишда ишлатиладиган асосий атамалар қўйидагилардан иборат:

**Пул оқимлари** – пул ва пул маблағларининг ҳамда сўм ва ўзга эквивалентларининг кирими (келиб тушиши) ва чиқими (сарфланиши).

**Пул эквивалентлари** – бу пул маблағларига эркин алмаштириладиган қисқа муддатли ликвидланадиган, қиймати ўзгариши хатарига камроқ мойил бўлган инвестициялар.

**Пул маблағлари** – бу кассадаги нақд пул ва талаб бўйича бериладиган депозитлар, шунингдек, ҳисоб-китоб, валюта ва ўзга банк ҳисоб рақамларидаги маблағлар.

**Операция фаолияти** – бу инвестиция ва молиявий фаолиятни истисно қилганда, корхонанинг даромад келтирадиган асосий ва бошқа фаолияти.

**Инвестиция фаолияти** – пул эквивалентларига киритилмаган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш.

**Молиявий фаолият** – хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти бўлиб, у натижада ўз сармояси ва қарз олинган маблағлар ҳажми ва таркибининг ўзгаришига олиб келади.

Пул маблағларининг оқимини қўйидаги асосий кўрсаткичлар таърифлайди:

Пул маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши суммаси;

Келиб тушган ва сарфланган пул маблағларининг тузилмаси;


Келиб тушган ва сарфланган пул маблағларининг ўзаро сальдоси;

Келиб тушган ва сарфланган пул маблағлари нисбатининг коэффициенти (пул маблағлари оқими коэффициенти).

Келиб тушган ва сарфланган пул маблағларини суммаси молиявий ҳисобот шакли бўлмиш "Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисботи" бўйича беш гурӯхга ажратилган.

Фирма ва компанияларда пул маблағлар ҳаракатини қуидаги чизмада

Бундан ташқари, пул маблағлари оқимини схема кўринишида тасвирлаш мумкин.



**6-Чизма.** Пул маблағлари ҳаракати.

## **6.2. ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИНГ УМУМИЙ ҲАРАКАТИНИНГ ТАХЛИЛИ**

Фирма ва компанияларда пул маблағларининг умумий ҳаракати асосий фаолиятдан, солиқланишдан, инвестиция ва молиявий фаолиятлар натижасидан шаклланади.

Ҳаридорлардан олинган пуллар (кирим), ҳисобот даврида корхонанинг банк счётларига, ёки вексель кўринишида юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу суммани 4-шакл "Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот" молиявий ҳисботидан (қуида 4-Ш) ва 1-ш шакли статистика ҳисботи, 048- сатридан олиш мумкин.

Бошқа пул тушумлари ва роялтидан, турли кўринищдаги мукофотлар, комиссион йиғимлардан олинган пул маблағлари ва уларниң эквивалентлари суммасини кўрсатади.

Бозор иктисадиёти шароитида Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот Акциядорлик жамиятларининг бошқарув раҳбарияти ва ташки фойдаланувчи инвесторлар, кредиторлар, корхона мененжерлари учун зарурдир. Бошқарув раҳбарияти учун бу ҳисббот корхонани ликвидлиги, дивидендлар микдорини аниқлаш, бошқа йўналишларга кушимча инвестицияларни жойлаштириш учун манба ҳисбланади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисббот зарур бўлган ҳолларда корхонага юқори даромад келтирадиган лойиҳаларни лойиҳалаштириш учун зарур манбадир.

Корхонанинг бошқарув раҳбарияти учун бу ҳисббот корхонанинг қисқа муддатли кредиторлик қарзларини узишга мавжуд маблағни етарли ёки этишмаслилиги, ҳиссадорларга тўланадиган дивидендлар микдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳамда корхонани инвестиция ва молия масалалари бўйича сиёsat каби масалаларни ҳал этиш зарурдир.

Пул оқимлари тўғрисидаги манбалар асосида инвесторлар компанияни фаолиятини ўрганади ва уларни фаолиятига баҳо беради. Жумладан, корхона

раҳбарияти пул маблағлари ҳаракатини бошқара олиш, корхона счётидан кредитор қарзларни узиш ҳамда ҳиссадорларга дивиденд тўлаш, қўшимча молиялаштириш мақсадлари учун етарли миқдорда пул маблағларини жамлаш имкониятлари аниқланади. Бу ҳисбот шакли орқали соф фойда билан пул маблағлари ҳаракати ўртасидаги боғлиқлик ва тафовутлари аниқланиши мумкин. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот корхонани инвестиция ва молиявий фаолияти натижаларини ўзида акс эттиради.

Корхонанинг пул оқимини таҳлил қилишда иқтисодий таҳлил қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Таҳлил давомида корхонанинг жорий инвестиция ва молиявий фаолиятлари бўйича пул маблағларини соф киримини ва чиқимини аниқлашдан иборатдир;
- Пул маблағлари кирими бўйича манбаларини, чиқими бўйича ҳаракатларининг таркибини чукур ўрганиш;
- Пул маблағлари миқдорини оптимал вариантини аниқлаш ва ҳакозолар.

Корхоналарда пул маблағларининг ҳаракати бир неча жараёнлар бўйича содир бўлади. Корхоналарда пул оқими асосан бешта жараён бўйича содир бўлади. Буларга:

- Хўжалик фаолиятида пул маблағларининг соф кирими (+), чиқими (-);
- Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдаги кирим ёки чиқим;
- Тўланган соликлар;
- Инвестиция фаолиятидаги соф пул оқимларининг кирими ёки чиқими;
- Молиявий фаолиятдаги соф кирим ёки чиқим.

Қўйида аниқ бир корхона мисолида юқоридаги жараёнлар бўйича пул маблағларининг ҳаракатини кўриб чиқамиз.

## 41- Жадвал

### Пул оқимларининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Кирим		Чиқим	
		Минг сўм	Салмоғи, %	Минг сўм	Салмоғи, %
1	2	3	4	5	6
1. Хўжалик фаолиятида пул маблағларининг соф кирими (+), чиқими (-)	014	41422	96,5	-	-
2. Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдаги кирим ёки чиқим	024	-	-	13726	34,4
3. Тўланган солиқлар	032	-	-	26208	65,6
4. Инвестиция фаолиятидаги соф пул оқимларининг кирими ёки чиқими	043	-	-	-	-
5. Молиявий фаолиятдаги соф кирим ёки чиқим	053	1488	3,5	-	-
<b>ЖАМИ:</b>	-	42910	100	39934	100
Соф кўпайиш ёки камайиш	060	2976	-	-	-

Жадвал маълумотларига кўра, корхонанинг жорий йилда соф пул маблағлар кирими 42910 минг сўмни ташкил қилган. Корхона бўйича тўланган солиқлар 39934 минг сўмни кўрсатмоқда. Корхонада пул маблағларининг соф кўпайиши ёки камайиши кузатилмайди. Маълумотларга кўра, корхонада жами пул маблағлари киримининг 96,5% хўжалик фаолиятида пул маблағларининг соф киримига тўғри келган бўлса, қолган 3,5% и молиявий фаолиятдаги соф киримга тўғри келган. Соф пул маблағларининг ҳолати 2976 минг сўмни ташкил этган. Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, корхонада пул маблағларининг харакати фақатгина асосий хўжалик фаолиятида бўлган.

### **6.3. АСОСИЙ ФАОЛИЯТИДАГИ ПУЛ ОҚИМИНИ ТАҲЛИЛИ.**

Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботда жорий инвестиция ва молиявий фаолият бўйича пул маблағларини кирими ва чиқими ифодаланган. Жорий фаолият – хўжалик жараёнларини корхонанинг пул маблағларига, фойда миқдорига таъсирини ифодалайди. Бу бўлимга қуйидагилар киради:

- Жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган пул маблағлари;
- Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланган пул маблағлари;
- Тўланган ва олинган фоизлар киради.

Булардан ташқари корхона ходимлари ва улар номидан тўланган иш ҳақи ва бошқа тўловлар (солиқлар, ходимлар кредитидан фоизлари) ҳам киради. Бу категорияга бюджетга тўланадиган ҳар хил тўловлар ҳам киради. Олинган ва тўланган фоизларни ҳисоби 95-96 «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар», «Молиявий фаолият бўйича харажатлар» сч, тларида ҳисобга олинади.

Корхоналарда пул маблағларини ҳаракати асосан корхона хўжалик фаолиятида содир бўлади. Хўжалик фаолиятидан пул маблағларини ҳаракатини таҳлил қилиб чиқишимиз учун қуйидаги жадвал маълумотларини ўрганишимиз лозим бўлади (42-жадвал).

Маълумотларга кўра, корхонанинг хўжалик фаолиятидан пул маблағларнинг соғ кирими 41422 минг сўмни ташкил қилган. Корхонада жами кирим 392220 минг сўмни ташкил қилиб, унинг 98,2 фоизи ҳаридорлардан келиб тушган пул маблағлари ҳисобига, қолган 1,8 фоизи эса бошқа пулли тўловлар ва тушумлар ҳисобига тўғри келган. Корхонанинг хўжалик фаолиятидаги жами сарфлар 350798 минг сўмни ташкил қилиб, унинг 81,9 фоизи мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари, 15,8 фоизи ходимларга тўланган пул маблағлари ҳисобига, қолган 2,3 фоизи бошқа пулли тўловлар ва тушумлар учун сарф қилинган. Корхонада хўжалик фаолиятидаги

соф кирим натижаси 41422 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич умумий тушумнинг  $(41422 \times 100) / 392220 = 10,56\%$  ни ташкил қилган.

#### 42-Жадвал

#### Хўжалик фаолиятида пул маблағлари ҳаракатини таҳлили

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Кирим		Чиқим		Ўзгариши
		Сумма, (минг сўм)	Салмоғи, %	Сумма, (минг сўм)	Салмоғи, %	
1	2	3	4	5	6	7
1. Харидорлардан келиб тушган пул маблағлари	010	385117	98,2	-	-	+385117
2. Мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари	011	-	-	287156	81,9	-287156
3. Ходимларга ва ходимлар номидан тўланган пул маблағлари	012	-	-	55413	15,8	-55413
4. Бошқа пулли тўловлар ва тушумлар	013	7103	1,8	8229	2,3	-1126
ЖАМИ:	-	392220	100,0	350798	100,0	+41422
Хўжалик фаолиятидан пул маблағларининг соф кирими ёки чиқими	014	-	-	-	-	41422

## **6.4. ИНВЕСТИЦИЯ ФОЙДАСИ, МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ВА СОЛИҚ ТҮЛАШЛАРДАГИ ПУЛ ОҚИМИНИ ТАХЛИЛИ**

Инвестиция фаолияти – корхона инвестиция фаолиятида номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш, узоқ муддатли моддий активлар, яни күчмас мулк бўлмиш бино, жиҳозлар ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун етказиб берувчиларга тўланган пуллар ва унга тенглаштирилган маблағлар чиқим устунида акс эттирилади.

Кирим устунида эса узоқ муддатли активларни сотишдан тушган тушум хисобланади. Корхоналар ҳарид қилинган узоқ ва қисқа муддатли қўйилмалар моддасини чиқим устунида воситаларга комиссион тўловлар ва бошқа биржада тўланган фоизларни хисобга олмаган ҳолда қимматли қоғозларни сотиб олиш учун тўланган, пул маблағларини қўрсатадилар. Кирим устунида ўзлик бўлмаган қимматли қоғозларни шу билан бирга банк ва бошқа юридик шахсларни қисқа муддатли ва узоқ муддатли ссуда ва қарзларини сотишдан келган тушум кўрсатилади.

Одатда корхоналар ўз фаолияти давомида асосий фаолият билан бир қаторда инвестиция фаолияти билан ҳамда молиявий фаолият билан шуғулланадилар. Ушбу ҳолатни биз қуйидаги жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилиб чиқамиз (43-жадвал).

Жадвал маълумотларига кўра, корхонада инвестиция ва молиявий хизмат кўрсатишдан соф 13726 минг сўм пул маблағлари камайган.

(360-2082+2-12006)=13726

Жами тўланган солиқлар 26208 минг сўмни ташкил қилган. Корхонада инвестиция фойдаси, молиявий хизмат кўрсатиш ва солиқланишдан сўнг соф пул оқимининг натижаси 1488 минг сўмни ташкил этган.

**43- Жадвал**

**Инвестиция фойдаси молиявий хизмат кўрсатиш ва солиқланишдаги пул  
мабалағлари ҳаракатининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Сатр	Кирим		Чиқим		Ўзгариши
	Рақами	Минг сўм	%	Минг сўм	%	
1	2	3	4	5	6	7=3-5
1. Хўжалик фаолиятидан пул мабалағларининг соғ ҳолати	014	41422	99,1	-	-	41422
2. Олинган ва тўланган фоизлар	020-021	360 -	0,8 -	- 2082	- 5,2	-1722
3. Олинган ва тўланган девидендлар	022-023	2 -	0,005 -	- 12006	- 30,0	-12004
4. Жами тўланган солиқлар	032	-	-	26208	65,0	-26208
Жами	-	41784	100	40296	100	1488
Инвестиция фойдаси молиявий хизмат кўрсатиш ва солиқланишдан сўнг соғ пул оқимининг натижаси	-	1488	-	-	-	-

## **6.5. МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ХАРАКАТИНИ ТАҲЛИЛИ**

Молиявий фаолият – бўйламида акция чиқаришдан келиб тушган тушум, узоқ ва қисқа муддатли қарзларни келиб тушиши ва чиқимлар акс этади. Булардан ташқари корхона пул иштирокисиз инвестиция ва молиявий фаолият бўйича чиқимларни амалга ошириши мумкин. Масалан, асосий воситаларни узоқ муддатли кредит ҳисобига сотиб олиш, кредитор қарзларни акцияни чиқариш ва кредитларга қўшимча акцияни бериш орқали бўлиши мумкин.

Корхона молиявий ҳолатининг соғломлигини шарти бўлиб, пул маблағларини кирими корхонанинг мажбуриятларини қоплай олишидир. Минимал миқдордаги пул маблағларини етишмаслиги молиявий ҳолат танглигига сабаб бўлади. Ортиқча маблағларга эга бўлиш инфляция натижасида пулни қадрсизланишига, ҳамда ортиқча маблағларни самарали фойдаланишга йўналтирмаслик натижасида қўшимча даромад ололмаслиги мумкин. Шу боис пул маблағларини рационал бошқаришни доимо назорат қилиш ва таҳлил қилиш лозим. Бундай таҳлил этишни амалда бир қанча усуслари мавжуддир.

Молиявий ҳолат танглигини сабабларидан бири бу корхона жорий активидаги пул маблағларини жорий мажбуриятларга нисбатан кескин камайиб боришидир. Шу боис ҳар ойда пул маблағлари билан муддати келган мажбуриятларни бир-бири билан таққослаб, таҳлил қилиш лозим.

Пул маблағларини етарли ёки етишмаслиигини аниқлашни иккинчи усули – бу пул маблағларини айланиш даврини аниқлашдан иборатдир.

$$\text{Пул маблағлари} = \frac{\text{Пул маблағлари} - \text{ўрнганилишни}}{\text{ўртача долдиғи} * \text{дабри}}$$

Пул маблағларини ауланиш дабри, кунда =  $\frac{\text{Оборот суммаси}}{\text{Пул маблағларини ауланиш дабри, кунда}}$

Пул маблағларини ўртача қолдиги 50-«касса» счёти, 51-«хисоб-китоб» счёти, 52-«валюта» счёти, 55-«банқдаги махсус счётлар» счёти орқали қуийидагича аниқланади:

$$\text{Пул маблағларини ўртача ғолдиги} = \frac{\begin{array}{c} \text{1- ой бош} \\ \underline{\text{қолдик}} \\ 2 \end{array} + \begin{array}{c} 2 \text{ ой боч қолдик} \\ + \end{array} \begin{array}{c} \text{Н- ой бош} \\ \underline{\text{қолдик}} \\ 2 \end{array}}{H-1}$$

Бунда: N-ойлар сони.

*Оборот суммасини аниқлаши учун юқоридаги счётларни кредити бўйича оборот суммаси олинади. Корхоналарда пул маблағлари обороти давомийлигини ойлар бўйича ўзгаришини қуийидаги жадвалда кўришимиз мумкин.*

ОЙЛАР	ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ НИ ҚОЛДИГИ (минг сўм)	ОБОРОТ СУММАСИ, (минг сўм)	АЙЛАНИШ ДАВРИ, КУНДА 1*30/2
Январ	12734	140448	2,72
Феврал	11466	159250	2,16
Март	12766	187739	2,04
Апрел	12780	180000	2,13
Ва ҳакозо.			

Корхонада пул маблағлари обороти давомийлиги ўртача 2,04 дан 2,72 кунгacha ташкил этган. Бунинг мазмуни пулни корхона счётига келиб тушишидан то чиқиб кетишига қадар 2 кундан ортиқроқ кун кетган. Таҳлил давомида пул маблағлари кирими ва чиқимини таркиби атрофлича ўрганилмоғи лозим.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот маълумотларини таҳлил этишни 2 услуби мавжуддир.

1. Тўғри услуг;
2. Эгри услуг;

Тұғри услуга орқали пул маблағларини ҳаракатини таҳлил этиш учун жорий фаолият, солиқланиш, инвестиция, молиявий фаолиятлари бүйича маблағларни кирим қисми, чиқими билан таққосланиб, соф кирими (ёки чиқими) аниқланади.

## **6.6. ВАЛЮТА МАБЛАГЛАРИ ҲАРАКАТИНИ ТАҲЛИЛИ**

Бизга маълумки, корхоналарда “Пул оқимлари тўғрисидаги” ҳисобот шакли билан бирга ушбу шаклга илова қилиниб, “Валюта маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотнома” ҳам берилади. Ушбу маълумотда асосан корхонанинг валюта маблағларини ҳаракати акс эттирилади. Яъни корхонада мавжуд бўлган валюта маблағларининг йил бошига қолдиги; жами валюта тушумлари; шулардан, сотишдан тушган валюта тушуми, конвертация ҳисобига тушган тушум, валюта ҳисобида олинган кредитлар, ва бошқа манбалар ҳисобига келиб тушган тушумлар; жами сарфланган валюта маблағлари; шулардан, ишлаб чиқариш сарфларига қўшиладиган харажатлар, ишлаб чиқаришни ривожлантириш харажатлари, мол етказиб берувчиларга тўланган валюта тўловлари, валюта ҳисобига олинган кредит учун тўловлар ва уларнинг фоизлари ҳамда бошқа мақсадлар учун тўланган валюта маблағлари бўлиши мумкин ва ниҳоят ҳисобот даври охиридаги валюта қолдиги акс эттирилади. Корхоналарда валюта маблағларининг оқими ва уларнинг тузилмавий қўринишини қўйидаги жадвал мисолида кўриб чиқишимиз мумкин (44-жадвал):

Мазкур кўрсаткичларга асосланиб келиб тушган ва сарфланган маблағлар нисбати сифатида аниқланадиган пул ва валюта маблағлари оқимининг коэффициентини ҳисоблаб топиш шарт. Ушбу коэффициент бирдан катта бўлса, бу ҳисобот даврида келиб тушган пул маблағлари уларнинг сарфидан ортиқчалигидан далолат бериб, бу ҳол банк ҳисобрақмларидаги ва кассадаги пул маблағи қолдиги кўпайишида ўз аксини топган.

Пул маблағлари оқими коэффициентининг бирдан пастлиги пул маблағлари сарфи келиб тушишига нисбатан кўпроқ бўлганлигидан, ҳисобот даври охирида пул ва валюта маблағлари қолдиги камайганлигидан далолат беради.

## 44-Жадвал

### Корхонада валюта маблағлари оқими ва уларнинг тузилмаси

Кўрсаткичлар	Пул маблағлари тушуми		Пул маблағлари чиқими	
	Сумма, минг сўм	Салмоғи , %	Сумма, минг сўм	Салмоғи , %
1	2	3	4	5
<b>ВАЛЮТА МАБЛАҒЛАРИ ОҚИМИ</b>				
Хисобот даври бошидаги қолдиқ	309	100		
Келиб тушди	3725			
<b>Шу жумладан:</b>				
А) сотишдан олинган фойда	3725			
Б) конвертацияланган				
В) олинган кредит				
Г) бошқа манбалар				
<b>Сарфланди</b>			3894	
<b>Шу жумладан:</b>				
А) ишлаб чиқариш (муомала) харажатларига киритилган сарф харажатлар				
Б) ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарф-харажатлар			1562	
В) маҳсулот етказиб берувчиларга тўловлар			1445	
Г) кредит бўйича тўловлар, шу жумладан фоизлар				
Д) бошқа мақсадлар учун			887	
Валюта маблаглари тушуми (+), чиқими(-) нинг чикимдан куплиги	-169			
Хисобот даври охиридаги колдик			140	
Валюта маблаглари оқими коэффиценти	0,96			
Давр бошидаги пул ва валюта маблаглари колдиги суммаси	351			
Пул ва валюта маблағлари тушуми	28177			
Пул ва валюта маблағлари чиқими			28224	
Хисобот даври охиридаги пул ва валюта маблағлари қолдиғи суммаси			304	
Пул ва валюта маблағлари оқими коэффициенти	0,99			

Мазкур коэффициент корхона ҳисобот даври бошида муаян пул қолдиқ суммасига эга бўлганида бирдан паст бўлиши мумкин.

Пул маблағлари оқими ўзгаришининг мойиллигини, уларнинг корхона молиявий аҳволига таъсирини аниқлаш, пул маблағлари оқимини прогнозлаш учун пул маблағлари оқимининг сўнгги бир неча йил ичидаги суммаси, тузилмаси ва коэффициентининг ўзгаришини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Пул маблағларининг манбалари ва фойдаланиш йўналишларини баҳолаш, ҳам шу асосда улар бўйича хulosса қилиш ва тавсиялар бериш мақсадида таҳлил қилувчи қўидаги саволларга жавоб топиши керак:

- Корхона бундан кейин ҳам асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни корхонанинг ўзида тўпланган пул маблағлари ҳисобига молиялаштира оладими?
- Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги корхоналар сотиб олиш қай йўсинда молия билан таъминланган?
- Ташқи манбалардан молиявий таъминланишига боғлиқлик қай даражада?
- Дивиденд сиёсати юритиш, яъни акциялар, қимматли қоғозлар ва қарз беришга пул жойлаш ҳисобига даромад олиш қай даражада?

Бир неча йиллик пул оқимларининг таҳлили ишлаб чиқаришни кенгайтиришга пул маблағларини жалб қилиш истиқболини ва бўлғуси кутилмаган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш имкониятларини, яъни раҳбариятга корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш бўйича услугият ва тактикани белгилаб олиш имконини беради.

## **6.7. МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Фирма ва компанияларда пул оқими деганда нимани тушунасиз?
2. Пул маблағларининг кирими қандай таҳлил қилинади?
3. Пул маблағларининг чиқими қандай таҳлил қилинади?
4. Хўжалик фаолиятидаги пул оқими қандай ўрганилади?
5. Инвестицион фаолиятдаги пул оқими нималардан иборат?
6. Солиқ ва солиқланишдаги пул маблағлари ҳаракати қндай таҳлил этилади?
7. Молиявий фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати деганда нимани тушунасиз?
8. Валюта маблағлари ҳаракати қандай таҳлил этилади?
9. Пул маблағлари ҳаракатини тезлаштириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарур?
10. Валюта заҳираларини кўпайтиришнинг омиллари сизнингча нималардан иборат?

## **6.8. МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР**

### **1. Қуидаги таянч ибораларга тушунчалар ёзинг.**

- Пул оқими;
- Пул маблағларининг кирими;
- Пул маблағларининг сарфи;
- Махсулотлар сотишдан пул маблағлари кирими;
- Хўжалик фаолиятидаги пул маблағлари ҳаракати;
- Инвестицион фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати;
- Солик тўлаш бўйича пул маблағлари сарфи;
- Молиявий фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати;
- Валюта маблағларининг ҳаракати;

**2. Пул оқимлари тұғрисидаги ҳисобот маълумотларини таҳлил  
қилинг.**

**ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТҰҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ**

**2001 йил учун**

ОКУД бүйича 4-  
шакл

Кодлар
0710004

**Корхона, ташкилот “Алишер Навоий” АЖ**

Сана (йил, ой,  
кун)

00276898

15271

00276898

Назоратдаги  
сумма

**Тармок(фаолият тури)**

**Давлат мулкини бошхариш органи**

**Үлчов бирлиги, минг сүм**

Жұнатылған сана

Қабул қилинган  
сана

Топшириш  
муддати

**Манзилгоҳ:**


Күрсаткічларнинг номи	Сатр раками	Чиқим	Кирим
Хұжалик фаолиятида пул маблагларининг ҳаракати харидорлардан келиб тушган пул маблаглари	010		496763
Мол етказиб берувчиларга туланған пул маблаглари	011	240296	
Ходимларга ва ходимлар номидан туланған пул маблаглари	012	223232	
Бошқа пулли тұловлар ва тушумлар	013	191769	194727
ЖАМИ. Хұжалик фаолиятидан пул маблагларининг соф кирими/чикими (010+011+012+013)	014	655297	691490
Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат курсатиши			
Олинган фоизлар	020		2374
Туланған фоизлар	021	2097	
Олинган дивиденdlар	022		837
Туланған дивиденdlар	023	8006	
Жами. Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат курсатишдаги соф кирим/чиким (020+021+022+023)	024	10103	3211
Солиқланиш			
Даромад (фойда) дан туланған солиқ	030	4036	
Бошқа туланған солиқлар	031	46156	
ЖАМИ: туланған солиқлар (030+031)	032	50192	
Инвестиция фаолияти			
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	040	63	
Узок муддатлы моддий активларни сотиб олиш ва сотиш	041	5191	980

<b>Кўрсаткичларнинг номи</b>	<b>Сатр раками</b>	<b>Чиким</b>	<b>Кирим</b>
ҳарид килинган узок ва киска муддатли куйилмалар	042	1100	1100
ЖАМИ. Инвестиция фаолиятидаги соф пул окимларининг кирими/чикими (040+041+042)	043	6354	2080
ЖАМИ. Пул маблагларининг соф кирими/чикими (молиялаштиргунга қадар)	044	721946	696781
Молиявий фаолият			
Акция чиқаришдан капиталга келиб тушган тушум	050		
Узок ва киска муддатли қарзларнинг келиб тушиши	051		
Ижара мажбуриятлари бўйича тушум ва тўловлар	052		28123
ЖАМИ. Молиявий фаолият соф кирими/чикими (050+051+052)	053		28123
Соф усиш/камайиш (пул ва унга тенглаштирилган маблаглар учун) (044+053)	060	721946	724904
пул ва унга тенглаштрилган маблагларнинг ҳисобот йили бошига холати	070		26890
пул ва унга тенглаштирилган маблагларнинг ҳисобот даври охирига холати	080		29848

Рахбар: \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер: \_\_\_\_\_

**VII Боб**  
**ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИ ТАҲЛИЛИ**

---

- 7.1. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТАҲЛИЛИНИНГ МАЗМУНИ,  
ВАЗИФАЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ**
- 7.2. ХУСУСИЙ КАПИТАЛЛАР ТАРКИБИ, ЎЗГАРИШИ ВА  
ДИНАМИКАСИНИ ТАҲЛИЛИ**
- 7.3. ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИ КЎПАЙТИРИШ ОМИЛЛАРИНИ  
АНИҚЛАШ.**
- 7.4. МАВЗУНИ ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**
- 7.5. МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.**

## **7.1. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТАХЛИЛИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ**

Бозор иқтисодиёти шароитида фирма ва компанияларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган маблағлари қўйидаги манбалардан шаклланади:

- Ўзлик маблағлари манбаи;
- Мажбуриятлар (карз).

Бу манбалар ичida фирма ва компанияларнинг молиявий мустақиллигини таъминловчи ўзига қарашли устав, қўшилган, резерв капиталлар ва тақсимланмаган фойда муҳим ўринни эгаллади.

Фирма ва компаниялар дастлаб ташкил этилаётганда ўз маблағларига ва бойликларига эга бўлади. Таъсис ҳужжатларига мувофиқ устав капиталининг ҳажми кўрсатилади. Агарда корхонанинг ўз маблағлари етарли бўлса ўз маблағлар манбаи ҳисобига акс ҳолда эса қарз маблағлари ҳисобига қоплади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хар бир корхона ўз молиявий эҳтиёжларини ўзи мустақил қондириши мумкин. Ресурсларни таъминлаш манбаи бўлиб, унинг фойдаси, қиммат баҳо қофозларини сотишдан келган тушум, акционерларнинг пай ва бошқа тўловлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари хамда қонундан ташқари бўлмаган ҳолда кирим қилинган маблағлар киради. Бундай асосда киритилган маблағлар корхона ташкилотлар учун хусусий капитал деб қаралади.

Хусусий капитал кўпайтириш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим ахамиятга эга бўлиб, у корхонанинг ўз қудратини даражасини қай даражада эканлигини билдиради. Бундай тарафларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 6- сессиясида қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун»да хам хусусий капитал ҳисобига катта эътибор берилган. Унинг 16- моддасига кўра молиявий ҳисботлар таркибида 5- шакл «Хусусий капитал тўғрисида ҳисбот» деб номланиб, бу форма ҳар йили бошқа ҳисботларга қўшилган ҳолда юқори органларга топширилиши лозим.

Хусусий капитал таҳлилиниң вазифалари бўлиб, қуидагилар ҳисобланади:

- Хусусий капиталлардан самарали фойдаланганликка баҳо бериш;
- Хусусий капиталда мавжуд бўлган имкониятларни аниқлаш;
- Унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва ҳакозолар киради.

Хусусий капитал таҳлилини олиб боришда ахбарот манбаи бўлиб, «Бухгалтерия баланси»нинг пассив 1- бўлими ва «Хусусий капитал ҳаракати тўғрисида ҳисобот» формалари киради. Бу хужжат шаклларидан фойдаланган ҳолда биз таҳлил ишларини олиб борамиз. Мазкур мавзунинг ҳисоби 12-«Журнал ордери» да юритилиб, ушбу хужжат формаси хам манбаалар сифатида кўрилиши мумкин.

## **7.2. ХУСУСИЙ КАПИТАЛЛАР ТАРКИБИ, ЎЗГАРИШИ ВА ДИНАМИКАСИНИ ТАҲЛИЛИ**

Хусусий капитал ҳисоби ўз ичига бир қанча кўрсаткичларни олиб, улар қуидаги тартибда ташкил этилади:

- Устав капитали;
- Кўшилган капитал;
- Резерв капитали;
- Тақсимланмаган фойда;
- Хусусий капитал билан қопланмаган зарап.

Корхонанинг устав капитали ўз маблағлар манбайнинг асосини ташкил этади. Устав капитали таъсисчилар томонидан қўйилган пай тўловларини, акцияларининг номинал қийматини ўзида сақлайди. Унинг ҳисоби эса хукумат қарорлари ва таъсисчиларнинг йифинида қабул қилинган қарорлар асосида юритилиб борилади.

Давлат ташкилотларида устав капитали давлат бюджети томонидан ажратилган мулкни кўрсатади. Мулкнинг келиши вақтига эса бу сумма устав капиталида кўрсатилади.

Кўшилган капитал қуидагилардан шаклланади:

- Сотилган акцияларнинг номинал қиймати ва сотиш қийматидаги тафовутлар суммаси;
- Асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида пайдо бўлган фарқ суммаси.

Корхоналар амалда қўлланилаётган қонунларга кўра ҳар йили эришган фойдасидан резервлар ташкил этишлари мумкин. Унга ҳар йили уставда кўрсатилган тартибда маблағ чегирилиб борилади.

Хиссадорлик жамиятларида резерв капиталининг ҳажми устав капиталининг 15 % дан кам бўлмаган ҳолда ташкил этилади.

Ташкил этилган фонд эса қуидаги мақсадлар учун сарфланади:

Кўрилган заарларни қоплаш учун;

Корхона ҳисобот йилида фойда олмаган бўлса имтиёзли акциялар учун дивидент бериш;

Бошқа тўловларни амалга ошириш учун.

Тақсимланмаган фойда бу корхонанинг ҳисобида турган соф фойдасини кўрсатади. У хам хусусий капитал таркибига кирувчи энг асосий кўрсаткичлардан саналади. Лекин фаолият юритувчи корхоналар ҳар сафар хам фойда билан чиқмаслиги мумкин. Бу ҳолда унинг зарари хусусий капитал билан қопланмаган зарап деб юритилади. Мазкур иккала қиймат хам «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарап)» счётида юритилиб, уларнинг фарқи ишоралари орқали аниқланиб олинади.

Молиявий таҳлилни олиб боришда коэффицентлар усули энг илғор методлардан ҳисобланиб, бизнинг ўрганаётган мавзуимизни хам уларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида турли хил молиявий коэффиценлар ўрганилади ва уларни шартли равишда тўртта катта гурухларга ажратилади:

Рентабеллик коэффицентлари;

Ликвидлик коэффицентлари;

Тўлов қобилияти коэффицентлари;

Бозор индикаторлари.

Бу кўрсаткичлар хам ўз таркибига бир қанча коэффицентларни олади:

**Демак биринчи кўрсаткич таркибига:**

- Хусусий капитал рентабеллиги;
- Корхонанинг жами инвестициялар рентабеллиги;
- Леверидж;
- Сотиш рентабеллиги.

**Ликвидлик коэффицентларига:**

- а. Тез ликвидланадиган коэффицентлар;
- б. Дебеторлик қарзларини айланиш коэффиценти;
- в. Ишлаб чиқариш заҳираларини айланиши коэффиценти;
- г. Қийин ликвидланиш коэффиценти.

**Тўлов қобилиятини изохловчи коэффицентларга қўйидагилар**  
**киради:**

- Қарз ва хусусий капитал нисбати коэффиценти;
- Хусусий капиталнинг жами мулкда тўтган улуши коэффициенти;
- Қарз маблағларининг жами активларда тўтган улуши коэффициенти.

Бозор индикаторларига эса бозор қиймати ва бухгалтерия ҳисобида акс этган баҳо (номинал қиймат, таннарх) орасидаги фарқ суммалари ўрганилади.

Бу коэффицентлар ичida бизнинг мавзуга талуқли бўлган коэффицентлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагича аниқланади:

Хусусий капитал рентабеллиги. Бу рентабеллик тури ҳар бир сўмлик хусусий капиталимиз ҳисобига тўғри келган соф фойда қиймати ўрганилади. Бунинг учун, кўринишида ҳисоб - китоб ишларини бажаришимиз керак.

$$\frac{\text{Соф фойда}}{\text{Хусусий капиталнинг йилли ўртача қиймат}}$$

Хусусий капиталнинг ўртача йиллик қийматини топиш учун йил бошидаги ва йил охиридаги суммаларини йифиндисини иккига бўлиб аниқлаймиз.

Жами инвестициялар рентабеллиги. Бу кўрсаткични аниқлашимиз учун, каби ҳисоблашиш ишларини бажаришимиз лозим.

$$\frac{\text{Соф фойда} + (\text{Кредитлар ўчун фоиз} * \text{фойда солигининг})}{\text{коректировка қилинган ставкаси} + \text{Резервлар ўчун ажратма}} = \frac{\text{Жами активларнинг ўртача қиймати}}{\text{Жами активларнинг ўртача қиймати}}$$

Бу ерда активларнинг ўртача қиймати жами маблағларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган қийматини йифиндисини иккига бўлган ҳолда топамиз. Бу ерда резервлар учун ажратма, кредит учун солиглар ва фойда солигининг коректиrovкаси соф фойда ҳисобидан бўлганлиги учун бу қийматларнинг йифиндиси ҳисбот йилининг якуний молиявий натижаси сифатида келади.

**Левердж.** Бу хусусий капиталнинг ўсган қисмини кўрсатиб, у қуйидагича аниқланади, яъни хусусий капитал рентабеллиги коэффиценти билан жами инвестициялар орасидаги фарқ коэффиценти олинади. Келиб чиқсан натижа

қанчалик юқори бўлса корхонанинг хусусий капиталини шунчалик ўсганлигини беради.

**Бир акция учун даромадни ҳисобот йилида олинган фойдани чиқарилганг акциялар сонига бўлиш билан аниқланади.**

**Қарз ва хусусий капитал ўртасидаги нисбат коэфиценти.**

Бунда узоқ ва қисқа муддатли қарз маблағларини ўз маблағлари манбаига бўлиб топамиз. Бундай нисбатлар ҳар бир давр учун аниқланади.

Агарда ҳисобот йили бошидаги аниқланган коэфицент йил охирига нисбатдан катта бўлса  $A_1 > A_2$  у ҳолда корхонанинг тўлов қобилияти ошган бўлади. Акс ҳолда эса корхонанинг тўлов қобилияти пасайган бўлади.

**Хусусий капиталнинг жами активларда тўтган улуши коэфиценти.**

$$\frac{\text{Хусусий капитал қийматини}}{\text{Жами маблағлар}}$$

Формуласи орқали топилади. Бу коэфицент қанчалик бирга яқинлашиб борса корхонанинг мустақиллиги шунчалик ошиб боради. Бизнинг республикамиизда фаолият кўрсатаётган корхоналар бу коэфицентнинг камида 50% га эга бўлишлари лозим.

## **7.3. ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИ КҮПАЙТИРИШ ОМИЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

Хусусий капитал таҳлили унинг таркибидан жой олган кўрсаткичлар хисобига ўзгариб боради. Хар бир таркибнинг ўзгариши хам ўз мазмунига кўра маълум кўрсаткичларни ўзгариши орқали амалга ошади.

### **Устав капитали;**

Хусусий (хиссадор) капиталининг қиймати, қиммат баҳо қоғозларнинг эмиссияси ва жорий йил фойдаси ва зарари хисобига ўзгариши мумкин. Бу кўрсаткичлар “Хусусий капитал тўғрисида хисбот»нинг 020; 030 ва 060 сатрларида ўз аксини топади.

### **Кўшилган капитал.**

Куйидаги холларда ўзгариши мумкин:

- Хусусий (хиссадор) капитали қийматининг ўзгариши;
- Муомалага қўшимча акцияларнинг чиқарилишида;
- Асосий воситаларни қайта баҳоланишида;
- Фойда ва заарларни хисобига.

**Резерв капитали** хам юқорида келтирилган ўзгариш сабаблари хисобига амалга ошади. Фақатгина бу ўзгаришлар таркибиға фойда хисобидан резервларга ажратилган суммалар, яни 5-хисбот шаклининг 050 сатри хам киради.

**Тақсимланмаган фойда.** Бу кўрсаткич корхонанинг ҳисбот йилида олган соғ фойдаси, хиссадор капиталининг кўпайиш ёки камайиши, қиммат баҳо қоғозлар эмиссияси, резерв учун ажратмалар хисобига ўзгариши мумкин.

Хусусий капитал билан қопланмаган зарар,

- ҳисбот даврида олинган зарар;
- Қиммат баҳо қоғозлар эмиссияси;
- Хиссадор капиталининг кўп ёки кам бўлиши каби кўрсаткичлар хисобига ўзгариши мумкин.

Хусусий капиталнинг таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган.

## Хусусий капитал ҳаракатининг таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Хусусий капитал таркиби	Йил бошига		Йил давомидаги ҳаракати		Йил охиридаги қолдик		Ўзгариши (+,-)	
	Минг сўм	%	Кўпайиши (+)	Камайиши (-)	Минг сўм	%	Минг сўм	%
1	2	3	4	5	6	7	8=6-2	9=7-3
1. Устав капитали	35243	57,1	-	-	35243	32,8	-	-24,3
2. Кўшилган ка-питал	3866	6,3	-	-899	2967	2,7	-899	-3,6
3. Резерв капитал	-	-	-	-	-	-	-	-
4. Тақсимланмаган фойда (+) ёки қопланмаган зарар (-)	22629	36,6	46397	-	69026	64,5	46397	27,9
<b>Жами:</b>	<b>61738</b>	<b>100</b>	<b>46397</b>	<b>-899</b>	<b>107236</b>	<b>100</b>	<b>45498</b>	<b>-</b>

Маълумотларга кўра, корхонада жами хусусий капиталлар қиймати 43498 минг сўмга кўпайган. Бу кўрсаткич ҳисбот йил охирида 107236 минг сўмни ташкил қилган. Корхона фаолияти учун бу ижобий ҳолатдир. Хусусий капиталнинг кўпайишига тақсимланмаган жорий йил фойдасининг 46 млн. 397 минг сўмга кўпайганлиги ҳолда корхонада мавжуд қўшилган капитал 899 минг сўмга камайиши сабаб бўлган. Корхонанинг устав капитали ўтган йилга нисбатан ўзгармаган. Таҳлил қилаётган корхонада резерв капитали мавжуд эмас.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики биз таҳлил қилаётган корхонанинг хусусий капитали йил бошига нисбатдан йил охирида 45498 минг сўмга ошган. Бу натижа корхона учун ижобий деб қаралиши лозим. Чунки бу миқдор йил бошига нисбатдан салкам 73,7 %га ошган.

Бундай ўзгаришнинг хосил бўлишида ҳисбот йилида фойданинг 46397 минг сўмга ошуви катта таъсир этган.

Ижобий натижа деб қаралишини яна бир тарафи шундаки, хусусий капиталнинг ижобий ўзгаришининг ҳаммаси соф фойданинг кўпайиши ҳисобига бўлган.

1999 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молияхўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирган

корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора- тадбирлари тўғрисида» Фармони чиқди. Бу фармонга кўра молия- хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар фаолияти тузилган маҳсус худудий комиссиялар кўрсатмасига кўра тўхтатилади.

Шундай экан юқоридаги жадвал маълумотларига асосланган ҳолда бу муоммони ҳал этиш йўлларини топишимиз керак. Кўриниб турибдики хусусий капитал қийматининг қўпайтиришнинг энг асосий омили бўлиб корхонанинг ҳисобот йилида олган соф фойдаси ҳисобланади.Faолият кўрсатувчи ташкилотлар шу омил ҳисобига ўз жамғармаларини ошириши энг оптимал вариант деб қаралади. Сабаби бу омилнинг ўзгариши фақатгина корхонанинг ўзига боғлиқ бўлиб, унинг ҳар томонлама тўлиқ имкониятларини ишга солиб фаолиятини бошлашни тақозо этади. Бундан ташқари бошқа кўрсаткичларнинг ўзгариши хам ушбу омил билан бевосита боғлиқдир. Мазкур вазифаларни ҳал этишда талабалар «Махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомни чукур билишлари лозим. Унда фойдани шакллантириш муоммоларини чукур ўрганишлари лозим.

## **7.4. МАВЗУНИ ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.**

1. Хусусий капитал таҳлилиниң мазмунуни ва вазифаси нималардан иборат?
2. Устав капиталиниң шаклланиш тартиби қандай?
3. Хиссадорлик жамиятларида устав капиталини шаклланиши нималардан иборат?
4. Қўшилган капиталниң ўзгаришига қандай омиллар таъсир этади?
5. Резерв капитал қандай мақсадлар учун сарфланади?
6. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) суммалари қандай шаклланади?
7. Тақсимланмаган фойдани қандай мақсадларда сарфланади?

## **7.5. МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР.**

**1. Қуидаги таянч ибораларга тушунча ёзинг:**

- ўзлик маблағларнинг манбалари;
- устав капитал;
- резерв капитал;
- қўшилган капитал;
- тақсимланмаган фойда;
- қопланмаган зарар.

**2. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини таҳлил этинг.**

## ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТҮӨРСИДАГИ ҲИСОБОТ

2001 йил учун

Корхона, ташкилот «Алишер Навоий» АЖ

Тармоқ (фаолият тури) \_\_\_\_\_

Давлат мулкини бошқариш органи \_\_\_\_\_

Манзилгох:

Үлчов бирлиги, минг сүм

Кодлар
ОКУД буйича 5-шакл
Сана (йил, ой, кун)
ОКПО буйича
ОКНХ буйича
ОКПО буйича
Назоратдаги сумма
Жунатилган сана
Кабул килинган сана
Топшириш муддати

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сатр раками</b>	<b>Устав капитали</b>	<b>Қўшилган капитал</b>	<b>Резерв капитали</b>	<b>Тақсимланмаган фойда</b>	<b>Хусусий капитал билан қопланмаган зарар</b>	<b>ЖАМИ</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>
Йил бошига қолдик	010	80203	130733	1203	28340		240479
Хусусий (хиссадор) капиталнинг ўсиши	020		18147				18147
Қимматбахо когоzlар эмиссияси	030						
Асосий воситаларнинг қайта бағланиши	040	x		x	x	x	
Резерв учун ажратма	050	x	x	602	x		602
Жорий йил фойда/зарари	060				8279		8279
Дивидендлар	070	x	x	x	x	x	18242
Хисобот даври охирига қолдик	080	80203	148880	1805	17775		248663
МАЪЛУМОТ УЧУН:							
хисобот даври охирида устав капиталига киритилган бадалликлар	090	x	x	x	x	x	-
Чикарилган акцияларнинг сони, дона	100	x	x	x	x	x	60806
Шу жумладан:							
Имтиёзлилари	101	x	x	x	x	x	-
Оддийлари	102	x	x	x	x	x	60806
Акция киймати	110	x	x	x	x	x	1319
Шу жумладан:							
Имтиёзлилари	111	x	x	x	x	x	-
Оддийлари	112	x	x	x	x	x	1319
Муомиладаги акциялар миқдори, дона	120	x	x	x	x	x	60806
Шу жумладан:							
Имтиёзлилари	021	x	x	x	x	x	-
Оддийлари	122	x	x	x	x	x	60806

**Рахбар:** \_\_\_\_\_

**Бош бухгалтер:** \_\_\_\_\_

## **VIII БОБ. БИЛИМНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТАКРОРЛАШ УЧУН ТЕСТЛАР.**

**Барча мавзуларни батафсил ўзлаштирганлигингизга ишонч ҳосил  
қилишингиз учун қуидаги тестларни жавобини топинг:**

### **1-тест**

Нималар узок муддатли активларни ташкил этади?

- A) Асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва фойданинг ишлатилиши.
- Б) Асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган капитал қўйилмалар, узок муддатли молиявий қўйилмалар, ўрнатилган асбобускуналар, таъсисчилар билан ҳисоб-китоб ва бошқа оборотдан ташқари активлар.
- В) Асосий воситалар, номоддий активлар, капитал сарф ва аванслар, узок муддатли капитал жамгармалар, бойликлар бўйича ҳисоблашишлар, бошқа оборотдан ташқари активлар.
- Г) Асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар, шўъба корхоналар акциялари ва уюшма корхоналардаги акциялари ва берилган қарзлар, узок муддатли инвестициялар, бошқа активлар.
- Д) Асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва бошқа инвестициялар.

**Жавоб: а), б), в), г), д).**

## 2-тест

Қайси корхона балансида узоқ муддатли активларнинг қиймати түғри акс эттирилган (минг сўм)?

Корхоналар	А	Б	В	Г	Д
Асосий воситалар, Бошланғич баҳода (01)	24000	26000	22000	20000	24000
Эскириш (02)	5040	10000	4050	3500	4000
Қолдиқ баҳода	18960	16000	17950	16500	20000
Номоддий активлар:					
Бошланғич баҳода (04)	3200	3400	3000	2900	3000
Эскириши (05)	600	800	500	550	1000
қолдиқ баҳода	2600	2600	2500	2350	2000
Бошқа оборотдан ташқари активлар	430	500	530	520	600
Жами	27690	19900	20980	19920	26600

Жавоб: а), б), в), г), д).

## 3-тест

Корхонанинг мажбуриятлари таркибига нималар киради?

А) Қисқа ва узоқ муддатли кредитлар, муддатда узулмаган ссудалар ва бошқа қарзга олинган маблағлар.

Б) Қисқа, ўрта ва узоқ муддатга олинган қарз маблағлар, ссудалар ва бошқа қарзлар.

В) Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар, муддатида қайтариlmаган ссудалар, қисқа ва узоқ муддатга қарзга олинган маблағлар, кредиторлар билан ҳисоб-китоблар.

Г) Қисқа ва узоқ муддатли кредит ва қарзлар, ҳаридор ва буюртмачилардан олинган бўлаклар ва кредиторлар.

Д) Узоқ ва қисқа муддатли қарзлар.

Жавоб: а), б), в), г), д).

#### **4-тест**

Моддий оборот маблағлар таркиби нималардан иборат?

А) Захиралар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр чиқимлари, тайёр маҳсулот, товарлар, бошқа захира ва харажатлар.

Б) Захиралар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр чиқимлари, тайёр маҳсулотлар, товарлар, қолдиқ товарларга муомила харажатлари, бошқа харажатлар.

В) Захирлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр чиқимлари, тайёр маҳсулотлар, товарлар, бошқа захиралар ва харажатлар.

Г) Ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот.

Д) Ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, олиб сотиладиган товарлар ва келгуси давр сарфлари.

Жавоб: а), б), в), г), д).

#### **5-тест**

Куйидаги қўрсаткичлардан қайсиниси корхонанинг молиявий барқарорлигини аникроқ билдиради?

А) Жами маблағ таркибидаги корхонанинг ўзига қарашли маблағ улуши.

Б) Ўзига қарашли айланма маблағ билан жами ўзига қарашли маблағ ўртасидаги нисбат.

В) Мажбуриятлар билан ўз маблағи ўртасидаги нисбат.

Г) Мажбуриятлар билан жами маблағ ўртасидаги нисбат.

Д) Жами мажбуриятлар.

Жавоб: а), б), в), г), д).

## 6-тест

Қайси корхона үзига қарашли айланма маблағлар манбаси билан етарлы таъминланган? (минг сўм)

Корхоналар	А	Б	В	Г	Д
1. Ўзлик маблағлар ва узоқ муддатли қарзлар	26000	24000	20000	18000	16000
2. Узоқ муддатли активлар	22000	21000	15000	14000	13000
3. Ўзига қарашли айланма маблағлар манбаси ( )	?	?	?	?	?
4. Захира ва ҳаражатлар	7000	6000	5000	3000	3000
5. Ўзига қарашли айланма маблағлари манбасининг ортиқчалиги (+) ёки етишмаслиги (-) (3-4)	?	?	?	?	?

Жавоб: а), б), в), г), д).

## 7-тест

A)  $\frac{\text{Захира ва ҳаражатлар}}{\text{Жами мулк}}$

Б)  $\frac{\text{Пул маблағлари}}{\text{Жами мулк}}$

В)  $\frac{\text{Захира ва ҳаражатлар} + \text{пул маблағлари}}{\text{Жами мулк}}$

Г)  $\frac{\text{Оборот активлар}}{\text{Жами мул}}$

Д)  $\frac{\text{Дебитор қарзлар}}{\text{Жами мулк}}$

Жавоб: а), б), в), г), д).

## 8-тест

Күйидаги күрсаткичлардан қайси бири жорий түлов қобилиягини ифодалайды.

- A) 
$$\frac{\text{Пул маблағлари}}{\text{Қисқа муддатли түлов мажбуриятлар}}$$
- B) 
$$\frac{\text{Пул маблағ ва бошқа активлар}}{\text{Қисқа муддатли түлов мажбуриятлари}}$$
- B) 
$$\frac{\text{Пул маблағ + қийматли қоғозлар}}{\text{қисқа муддатли түлов мажбуриятлар}}$$
- Г) 
$$\frac{\text{Оборот активлар}}{\text{Мажбуриятлар}}$$
- Д) 
$$\frac{\text{Дебиторлар}}{\text{Кредиторлар}}$$

Жавоб: а), б), в), г), д).

## 9-тест

Күйидаги маълумотларга кўра қайси корхона кўпроқ молиявий барқарорликка эга эканлигини кўрсатинг. (минг сўм)

Пассивлар	Корхоналар				
	А	Б	В	Г	Д
1. Ўзлик маблағлар манбалари	24	20	18	14	12
2. Мажбуриятлар	12	9	3	6	4
Жами	36	29	21	20	16

Жавоб: а), б), в), г), д).

## 10-тест

Қайси корхона мулки тез пулга айланувчан (ликвид)лигини кўрсатинг. (минг сум)

Активлар	Корхоналар				
	А	Б	В	Г	Д
1. Узоқ муддатли активлар	21	15	14	17	30
2. Захира ва харажатлар	6	5	3	6	8
3. Пул маблағлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар	9	10	4	4	12
Жами	36	30	21	27	40

Жавоб: а), б), в), г), д).

## 11-тест

Айланма маблағларнинг айланиш коэффициентини қандай аниқланади?

A) 
$$\frac{\text{Маҳсулот сотишдан тушум} + \text{тайёр маҳсулот}}{\text{Айланма маблағларнинг йиллик ўрта қиймати}}$$

B) 
$$\frac{\text{Маҳсулот сотишдан тушум}}{\text{Айланма маблағларнинг йиллик ўрта қиймати}}$$

B) 
$$\frac{\text{Сотилган маҳсулот (таннарх баҳода)}}{\text{Айланма маблағларнинг йиллик ўрта қиймати}}$$

Г) 
$$\frac{\text{Сотилган маҳсулот (таннарх баҳода)}}{\text{Жами мулк}}$$

Д) 
$$\frac{\text{Маҳсулот сотишдан тушум}}{\text{Оборот активлар}}$$

Жавоб: а), б), в), г), д).

## 12-тест

Қайси корхонада айланма маблағларининг айланиши тез?

Күрсаткичлар	Корхоналар				
	А	Б	В	Г	Д
1. Маҳсулот сотишдан тушум, минг сум	28	27	26	22	20
2. Айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати, минг сум	12	11	8	7	6
3. Айланиш коэффициенти	2.93	2.45	3.25	3.14	3.33

Жавоб: а), б), в), г), д).

## 13-тест

Қайси корхона юқори молиявий барқарорликка эга?

Күрсаткичлар	Корхоналар				
	А	Б	В	Г	Д
1. Ўзлик маблағлар манбалари, млн.сум	900	800	700	600	500
2. Жами мулк, млн.сум	1800	1700	1350	1400	1200
3. Молиявий барқарорлик	?	?	?	?	?

Жавоб: а), б), в), г), д).

## 14-тест

Куйидаги маълумотлар асосида ўз оборот маблағларини мавжуд суммасини аниқланг.

Күрсаткичлар	Сумма
1. Узоқ муддатли активлар	74184
2. Ўз маблағлари манбалари	85722
3. Узоқ муддатли пассивлар	2500

Жавоб: а) 11238, б) 14038, в) 8738, г) 83222, д) 71684.

## 15-тест

Молиявий мустаҳкамлик деганда нима тушинилади?

- А) Корхонанинг ўз мажбуриятларини қоплашда пул маблағлари ортиқчалиги;
- Б) Фаолият натижасида барча харажатларни қоплаб фойда олишни таъминлашга эгалиги;
- В) Устав капиталининг юқори даражадалилиги;
- Г) Тўловга қобиллик даражасининг юқорилиги;
- Д) Корхона молиявий барқарорлиги.

Жавоб: а), б), в), г), д).

## 16-тест

Жами баланс фойда суммасини ҳисобланг

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1. Махсулот сотищдан олинган фойда, млн.сум	300	240
2. Бошқа сотишлардан фойда	40	50
3. сотиш билан боғлиқ бўлмаган даромадлар	9	7
4. Сотиш билан боғлиқ бўлмаган чиқимлар	26	32
Жами баланс фойда	?	?

Жавоб: а) 323:260, б) 323:255, в) 343:265, г) 323:265, д) 343:255

## 17-тест

Махсулотлар сотищдан олинган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этган сабаблар таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳақиқий сотиш хажми ўтган йил баҳода	Ҳақиқий йил
1. Махсулотлар сотищдан тушум, млн. сум	320	3100	3000
2. Сотилган маҳсулот тўлиқ таннархи, млн. сум	2750	2700	2650
3. Молиявий натижа млн. сум (фойда)	?	?	?

Жавоб: а) 450: 500: 400, б) 900: 300: 350, в) 450:400: 350, г) 450: 400: 300,  
д) 450: 300: 400.

### 18-тест

Маҳсулотлар сотишдан олинган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этган сабаблар таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳақиқий сотиш ҳажми ўтган йил баҳода	Ҳақиқий йил
1. Маҳсулотлар сотишдан тушум, млн. сум	320	3100	3000
2. Сотилган маҳсулот тўлиқ таннархи, млн. сум	2750	2700	2650
3. Молиявий натижা млн. сум (фойда)	450	400	350

Жавоб: Баҳо ўзгаришининг фойда ҳажмига таъсири

а) 200, б)+100, в) -200, г) -100, д) 150.

### 19-тест

Маҳсулотлар сотишдан олинган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этган сабаблар таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳақиқий сотиш ҳажми ўтган йил баҳода	Ҳақиқий йил
1. Маҳсулотлар сотишдан тушум, млн. сум	320	3100	3000
2. Сотилган маҳсулот тўлиқ таннархи, млн. сум	2750	2700	2650
3. Молиявий натижা млн. сум (фойда)	?	?	?

Жавоб: Таннархнинг ўзгаришини фойда ҳажмига таъсири:

а) -50, б) -100, в) 50, г) 100, д) -150.

## 20-тест

Маҳсулотлар сотищдан олинган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этган сабаблар таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳақиқий сотиш ҳажми ўтган йил баҳода	Ҳақиқий йил
1. Маҳсулотлар сотищдан тушум, млн. сум	320	3100	3000
2. Сотилган маҳсулот тўлиқ таннархи, млн. сум	2750	2700	2650
3. Молиявий натижа млн. сум (фойда)	?	?	?

Жавоб: Бошқа омиллар таъсири а) 250, б) 150, в) 180, г) -100, д) -50.

## 21-тест

Кўйидаги маълумотлар асосида маҳсулот реализациясидан кўрилган ялпи фойда миқдорини аниқланг.

Кўрсаткичлар	Сумма
1. Маҳсулот реализациясидан келган тушум	106850
2. Кўшилган қиймат солиғи	20113
3. Акциз солиғи	726
4. Бошқа солиқлар	168
5. Реализация қилинган маҳсулот таннархи	65196

Жавоб: а) 41654, б) 40760, в) 21541, г) 20815, д) 20647.

## 22-тест

Кўйидаги маълумотлардан фойдаланиб солиқ тўлашга қадар молиявий натижани аниқланг. (Минг сум)

Кўрсаткичлар	Сумма
1. Маҳсулот сотищдан тушган соф тушум	186850
2. Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи	84360
3. Даврий харажатлар	47630
4. Олинган дивидентлар	5360
5. Тўланган дивидентлар	6200
6. Тўланган фоизлар	9350
7. Ўтган йилларга тегишли фойда	50
8. Солиқ тўлашга қадар умумий молиявий натижа	?

Жавоб: а) 44670, б) 44720, в) 44620, г) 44820, д) 44770

## 23-тест

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасини аниқланг.  
(минг сум)

Кўрсаткичлар	Сумма
1. Сотишдан кўрилган молиявий натижа	298
2. Сотиш харажатлари	46
3. Маъмурӣ харажатлар	51.8
4. Асосий фаолиятдан кўрилган бошқа а) даромадлар б) зарарлар	7.640 12.1
5. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятини молиявий натижаси	?

Жавоб: а) 200.20, б) 188.10, в) 195.74, г) 276.6, д) 276.9

## 24-тест

Соф фойда суммасини аниқланг ва фаолият якунига изоҳ беринг?

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йил	Фарқи (+,-)	Ўсиш сурати
1. Махсулотни сотишдан келган тушум (кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғисиз)	4583.3	5694.5	+1111.2	124.3
2. Сотилган махсулотлар ишлаб чиқариш таннархи (иш, хизмат)	3951.2	4841.7	+890.5	122.5
3. Сотилган махсулот (иш, хизмат)дан олинган ялпи фойда (1-2)	632.1	852.8	+220.7	134.9
4. Давр харажатлари (махсулотни сотиш, бошқариш ва бошқа операцион харажатлар)	152.4	178.3	+25.9	117.0
5. Бошқа операцион даромад	31.3	37.2	+5.9	118.8
6. Асосий фаолиятдан олинадиган даромадлар натижаси (фойда+, зарар-)	+511.0	+711.7	+200.7	140.6
7. Молиявий фаолият натижаси(+,-)	+71.2	+80.4	+9.2	112.9
8. Тасодифий фойда, зарарлар	+11.4	+8.3	-3.1	72.8
9. Солик тўлагунга қадар фойда, зарар (+,-) (6+7+8)				
10. Соликлар -38%				
11. Соф фойда	?	?	?	?

Жавоб: а) 593.6 800.4 +206.8 134.8

б) 368.0 496.2 +128.2 134.8    в) 225.6 304.2 +78.6 134.8

г) 511.0 711.7 +200.7 140.6    д) 632.1 852.8 +220.7 134.9.

## 25-тест

Ялпи фойда ўзгариши таъсир этувчи омиллар таҳлили. Фойда ўзгаришининг таъсири.

